

566


# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

**ТАФАККУР 3/2017**







## *Ma'naviyat tijoratga aylanmasligi kerak!*

Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?!



Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин... Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.



Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?!



Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий фойда кўриш мақсадида кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳасига борсин... Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган муқаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Бунга ҳеч қачон унутишга ҳаққи йўқ.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг  
Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари  
билан учрашувдаги маърузасидан олинди.





# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Тахририят*  
Муҳиддин РАҲИМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁҚУБОВ  
(масъул котиб)  
ШОҲСАНАМ  
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА  
(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ  
(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА  
(техник муҳаррир)

*Жамоат кенгаши*  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Хуршид ДАВРОН  
Шухрат РИЗО

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБЎЙ

Алишер ҚОДИРОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68



233-79-40

tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2017 йил 18 август куни босмахонага топширилди. Когоз бичими 70x100 1/16, 6 босма тобок. 4849-букюртма. Нашр алади 2177 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Такомил машаққатлари. Ёзувчи ва филолог олим  
Улуғбек ҲАМДАМ билан суҳбат.....4



### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Мулоқот замиридаги ҳикмат....18

### МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Маънавиятнинг уч қонуни. *Иккинчи мақола*.....27

### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Муҳиддин РАҲИМ. Эркинлик қаердан келади?  
Бойлик-чи?.....34

### КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Комил АВАЗ. Икки мухаммас.....42



# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### ИНСОН ЁЗИНГ, ИНСОН ЁЗИНГ

Иво МИХЕЛЬС. Соқчи. Ҳикоя.....44

### НАСЛИМИЗ – АСЛИМИЗ

Султонмурод ОЛИМ. Навоий қандай мутолаа қилган?.....54

### МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ


Фридрих НИТШЕ. Туйғу кўланкаси.....62

### ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Грасс кўргони асирлари.....64



Иван БУНИН



Владимир КАЙДАЛОВ чизган портрет

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Шойим БЎТАЕВ. Фикр ва хаёл  
чоррахасида.....76

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Жамшид ЖЎРАЕВ. Инсон ва макон:  
шарқона ёндашув.....88

Гўзал HOЛИҚУЛОВА. Саҳнада янграган  
сўз.....89

Олия МУҲАММАДИЕВА. Парламентаризм  
тараққиётида янги босқич.....91

Нозим ҲАСАНОВ. Қатраси ҳам зар.....92

Дармон ҚҮРЁЗОВА. Томошабин музейга  
қачон қайтади?.....93

Журналнинг инглизча мухтасар  
мазмун.....95



## ТАКОМИЛ MASHAQQATLARI

**Ёзувчи ва филолог олим Улуғбек ҲАМДАМ  
билан суҳбат**

– Улуғбек ака, “Тафаккур” журналида эълон қилинган “Янги инсон” (2012) номли достонингиз, менимча, бугунги ўқувчининг айти қўнғлидаги асарлардан бири бўлди. Зеро, асарда замондош – Янги инсоннинг ижтимоий ва маънавий қиёфаси турли ракурслардан тасвирланади.

“Янги инсон” истилоҳини илк бор Уйғониш даври мутафаккирлари қўллаган. Аслида эса, бу масала барча ўтиш давлари файласуфу ижодкорларини ўйлантириб келган. Зотан, янги давр кишиси ўздан аввалги авлоднинг “номаи аъмол”ини танқид-тафтиш қиларкан, дунёни қайта қуришга қодир Янги инсонни тарбиялашга интилган. Маданият тарихида бунга мисоллар кўп. Маърифатчилар, кейинроқ модернистлар ҳам Янги инсон сиймосида нурли келажакни башорат қилган. Шу нуқтаи назардан, табиий савол туғилади: нега бугунги кун зиёлиси кўпроқ Янги инсоннинг ўзини танқид қилишга мойил? Сизнинг достонингизда ҳам Янги инсон ўзлигини унутиб, тубсиз жар ёқалаб бораётган замондош сифатида тасвирланган. Унинг ижтимоий функцияси ва бадиий талқини нега бу қадар кескин ўзгариб кетди? Сиз Янги инсон измидаги дунёнинг эртасини қандай тасаввур қиласиз?

– Тўғри, “Янги инсон” тушунчаси бутунлай янги ҳодиса эмас. У аввалги замонларда ҳам вақти-вақти билан “туғилиб”, ўз вазифасини озми-кўпми бажарган. Аммо ҳар бир давр кишилари Янги инсонга янгича маъно юклаганлар. Маънони атайин юкламаганлар, албатта. Бунини даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий шарт-шароити белгилаб берган. Ҳозир ҳам тахминан шундай бўлмоқда. Ўтмишда Янги инсонда эзгу ниятлару орзу-умидлар мужас-



сам бўлмоғи табиий эди.

Чунки у даврдаги Янги инсон хос тоифа эди. Тарихдан маълумки, хослар (элита) жамиятни тараққиёт сари етаклаган. Ҳозир дунё жамиятларида пайдо бўлган Янги инсон эса авом (омма) вакилидир. Бунинг маъноси шуки, у ҳамма қатори ейди, ичади, кияди, кезади, ишратга берилади... Яъни том маънода истеъмолчи. Унинг бош хусусияти – истеъмолчилигида, асло яратувчилигида эмас! Аввалги Янги инсон истеъмолчи бўлиш баробарида яратувчи ҳам эди (бу ўринда “яратувчи” сўзи янгиликлар кашф қилиб, жамиятни тараққиёт сари етакловчи маъносида ишлатилмоқда). Ҳозирги Янги инсон эса сарфловчи, совурувчидир. Ачинарли жиҳати шундаки, совурувчи яратувчининг ўрнига келди. Истеъмолчи-авом бир замонлар ҳамма учун намуна бўлган яратувчи-хосни четга улоқтириб ташлади. “Тахтиравон”га чиқиб олган истеъмолчи-авомда яратувчи-хоснинг даражасидан, андак муболаға билан айтганда, асар ҳам йўқ. Кўриниб турибдики, ҳозирги Янги инсон башариятни тараққиёт сари эмас, балки жарлик, таназзул сари судрайдиган моҳиятга эга. У гўё шундай дастурланган. Бинобарин, “Янги инсон” достонида тавсифланган кимса – аксилқаҳрамон бўлиб, бу мени ижодкор сифатида дурустгина хушёр торттиради. Ахир, шу чоққача каминанинг барча асарлари бош қаҳрамонлари эзгулик, ёруғлик, адолат томонида туриб курашган, изтироб чеккан инсонлар эди-да. Энди кўрингки, ишимиз аксилқаҳрамонларга тушиб ўтирибди... Аммо дostonда аксилқаҳрамон ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас. Ёнида унга ва унга эргашганларга танбеҳ бериб, “Бу йўлнинг адоғида тубсиз жарлик бор!” дея огоҳлантириб тургувчи ровий образи келади. Энди ҳамма гап ровийнинг огоҳлантиришларига қулоқ тутгувчи ўқувчининг бор-йўқлигида қоляпти...

Янги инсонга маданият тарихида кўп карра эътибор қаратилган, деганингиз орий рост. Узоққа бормайлик, XX асрда испан эстетика ва файласуфи Хосе Ортега-и-Гассет Янги инсонни “омма” дея сифатлаган эди. Эсланг, унинг “Омма қўзғолони” деган катта тадқиқот-мақоласи бор. Талабалик чоғимиз, мақолани илк ўқиган кезларимизда Гассет илгари сурган айрим фикрлар ҳаётдан, алалхусус, бизни қуршаб турган ҳаётдан анча йироқдек туюлган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади, бор-йўғи чорак аср денг, атрофимизда мақолада таърифи келтирилган “омма” пайдо бўлиб улгурди. Улгурдигина эмас, маънавий ҳаққи бўлмагани ҳолда, Гассет айтганидек, ҳамма жойга суқилиб кириб, у ердан муносиб одамларни – хосларни қувиб солди.

Хўш, оммани ким ёки нима пайдо қилди? Ҳаёт ва унинг қонун-қоидаларими? Ана шу қонун-қоидаларга асосланган капиталистик муносабатларми?..



Албатта, шулар. Бу муносабатлар пайдо қилган авлодни мен “Янги инсон” деб атадим. Омма дегани бу – ҳамма. Ҳаммани ана у дея қўл билан кўрсатиб бўлмайди (Гассет ҳам бу билан Янги инсоннинг қиёфасизлигига урғу берган, назаримда). Мен оммадан фардни (якка инсонни) ажратиб олдим ва унга “Янги инсон” деб ном бердим. Ва унинг сифатларини бирма-бир санаб, “Мана шу ярамас – сенсан!” дея юзига қўлимни бигиз қилиб кўрсатдим. Токи атрофимизда пайдо бўлиб, тобора урчиб кетаётган, йўлида учраган жамики нарсани мўри малахдек ютиб, совуриб бораётган кас ўзининг кимлигини, кимларнинг ўрнига келиб, қандай бемаза ишлар қилаётганини билсин! Аслида, бу... чучварани хом санашдек гап. Негаки, Янги инсон ҳеч қачон асл ҳақиқатни билмайди. Қандай ҳам билсин, ахир, унинг истеъмом қилишдек битмас-туганмас юмуши бор! У бундан ортмайди. Ичида соат механизмидек расо ишлайдиган “дастур” изн бермайди бунга. Ҳақиқатни Янги инсонга айланмаган озсонли хослар билиши зарур, токи ўзини ҳалокатдан сақласин. Достон шу ниятда қоғозга туширилди. Яна, ўтмишда янги инсонлик нақадар муборак мақом бўлган эса, ҳозирга келиб у асосан инсоният шу кунгача яратган барча эзгу амалларни, маданиятларни, муносабатларни, санъат асарларини сарфловчи, уларни ўз жиғилдонига ҳеч бир андишасиз уриб соб қилгувчи, алалоқибат, ҳаммани тубсиз жарлик сари судровчи ўта хавfli мутант махлуқ эканини таъкидламоқ учун ёзилди. Мен ижодкор сифатида “Янги инсон” достонини битдим, лекин ўқувчи сифатида уни мутолаа қилар эканман, Янги инсондан муносиб инсонга қараб боришимиз зарурлигини тушуниб етдим. Бу нима дегани? Биз Янги инсонни боқиш, парваришлаш, унга сиғинишдан тийилиб, башариятнинг илгари юриши, ривожланишига кўмаклашуви муносиб инсонларни жамият етакчисига айлантирувчи тизимни барпо қилишимиз лозим. Қатъий ишлайдиган ана шу тизимгина Янги инсонни қутқариши мумкин, менимча.

– “Ҳамма гап ровийнинг огоҳлантиришларига қулоқ тутгувчи ўқувчининг бор-йўқлигида қоляпти...” дедингиз. Адабиёт, умуман, миллатнинг тақдирида, маданиятида, унинг қай тарафга қараб йўл олишида, яъники келажакда ўқувчининг ўрни шу даражада муҳимми?

– Ҳа, ўқувчи ва унинг савияси масаласи адабиётда, нафақат адабиёт, балки бутун бошли башар ҳаётида жуда муҳим деб ўйлайман. Кузатишларим шундай ўйлашга асос беради. Бир вақтлар, айтайлик, ўтган аср 80-йилларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева каби шоирларимизнинг шеърлари кўпчилик ўқувчилар учун тушунарли эди. Ўша давр китобхонларининг асосий қисми бугун бадиий диди анча ка-



мол топган ўқувчилар учун-гина тушунарли бўлган шеърлар мағзини қийинчиликсиз чақа оларди. Бадиий-эстетик даража баланд эди-да. Бошқача айтганда, махсус адабий тайёргарликдан ўтмаган оддий ўқувчи ҳам номи зикр этилган шоирлар шеърларини тушунарди. Тушунардигина эмас, ёд олиб айтиб юрарди. Хўш, бугун-чи? Аҳвол бутунлай бошқача. Ялпи адабий-эстетик даража бир поғона пастга тушгандек. Йигирма беш йил аввал зўриқишсиз тушунилган, севилган адабиёт бугунги кунда, не ажабки, асосий ўқувчилар оммаси учун қўл етмайдиган юксаклик бўлиб туюлмоқда. Ҳолбуки, турмуш тарзимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди: мурватли телевизорлар ўрнига пульта, юпқа экранли телевизорлар, рули минг азобда буриладиган енгил автомобиллар ўрнига битта бармоқ билан айлантириб бошқариш мумкин бўлган гидробошқарувли замонавий машиналар келди, кўпфункционали мобил телефонлар ва интернетнинг инсониятга тақдим қилаётган беқиёс имкониятлари ҳақида-ку гапирмай қўяқолай! Сираси, тараққиёт сари шахдам қадамлар билан одимлаб, балки чопиб бораётирмиз. Лекин ҳаёт шароитимиз шунчалар илгариларгани ҳолда нега бадиий-эстетик тафаккуримиз ортга қараб кетмоқда? Назаримда, бу ўта жиддий савол. Жавоби эса... Айни шу масала тагига етиш адабиётнинг кўпгина ҳодисалари моҳиятини очиб ташлайди. Ортга кетишнинг бир чеккаси ўқувчига бориб уланади. Зеро, бадиий асарни маънавият маҳсули деб олсак, унинг ўз вазифасини том маънода бажариши ўқувчининг бадиий-эстетик савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин аксар масаланинг бу томонини унутиб қўямиз, “Яхши асар ёзинг!” дея ижодкорга мурожаат қиламиз. Лекин уни ҳазм қилиб, қадрига етгувчи ўқувчини тарбиялаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ўзбек насрида, хусусан, ҳикоячилигида 10-15 та шундай ҳикоя яратилдики, улар бадиий-эстетик ва фалсафий қимматига кўра ҳатто жаҳон ичра ҳам энг илғор адабиёт намуналаридандир. Лекин уларнинг моҳиятига етиб, мағзини чақа оладиган ўқувчи – анқонинг уруғи. Бу ноёб уруғнинг сони, нари борса, шу ҳикоялар миқдори қадар, тамом-вассалом! Ваҳоланки, адабиёт яшамоғи учун ижодкор, асар ва ўқувчи учлиги лозим. Ўқувчисиз адабиёт бир қаноти синган кушдек гап: парвоз ҳақида фақат ҳаёл суриши мумкин.

Айни дамда, ўқувчида ҳам ўқувчи борлигини ёдда тутмоқ керак. Ҳар бир адабиётнинг ижодкори ўқувчисига яраша келади. Ҳаётинг бир мисол. Уйимга сантехник чақирдим. У рус миллатига мансуб эди. Бир неча кун ишлагани боис, ҳар хил мавзуларда суҳбатлашиб қолдик ва у каминанинг ёзувчи эканидан хабар топиб, “Русчада нимаг чиққан?” дея сўради. Мен унга “Бунт и смирение” деган романимни ўқишга бердим. Икки кун ўтар-ўтмас сантехник



иш асносида мен билан роман тўғрисида баҳслаша кетди. Жўяли мунозара қилди ўзиям! Бу ерда гап кимнинг ҳақу кимнинг ноҳақлигида эмас, йўқ, мен эътиборни бошқа томонга қаратмоқчиман: баҳслашаётганларнинг бири ўрта маълумотли, рус миллатига мансуб оддий сантехник, иккинчиси эса олий маълумотли, филология фанлари номзоди, ёзувчи, шоир ва адабиётшунос, яъни камина эди. Мен XIX ва XX асрларда рус адабиётининг нега бунчалар баланд парвоз қилганию Пушкин, Гоголь, Достоевский, Толстой, Чехов каби адибларнинг туғилиши сабабларидан бирини, ўта жиддийларидан бирини англагандек бўлдим ўшанда. Ҳатто сантехниклар орасида бадиий асар ҳақида жиддий мубоҳасаларга қодир ана шундай ўқувчилар бор экан, бу халққа муносиб ёзувчию шоир ҳам ҳамиша туғилиб етишаверади. Ажаб, ушбу фикрдан тескари хулоса ҳам яшаш мумкин экан: ўқувчининг савияси қанча паст бўлса, худди шундай савиядаги “шаир” ё “ёзғучи” ҳам ҳар қадамда тиржайиб қаршингиздан чиқаверади...

Баъзан бўлажак мутахассис-талабаларнинг савиясидан хафа бўлиб кетасан киши. Бўлғуси филологлар Эркин Воҳидов билан учрашувга кимнинг китобини кўтариб борганини биласизми? Воқеани баён этай: бир кун икки талаба олдимга шеър мақола кўтариб келди-да, факультетда бўлиб ўтган учрашув ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон халқ шоири, юрт қаҳрамони Эркин Воҳидов билан ижодий кеча уюштирилиб, филолог-талабалар таклиф этилади. Биласизми, замонамизнинг улуғ шоири билан учрашувга талабаларнинг аксари кимнинг китобини кўтариб боради? Навоийнинг дейсизми? Қани эди!.. Шиғир ёзувчи бир шаирнинг китобини! (Ҳайтовур, улуғ шоирга қарата “Имзо чекиб беринг шу китобга!” дейишмабди!) Демак, бўлғуси адабиётчиларнинг катта бир қисми шоир билан *шаир*нинг фарқига бормайди. Эртага университетни битириб чиққандан кейин ҳам ёш авлодга *шаир*ларни тарғиб қилади. Улар таъсирида улғайган миллатдошларимизнинг савияси эса *шаир*лар даражасидан кўп-да узоққа бормайди, хуллас, “Мен севаман, сен севасанму?” дея ўтади боёқишлар. *Шиғир*чига ва унинг каби ёзадиганларга зарра ғаразим йўқ.

Менинг дардим ўқувчи ва унинг савиясида. Ана шу – жиддий муаммо! Ҳар доим эътибордан қолиб келаётган муаммо! Шиғирчилар келиб кетаверади... Дарвоқе, шундаймикан? (Улар келишга-ку келди-я, бироқ осонликча кетармикан?..) Назаримда, бу муаммо ечими ҳам ўқувчига боғлиқ. Баланд савияли ўқувчигина *шиғир*чиларнинг танобини тортиб қўйиши мумкин. Йўқ, улар жисман яшайверади, лекин *шиғир* ёзишни бас қилади. Бунинг бошқа йўли йўқ. Демак, юксак дидли ўқувчининг ғамини емоқ керак, токи ижодкор ўзидан ана шу ўқувчига тенглашишга мажбур бўлсин! Юксак дидли ўқувчиси



бор миллатнинг эса адабиё-  
ти юксак бўлади! Бунинг удда-  
сидан чиқа олсак, Навоийни ўқи, дея огоҳ-  
лантиришга ҳожат қолмайди. Юксак диднинг ўзи  
ўқувчини навоийларга етаклаб боради.

Авлодлар дунёқараши, дидлар ўртасида катта фарқ бўлиши  
мумкин, буни тушунаман, албатта. 90-йилларнинг ўрталарида бир ёш  
шоир мен ёқтириб ўқиган анъанавий шеърлардан (масалан, "Ўқсиб-ўқсиб ах-  
тараман нур, / Қоронғуда бўлгайман адо. / Қўнғироқлар садоси келур, / Қандай  
машғум бу гўзал садо!") унча мутаассир бўлмаслиги, аксинча, қофиясиз, рит-  
ми синиқ, лекин бағрига кучли маънони яширган асарлардан завқ туйишини  
айтган эди. Мисол сифатида "Кўзларимда иккита шовқин..." деган мисрани  
ўқиб, уни берилиб таҳлил қилган эди. Мен ёш дўстимни тушунган, қабул қил-  
ган ва ўқиган мисрасидан бадий-эстетик завқ туйган эдим. Нима бўлганда  
ҳам, у шеърда чиндан залворли юк бор эди. Шуларни эътироф этган ҳол-  
да, ёш дўстимга эътирозларимни-да билдирган эдим: яхши асар бармоқда  
ҳам, арузда ҳам, сочмада ҳам ёзилиши мумкин. Уни вазни боис ёқтириш  
ёки ёқтирмаслик санъатдаги турфалик моҳиятини, шакллар ўйинини ту-  
шунмасликдир. Нафақат ҳаётдаги, айни чоқда, санъатдаги толерантлик  
ҳам улуғ неъмат. Бинобарин, бадий асар қайси "изм" ё шаклда ёзилган  
бўлмасин, унинг тақдирини истеъдод ҳал қилади. Биз бадий асарни шу  
нуқтаи назардан баҳолашни ўрганишимиз керак...

Аммо бугунги кун ўқувчиси ёқтириб ўқиётган шеърларнинг катта  
қисмини чинакам шеър деб бўлмайди. Уларда на маза бор, на матра.  
Бу нимадан далолат? Санъатнинг инқирозиданми? Диднинг ўтмасла-  
шувиданми? Янги инсоннинг урчиётганиданми?.. Афсуски, айтил-  
ганларнинг ҳаммасида жон бор. Қидирилса, муаммонинг яна ўнлаб  
сабаби топилади. Хўш, чора-чи, борми чора?! Бу, менимча, аксар  
зиёлиларнинг юрак-бағрини ўртаб келаётган ҳайқириқ-савол бўл-  
са, ажабмас. "Лаънати саволлар" деган мушоҳадалар пайдо бўлган  
эди ўтган асрларда жаҳон бадий-фалсафий тафаккур оламида.  
Адашмасам, жавоби йўқ саволлар шундай аталарди. Ўйлашимча,  
чорасизликдан чиқмоқнинг-да чораси бор. Лекин у инсондан жуда  
катта қурбонликни – чинакам санъату адабиёт йўлида умрни фидо этиб  
ўтмоқни талаб қилади. Жавоб эса шунчаки сўз эмас, муносиб яшаладиган  
умр ила берилади.

Дунё миқёсида олганда ҳам, китоб ўқиш, мутолаа завқига толиш тобора  
камайиб бораётгани бор гап. Назаримда, бу ҳол ўқимишли, билимдон инсон-  
ларнинг етарли кадр топмаётгани билан изоҳланади. Бунинг исботига ми-  
солни яна ўз ҳаётимдан олақолай. Мен икки фарзандимга ўз касбимни кўп  
марта тарғиб қилиб кўрдим. Ахир, шунча китоб йиққанман, талай илмий ре-



жаларим бор, ҳаммасига  
улгурмаслигимни биламан. Шу  
учун ёнимга кирсалар, ҳам фарзанд, ҳам  
шоғирд бўлсалар, дея умид қилдим. Лекин бўлма-  
ди шекилли. Бунӣ ўтган замон феълида ёзсам бўлаверар.

Чунки улар бошқа соҳани танлади. Адабиёту адабиётшунос-  
ликдан фарқли ўлароқ, жамият ичра эъзоз топган, одамлар эҳтиёжи  
тушиб турган соҳаларга қараб кетишди. Нима демоқчиман? Ўқимишли, би-  
лимдон инсонларни (айни чоқда, ҳар бир соҳани) қадрлайликки, қолганлар  
ҳам шундай бўлишга интилсин. Ҳозирги ёшлар ҳаётга реал қарайди: уларни  
қуруқ насиҳат билан тарбиялаб бўлмайди. Сиз “Ҳой бола, китоб ўқи, яхши  
одам бўл!” деб турсангиз-у, бу ёқда китоб ўқимаган, боз устига, муттаҳам  
бир каснинг ошиғи олчи бўлиб турса, албаттаки, олтинга тенг сўзларингиз  
ерда қолади – бола ўша муттаҳамнинг ҳаёт тарзига ҳавас қила бошлайди.  
Бас, орифларни тўрга олиб чиқайлик, токи яхшиларга муносабатимиз-  
нинг ўзи ёшларга ибрат бўлсин! Келажакда интеллекти баланд миллат-  
ларгина дунё майдонида яшаб қолади. Чунки дунёнинг қадам олиши  
шундай. Унда улкан эврилишлар, ассимиляция жараёнлари кечмоқда.  
Фақат ва фақат ўзининг улкан ботиний қиёфасига эга халқларгина эв-  
рилишлар бўронидан эсон-омон чиқиши мумкин. Ботиний қиёфа эса,  
масалан, маросимларда бошга кийилган дўппию елкага ташланган тўн  
билангина эмас, аввало, онг ва қалбга жойланган билим билан, ўзлик-  
ни англаш ва муттасил тафаккур қилиш билан шаклланади. Демак,  
ўқиш, уқиш ва тафаккур қилиш улкан ўзгаришлар уммонида миллат  
қайиғини ҳалокатдан сақлаб қоладиган – олға сузишга имкон бера-  
диган эшаклардир.

– Адабиёт, умуман, санъатда бадиий асарнинг башорат қи-  
лиш функцияси борлиги ҳақида айтилади. Чингиз Айтматовнинг  
манқурт фожиаси ҳақида ёзганларини ўқиб, “Оллоҳ асрасин!” деб  
юборади киши. Албатта, манқурт тоифа ҳамма даврларда ҳам  
бўлган. Аммо бутун бир жамиятнинг манқуртлашиши кузатил-  
маган. Замона файласуфларининг таъкидлашича, биз постиндус-  
триал, ахборотлашган жамиятда яшайтирмиз. Бу жамиятнинг ҳар бир  
бўғини, ҳар бир шахс ҳаёти ахборот билан чамбарчас боғлиқ. Ахборотнинг  
ўзи эса ҳали-ҳануз тушуниш, бошқариш қийин бўлган мураккаб ҳодисалигича  
қолаётир. Бу ҳодиса бугун жамиятимизга ахборот террори, ахборот блокада-  
си, ахборот диверсияси каби кўринишлар билан хавф солиб турибди. Ахборот  
хуружи оммани манқуртлаштириб, замонавий тил билан айтганда, зомби-  
лаштириб бормаяптими? Хўш, бизнинг заминда касалликнинг қай белгилари  
кузатиляпти? Бунга қарши бирон чора-тадбир тақлиф қила оласизми?



– Академик Юрий Бо-

рев шу вақтгача инсоният амал

қилган парадигмалар мавжуд эди, энди бўл-  
са йўқ, дейди. Бу, содда тил билан айтганда, инсо-  
ният юриши керак бўлган янги йўл йўқ, дегани. Тарихга  
назар ташласак, дунёга бундай парадигмани гоҳ Шарқ, гоҳ Ғарб  
тақдим қилганини кўрамиз. Бугун ана шундай йўлнинг янги модели  
на Ғарбда ва на Шарқда бор. Нега? Назаримда, бунинг замирида тараққиёт  
суръатининг шиддатли тус олгани билан боғлиқ сабаблар қалашиб турибди.  
Инсон ҳаётида сўнгги янгилик аввалги янгиликни ўзлаштириб, унга тўғри му-  
носабатни шакллантириб бўлмасидан юз беряпти. Биламизки, янгиликлар ўз-  
ўзича содир бўлмайди, балки аввалгисининг инкори ва янгисининг эътиро-  
фи ўлароқ дарё-дарё ахборот билан оқиб келади. Оқибатда инсоннинг фикру  
хаёли сиз айтаётган ҳар турли ахборот билан тўлиб-тошмоқда. Образли айт-  
ганда, ҳисобсиз хабару янгиликлар бўрони ичра кўзларини юмишга мажбур  
бўлган замондош инсоннинг юрар йўлини тополмай қолиши табиийдир.

Энди сиз айтаётган ахборот хуружи масаласига келсак, янги урушнинг,  
мафкуравий урушнинг турли кўринишлари булар. Бугун инсон бошига,  
ўтмишда бўлгани каби, туя терисини зўрлаб кийдириб, қуёш тиғига ўтқа-  
зиб қўйиш асло шарт эмас. Бирор хабар, маълумот, нағма... тинмай инсон  
қулоғига қуйилаверса, вақт ўтиб ўша номақбул ахборот ўз ишини қила-  
ди: инсон беихтиёр унинг таъсирига тушади. Замонавий зомбилашув  
шундай кечади.

Яна бир ҳаётий мисол. 90-йилларнинг аввали эди. Биз, талабалар  
пахта теримида, даладамиз. Ён-атрофда, дала бўйлаб ўша кезлар эн-  
ди-энди урф бўлаётган маза-матрасиз нағмалар янграяпти. Ким-  
нингдир машинасидан, кимнингдир магнитофонидан дегандек,  
хуллас, ҳар куни топилади бир динғир-динғир. Талабаларга нозир  
ўлароқ бириктирилган ўқитувчи эгат оралаб юаркан: “Жин урсин,  
шу қўшиқлар роса жонга тегди!” дея норозиланди. Мен ҳам муал-  
лимни дастаклаб нималардир дедим. Шу... Орадан бирон ҳафта-  
лар вақт ўтди. Ўқитувчи яна дала айланиб юрар экан, туйқус ўзи  
танқид қилган нағмани замзама этиб кетаётганини эшитиб қолдим:  
“Ия, домла, ўзингиз сўкиб, ўзингиз хиргойи қиялпсиз-ку?!” дедим ажаб-  
ланиб. “Ҳа энди, нима қилай, кунда беш-ўн марталаб қулоғингизга киравер-  
ганидан кейин истар-истамас хиргойи қилар экансиз-да!” дея жавоб берди.  
Бу сафар домла нафақат нағмадан, балки ўзидан-да норози эди. Энди ўзимча  
мушоҳада қиламан: биз ёқтирмаган куй, қўшиқ, ғоя, сурат ва ҳоказолар ҳа-  
деб онгимизга тиқиштирилаверса, ахийри бир кун, ҳатто зиёли саналганимиз  
ҳам унга таслим бўлар эканмиз-у, бошқалардан нимани кутамиз?.. Шу боис  
бизни инсон ва миллат сифатида йўлдан оздирадиган ахборотни аввал-бош-



даноқ бартараф қилиш  
керак, дея мулоҳаза юритаман  
ўзимча. Ёмонликнинг қанот чиқариб, сўнг  
парвоз қилишига имкон бермаслик лозим. Чунки  
озгина қўйиб берсангиз, унга бас келиб бўлмайди: иблис  
янглиғ ичимизга қандай кириб, қонимизга қандай қўшилиб ол-  
ганини билмай қоламиз!

Бутун бошли жамиятнинг манқуртлашиши, албатта, жуда ёмон ҳол. Ёмон-  
лиги шундаки, жараён бир бошландими, бас, уни тўхтатиб бўлмай қолади.  
Тўхтатаман деганни жиннига чиқаради. Ким дейсизми? Жамиятнинг ўзи. Ка-  
салсан, дейди. Асли ўзи носоғлом кимсалар соғ одамни рухий касаллар шифо-  
хонасига тикиди. Чунки манқуртлашган жамият ҳамманинг ўзи каби бўлиши-  
ни хоҳлайди. Ўзига ўхшамаганни орадан сиқиб чиқаришга уринади ва бунга  
эришади ҳам. Қарабсизки, манқурт эканидан ўзиям беҳабар, ўқтин-ўқтин  
озод ва бахтиёрмиз дея қичқириб турадиган жамиятлар пайдо бўлади. Ай-  
тилганлар, бир қараганда, муболағадек туюлиши мумкин. Лекин манқурт-  
лашувнинг айрим хусусиятлари ҳозирданоқ кўпдан-кўп дунё жамиятлари-  
да, ҳатто энг ривож топганларида кузатилаётгани инсонни шундай аччиқ  
ўйлар гирдобига ташлайди. Чунончи, ҳамма урушга қарши, ҳамма урушни  
қоралайди, лекин дунёнинг боши қирғиндан чиқмаётир. Чунки манқурт-  
ларча тафаккур ҳар қандай йўл билан фойда олишга дастурланган-да.  
Энди фойда олиш йўлидаги ҳар қандай тўсиқлар (инсонлар) улоқтириб  
ташланади. Лекин оғизда урушга қарши гапирилаверади. Чуқурроқ му-  
лоҳаза қилинса, катта фойдага муккасидан кетган кучлар бойлик ва  
дунёга ҳукмронлик ғояларига қул бўлиб қолгани аёнлашади. Искан-  
дарнинг тобутдан чиқариб қўйилган бўш қўлларида ибрат олишга  
чоғланган кишини учратиш эса замонамизда тобора камёблашиб  
бормоқда. Босиб ўтилган йўллар, кечаги куннинг хатоларидан ибрат  
олиб, соғлом назар билан келажакка интилиш йўқми, демак, бу ерда  
манқуртлашиш бор, деб ҳисоблайверинг.

“Ҳаммаси шунчалар ёмонми, умид йўқми, умид?!“ деб сўрасан-  
гиз – айтай: бор, ҳаёт бор экан, Ер юзида атиги бир жуфт инсон  
мавжуд экан, умид ҳамиша бўлади. Ахир, Одам Ато ва Момо Ҳавво-  
дан пайдо бўлмадими буларнинг бари! Шу жумладан, умид ҳам. Бугун  
ҳаммасини ибтидодан бошлаш шарт эмас – Отамиз ва Онамиз каби. Бизгача  
барпо этилганни асраш ва мустаҳкамлаш босқичида турибди бани Одам. Агар  
буни ҳам эплай олмаса, албаттаки, ибтидога қайтишга тўғри келади. Лекин  
коинот гултожи этиб яна инсон сайланадими ёки ўзга махлуқот, буниси ёлғиз  
Яратганга аён.

Энди инсоннинг ҳиссасига келсак, у она замин фарзанди ўлароқ атроф-  
жавонибда юз бераётган жиддий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини қатъий



билдириб туриши, нима-  
ни маъқуллашию нимани қора-  
лашини аён этиб бориши лозим. Бир ёзув-  
чи сифатида мен ҳам шундай қилишга уриняпман.

Жамият билан боғлиқ айрим қарашларим асарларимда озми-кўпми акс этган. Чунончи, “Мувозанат” романимда жамият ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисида баҳоликудрат мулоҳаза юритганман. Мен ўша қараш энг тўғри қарашдир, бошқаси ярамайди, деган фикрдан мутлақо йироқман. Муқобил қарашларга ҳамиша бағрикенгман. Агар у асосли бўлса, ҳурмат билан қарши оламан. Сираси, романда бош қаҳрамон Юсуф тимсолида айтишга уринилган муҳим фикрлардан бири бундай: башарият шундай бир жамият курсаки, унда инсоннинг кўнглидаги орзуси қилаётган ишига, қилаётган иши эса кўнглининг орзусига мувофиқ тушса. Яна, жамиятда шундай бир тизим барпо этилсаки, бу тизим ҳар бир соҳанинг муносибларини турли хатарлардан ҳимоя қилса ва уларни жамиятнинг тўрига олиб чиқса. Назаримда, айни шу тутум жамиятнинг олдинги қаторига омманинг эмас, балки хослар – муносибларнинг ўтишига имкон яратади. Ва ҳар бир инсон бойлиги, таниш-билиши, муте табиати орқасидан эмас, аксинча, фидокорона меҳнати, истеъдоди, ўзига хос ёндашуви туфайлигина жамият пиллапояларидан юқорига кўтарилиши мумкинлигини англаб етади. Бундай тизимда яшаётган инсон маърифат сари астойдил интилади, билим ва малакасини муттасил оширади. Натижада у ҳам ўзи учун, ҳам жамият учун қадрли ва керакли шахсга айланади. Бу тарзда бино этилган тизим пойдор, мустаҳкам бўлади. Ҳам ичда – онгларида, ҳам ташда – жамиятда нашъу намо топади. Бундай тизим суянишга лойиқ бўлиб, у инсонни мудом мувозанатда тутиб туради. Жамиятда ўрнатилган бундай мувозанат коинотни ушлаб турган мувозанатдан улги олади, аслида. Ҳар қандай ўзгариш ана шу буюк мувозанат бағрида рўй берса, она замин бўйлаб шум бухронлар ҳам содир бўлмайди. Коинотни тутиб турган мувозанатга уйғун яшаш эса инсонни – ирқи, дини ва амалидан қатъи назар, Ҳазрати инсонга айлантиради.

– Жамиятда авлодлар алмашинувини эстафетали югуришга қиёслаш мумкин. Бунда эстафета таёқчасини топшираётган югурак таёқчани жамоадошига шунчаки узатмайди, балки тезлик олгунича у билан бирга чопади. Негаки, маррага етиб олиш учун жамоанинг ҳар бир аъзоси баравар масъул. Сиз охириги йилларда педагог сифатида ҳам фаолият юритиб келаётирсиз. Ёшлар билан ишлайсиз, демак, уларнинг ўй-хаёллари, юмушлари ва мақсадларидан бохабарсиз. Ҳўш, бугунги ёш авлод таёқчани қабул қилиб олиш учун қўлини вақтида узатармикан? Сизнинг авлод-чи, таёқчани вақтида узатиш ва ёшлар тезлик олгунича ёнма-ён чопиб боришга қодирми?



– Таёқча икки авлод

ўртасида бир эмас, бир неча бор

ерга тушиб кетиб, уни олиш учун анча-мун-

ча вақт йўқотиб бўлинди. Илгарироқ бир суҳбатда

(“Адабиётга эътибор – инсонга эътибор”, “Ёш куч” журнари,

2001) “йўқотилган авлод” иборасини қўллаганман (бу ибора Ҳе-

мингуэй, Ремарк каби ёзувчиларда ҳам учрайди. XX асрда содир бўлган

урушлар ёзувчилар қаламга олган авлодларни маънан майиб қилиб қўйган эди). Юртимизда мустақилликнинг дастлабки мураккаб йилларида инсон на-

зари асосан моддиятга йўналтирилди. Талай саъй-ҳаракатларга қарамай, таро-

зининг маънавият палласи ҳавода муаллақ қолди. Оқибатда янги авлоднинг

тўлақонли шаклланиши қийин кечди. Мен тенги авлод ана шу қийинчилик-

лар гирдобиди катта ҳаётга қадам қўйди, таъбир жоиз бўлса, тегирмон ичига

бир тушиб чиқди. Тегирмондан бутун чиқдим ё майиб бўлиб – бунинг жа-

воби оғир. Ҳарҳолда, орамизда парчаланганлар талайгина. Етук мутахассис

бўлиш салоҳиятига эга қанчадан-қанча тенгдошларим тирикчилик кўйида

бутунлай бошқа соҳалар, ҳатто юртларга кетиб қолди. Аммо тегирмондан

омон чиққан озсонли замондошларим ҳам борки, уларнинг ҳар бири бутун

бошли авлод бажарадиган ишларга қодир деб ўйлагим келади. Чунки за-

мон, унинг синовлари авлоддошларимни шундай тарбия қилди, тоблади.

Бадиий ижод, одатда, шу каби зиддиятли даврларда қаддини тиклайди...

Илм ва педагогикада эса аҳвол сал бошқачароқ. Бу жабҳадаги етиш-

мовчилик, узилиш яхшиликка олиб бормади. Чунки илмда янги ав-

лодни етишмовчиликлар ичида бутун қилиб тарбиялаш амримаҳол.

Машаққату йўқотишлар таъби назми бор инсонни зўр шоир қилиб

тарбиялаши мумкин, лекин олимни, педагогни синдириб қўяди. Шу маънода, мен тенги адабиётшунос авлоднинг сизларга бериши

керак бўлган эстафета таёқчасининг ерга тушиб кетиши табиий эди. Соҳамизнинг бугунги манзарасига қаранг: кекса авлод ҳамон

сафда, аммо тобора сийраклашиб бормоқда. Энди янги авлодни тарбиялаймиз, дея ҳаракат қиляпмиз. Бу – яхши. Лекин қани

орада турган – кекса авлодга муносиб, ёш авлодга эса ибрат бўл-

гулик ўрта авлод? Ўрта авлодни тайин қиёфаси йўқ экан, янгисини

қандай тарбиялаймиз? Илмга мунтазам равишда, етарли моддий-маъна-

вий эътиборнинг бўлмагани, илмий даража олишда йиллар давомида ҳукм

сурган тутуриқсиз қоидалар ўрта авлодни майиб қилиб қўйди. (Йўқса, “Биз

ҳам юсакларга тиккандик кўзни!” деганлар орамизда мўл эди!) Бугун илмий

кенгашлар жамоаси анча ғариб ҳолга тушиб қолгани шу аччиқ ҳақиқат билан

изоҳланади. Мен бир нарсани тушунмайман: ўзи шусиз ҳам бир аҳволда бўл-

ган илм аҳли қаршисига сунъий тўсиқларни ким қўймоқда? Нега қўймоқда?

Бундан кўзланган мақсад нима?.. Янгиликлар, ўзгаришлар шундай қилина-



дими?! Иш бу тахлит да-  
вом этгудек бўлса, истеъдодли  
ёшлар бошқа соҳалар, ўзга юртларга кетиб  
қолади-ку? Кетганлар ҳам кўп. Фақат қўлидан иш  
келмайдиган истеъдодсиз бечораҳолларгина илмнинг тоб  
ташлаган эшигини қоқиши мумкин. Шундай бўляпти ҳам. Лекин  
ҳозир ҳам кеч эмас. Илмда ҳар йил, ҳар ойда ўзгаришлар қилмасдан, жа-  
миятни, соҳа вакиллари ҳаёт тарзини, керак бўлса, ўй-хаёлларини тартиб-  
га солишга, ҳаётни ҳам, хаёлни ҳам илмга, фақат илмга йўналтира оладиган  
оқилона сиёсат юргизиш керак, деб ўйлайман.

Илму фани, санъату адабиёти эркин бўлмаган халқнинг тафаккури ҳам эр-  
кин бўлмайди. Тафаккури эркин бўлмаган халқ эса ўзга халқларга қаролдек  
хизмат қилишга мажбур.

Ёш авлод орасида кўзлари чакнаган, билимга, янгиликка ўч йигит-қизлар  
кўп. Менинг шулардан умидим катта. Уларни адолатсизлик, бюрократия,  
қоғозбозлик ва коррупция деган оғир тошларнинг остида эзиб қўймасак,  
бас, янги авлод қаддини ростлаб, куч-қудратини намойиш этади. Ана шун-  
дагина ёш авлод эстафета таёқчасини ўз вақтида, муносиб тарзда нав-  
батдаги бўғинга узатиши мумкин. Асосийси, ерга туширмасдан...

– Жалолиддин Румийнинг сиз турк тилидан таржима қилган “Ичин-  
даги ичиндадир” асари шу кунга қадар ўн мартадан кўпроқ қайта нашр  
қилинди. Умуман, Румий асарлари бутун дунёда, айниқса, Ғарб давлат-  
ларида севиб ўқилаётгани, доим энг харидорғир китоблар рўйхати-  
да экани маълум. Аммо кўпчилик Румийни фақат мутасаввиф шоир  
сифатида танийди. Мавлононинг инсоншунослик, руҳшунослик ва  
жамиятшунослик соҳаларидаги қарашлари эса кўпларга қоронғи.  
Румийни таржима қилган ва ўрганган олим сифатида мутафак-  
кирнинг қарашлари замонавий дунё учун қанчалар аҳамиятли деб  
ҳисоблайсиз?

– Румий донғи етти иқлимга кетган зот. Шарқнинг бошқа би-  
рор сўфий шоири бу борада Ҳазратга тенг келолмаса керак. Уму-  
ман, бутун дунёда унинг панжасига панжа ура оладиган сиймо жуда  
кам. Румий ҳақида юртимизда ҳам талай китоблар ёзилган. Лекин, шунга  
қарамай, ҳали бирон валлакат бу теран уммоннинг тубига етиб боролгани,  
унинг дуру жавоҳирларини инсониятга кўз-кўз қилолгани йўқ, менимча. Нар-  
и борса, “Румийда манавиндай ривоят бор” дея “Маснавийи маънавий”дан ёки  
“Ичиндаги ичиндадир”дан кўп эсланган бирон ҳикоятни келтириб, фикри-  
мизни андак кучайтириб оламиз, холос. Бас, бундан чуқурроқ тушишга журъ-  
ат қилмаймиз. Қилолмаймиз. Тафаккур кучимиз етмайди-да. Румий гўзал  
шеърни ҳам, чуқур ҳикматни ҳам, ҳароратли маърузаларни ҳам асл манзилга



бориш йўлида восита деб  
билган. Унинг назари ҳамиша  
моҳиятга қадалган. Мутафаккирнинг ўзи  
буни бот-бот такрорлайди. Лекин моҳият турли-  
туман шаклларнинг қават-қават либоси ичра яширинга-  
нидан унга ҳар кимнинг ҳам тафаккур зиёси етиб боролмайди.

Румий ана шу шакллар тилсимини осонлик билан ечиб, аслиятдан рамз-  
лар тилида хабар берган, ҳам кечанинг, ҳам бугуннинг ва ҳам эртанги кун-  
нинг мутафаккир шоири, барча замонлар зиёлиларининг устозидир.

Румийнинг сиз айтган соҳаларга, умуман, фаннинг кўпгина йўналишлари-  
га қўшган ҳиссаси бекиёс. Ғарб олимлари унинг мушоҳадалари фалсафада ҳам  
тамомила янги қарашларнинг туғилишига туртки берганини қайд этади. Чу-  
нончи, Ҳегель дунё яратилишида руҳнинг бирламчи мақомга эга экани ҳақи-  
даги назариясини Румийдан илҳомланиб илгари сурган, дейишади. XX аср-  
да психоанализ отаси деб тан олинган Фрейд инсон интилишларию хатти-  
харакатларида муҳим ўрин тутган жинсий майлни марказий ўринга қўйиб,  
бутун бошли назарий қарашларини тизимга солган. Фрейд қарашларида  
бирёқламалик бор, албатта. Чунки инсон таврини наинки биологик, айни  
замонда, ижтимоий ва руҳий илдизлар ҳам белгилайди. Румий эса инсон-  
нинг руҳий илдизига аҳамият беради. Биологик майл ўрни ва аҳамияти-  
ни-да эътироф этади. “Ичиндаги ичиндадир”да “Қайсга таҳаммулидан  
ортиқ эҳтирос берилгани учун у мажнунга айланди” деб ёзадики, бу  
фикр пайига тушсангиз, мажнунликнинг боиси ҳам руҳий ибтидо, ҳам  
биологик омил бўлиб чиқади. Ғарб XX асрда тизимга солган мазкур  
қараш Румийда XIII асрдаёқ биргина жумла остига яшириб қўйилган  
эдики, бу факт унинг инсонни инсон ўлароқ тутиб турган илдизлар-  
ни нақадар нозик ва теран тушунганидан далолатдир.

Румий ўзигача мавжуд ҳикматни айнан такрорламайди, уларга  
ижодий ёндашади, ўзгартиради, кутилмаган, таъбир жоиз бўлса,  
румийона маъно қирраларини очиб юборади. Чунончи, Эзопа  
эчки ва бўри ҳақида бир масал бор. Унга кўра, томбошидаги  
эчки пастда юрган бўрини кутилмаганда ҳақоратлаб қолади. Шун-  
да бўри эчкига юзланиб, “Бу гапни сен эмас, балки сен турган жой  
айтяпти” деб жавоб беради. Бундан англашиладики, эчки бехатар ерда  
бўлгани боис кўнгли тусаган номаъқулчиликни қилаётир. Румий “Ичинда-  
ги ичиндадир”да масалга ўзга “тўн” кийдиради. Юрт амири шаҳар айланиб  
юрган эди. Томбошига чиқиб олган бир одам турган жойидан амирни ҳақо-  
рат қила кетади. Амир дарҳол уни туттириб, зиндонбанд айлайди. Вақт ўтиб  
ўзини сўккан одам эсига тушади-да, уни қошига келтиришларини амр эта-  
ди. Ҳузурига келганда амир сўрайди: мени ҳақорат қилган одам сенмидинг?



Фуқаро: йўқ, амирим, у одам ўша томбошида қолди, зиндондан чиқиб, қаршингизда турган буткул ўзга одамдир, дея жавоб беради. Хўш, илдизи битта бўлган масал Эзопда ниманию Румийда қай маънони англатяпти? Назаримда, Эзопда баланд мартаба туфайли жазо олмаслигига ишонган эчкининг (инсон) ўша мақомдаги кибрли ҳоли баён этилган бўлса, Румий бу нуқтада тўхтаб қолмайди. Аксинча, ҳикмат ҳалқасини узмай айтадики, амирни ҳақоратлаган киши бошқа вазиятга тушиб, яъни зиндонда бир муддат ўтиргач, кайфияти, фикрати ўзгариб, тамомила ўзга одамга айланди. Бу ўринда маъно урғуси инсон ҳолини, фикрларини ўзгартирган вазиятга тушыпти. Инсон жамиятдан узиб олиниб эмас, балки унинг ичида, унинг тартиб-интизоми билан уйғун ўрганиляпти. Яъни жамият муҳитининг инсон қарашларидаги ҳиссаси қайд этиляпти. Инсон табиятининг енгил шабада таъсирида у ёқдан-бу ёққа айланиб турган япроқдек ўзгарувчанлиги ҳамда бунинг сабаблари очиб ташланыпти. Дарҳақиқат, инсон қарашлари кўпинча шароитнинг, муҳитнинг, вазиятнинг маҳсули ўлароқ намоён бўлади. Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой “Тирилиш” романида шундай тоифа инсонлар борки, улар ўз ҳаёти давомида қанчадир фоиз ўзининг, қанчадир фоиз ўзгаларнинг қарашларига суяниб яшайди, дейди. Румий эса нуктадонлик билан инсоннинг ҳатто ўз қарашлари турланиши сабабиятига кириб бораётир.

Айтилганлар хамир учидан бир патир, холос. Румийнинг жамиятшунос, инсоншунос ва руҳшунос эканига бағишланган чинакам тадқиқотлар ҳали олдинда деб ўйлайман. Биз боболаримиз қурган давлатлардан, улар ёзган китоблардан ҳақли равишда фахрланиб юргувчи авлодмиз. Лекин фахрланишнинг ўзи кам, жудаям кам. Улар меросини чинакамига тадқиқ этиб, ўз маънавий мулкимизга айлантирсаккина боболарга муносиб ворис бўламиз. Жумладан, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби улуғларимиз асарларидаги мураккаб жумбоқлар моҳиятига етиб бориш “отажоним Шарқ”нинг яна илдам олға кетишига туртки беради. Бунинг учун эса, бизга нафақат Шарқ, айнаи дамда, Ғарб эришган илмий ютуқлар ҳам сув билан ҳаводек зарур. Зеро, Румийнинг ўзи инсонларни ирқу динидан қатъи назар (буларни у шунчаки шакл деб билади), бирдек бағрига босади ва уларнинг кўзларида порлаган мазмунга қарайди. Энг муҳими, ана шу мазмуннинг борлиги ва эзгу эканидадир.

**Саъдулла ҚУРОНОВ суҳбатлашди.**



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

## MULOQOT ZAMIRIDAGI HIKMAT

*Мамлакатимизда 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши замонавий жамиятшунослик, ахборотлаштириш илми ва амалиёти мезонларига кўра инқилобий аҳамиятга эга. Халқ билан умуммулоқотни йўлга қўйишга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳеч иккиланмай Ватанимизда 25 йил муқаддам бошланган Уйғониш даврининг навбатдаги босқичи десак муболаға бўлмайди.*

Давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, мутахассислар томонидан мухталаф таъриф-тавсифларга “раво кўриладиган”, махсус илмий-амалий анжуманлар мавзусига айланаётган, “оммавий коммуникация” дея аталмиш махсус фан тармоғи даражасига кўтарилиб улгурган МУЛОҚОТ феноменини атрофлича ўрганиш, унинг ижобий самараларини ҳаётга мумкин қадар кенг татбиқ этиш, оммалаштиришнинг мавриди келди.

“Коммуникация”, яъни “мулоқот” атамаси XX асрнинг бошларидан турли фан соҳаларида қўллана бошлагани адабиётларда қайд этилган. Хусусан, америкалик социологлар (бихевиоризм таълимоти тарафдорлари) мулоқот ўрнатишда инсоннинг сўзлаш, нутқ қобилияти мислсиз аҳамиятга эга деб ҳисоблаганлар. Вақт ўтгани сайин бу қараш ўз кучини йўқотмади, аксинча, мустаҳкамланди. Ҳозирги даврга келиб эса



оммавий коммуникация – оммавий мулоқот давлатнинг тараққиёт даражаси, жамиятдаги эркинлик муҳитини белгилаб берувчи кўрсаткичлардан бирига айланиб улгурди.

Инсоният тамаддуни белгиларидан бири шаҳарлашувга бўлган мойилликда кўринади. Шаҳарлашув эса кўп сонли аҳолининг зич ҳолда яшашида акс этади. Зич яшаш тарзи мутлақо ўзгача мулоқот муҳитини вужудга келтиради. Бу қабилда яшашнинг ғалати парадокслари бор. Чунончи, одамлар издиҳоми нечоғли зичлашса, мулоқот тарзи шунчалик нозиклашади. Қишлоқда ҳамма ҳаммадан бохабар, ҳаммага ҳамманинг турмуш шароити, юриш-туриши, гап-сўзигача кафтдагидай очиқ-ошкора бўлса, шаҳарда издиҳом каттагари сайин кўшни кўшинининг, ака уканинг туриш-турмушидан беҳабар қолади. Бундай ҳолнинг дуруст-нодурустлиги мутлақо бошқа масала, лекин бори – шу. Ҳатто одамлар зич яшагани сайин уларнинг феъл-атворида хилма-хиллашувга бўлган мойиллик зўрайди. Мойиллик қарама-қаршиликка, рақобатга айланиб кетади. Бу ҳам табиий. Бу ҳолнинг кўз илғамас ички сабаблари ҳар бир инсон табиатидаги шахслашувга, яъни бошқаларга ўхшамасликка интилишнинг кучайишига бориб тақалади.

Шахслашув жараёни ахборот оқимининг зўрайиши, ахборот воситаларининг хилма-хиллашуви билан, жайдари тилда айтганда, ташқи дунё билан мулоқот тарзининг ўзига хослашуви билан чамбарчас боғлиқ. Етуклик палласида одам турли-туман мулоқотлар жараёнида яшайди: оила даврасидаги мулоқот, қариндош-уруғ, кўни-кўшни, ёр-дўстлар билан мулоқот, ҳамкасблар даврасидаги мулоқот, расмий-норасмий идора ва ташкилотлар билан мулоқот, ҳукумат маҳкамалари билан ва ҳоказо мулоқотлар жамланиб оммавий мулоқот вужудга келади. Ҳамонки ҳар бир фуқаро, шахс муайян жамиятда яшар экан, кўплаб мулоқот жараёнлари иштирокчисига – субъектига айланишга мажбур.

Азал-азалдан инсон тафаккурининг энг “бош оғриқ” муаммоларидан ҳисобланган

шахс, омма ва жамият; шахс ва жамият; фуқаро ва жамият; шахс ва давлат масалаларининг энг нозик ва қалтис тугуни ҳам жамиятда ахборотнинг эмин-эркин айланиши ва шу орқали умуммулоқот муҳитини яратиш ва албатта,

буларнинг барини инсон манфаатларига йўналтира билиш эди. Тўғри, ахборот алмашиш ва оммавий мулоқот аслида одамлар орасида кечадиган жараён, бироқ ушбу жараён учун етарли имконият, муҳит яратиш давлат зиммасига тушади. Давлатнинг қудрати ва жамиятнинг тўқислиги эса ҳар бир киши учун етарли мулоқот имконияти яратилгани билан белгиланади.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқилса, мамлакатимизда жорий йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши нақадар катта аҳамиятга эгалиги янаям яққол кўринади.

\*\*\*

Тирик жон борки, мулоқотсиз яшолмайди, таъбир жоиз бўлса, у – мулоқотга банди. Қурраи заминда қанча одам бўлса, шунча мулоқот тарзи бор. Ҳар бир халқ, миллат ҳаётида ўз табиий шарт-шароитидан, миллий ўзига хосликларидан келиб чиқиб яратилган, шакллантирилган мулоқот тартиби, маданияти меъёрларини кўриш мумкин. Бироқ бу билан масала ҳал бўлиб қолмайди, аксинча, замона зайли билан, ҳаётдаги эврилишлар билан боғлиқ равишда мулоқот “об-ҳаво”си, “иқлими” ўзгариб, янгиланиб бораверади. Мисол учун айтадиган бўлсак, ўзбек муомала маданияти жуда қадим тарихга эга, унинг энг гўзал кўринишларини дунёдаги исталган халққа кўз-кўз қилсак арзийди. Шунга қарамай, замон ўзгаришлари, тамаддун эволюцияси, ақл бовар қилмас





*Қоннинг аъзои бадандаги  
барча томирларда эмин-эркин  
айланиши тўла-тўқис соглом-  
ликнинг бирламчи шартларидан  
саналади. Жамиятни ҳам яхлит  
бир организмга ўхшатадиган  
бўлсак, бу "организм"нинг қони  
– ахборотдир! Айтмоқчимизки,  
жамият бўйлаб қон, яъни ахбо-  
рот бир маромда айлана боргани  
сайин жамият согломлашади,  
тетиклашади – қаддини  
ростлайди.*

мулоқот воситаларининг оммалашуви, шуларнинг оқибатида инсон, шахс, фуқаро, жамият ва давлат тушунчаларининг такомиллашуви масалага ёндашувни яна ва яна "чархлаш"ни тақозо этмоқда. Жамият миқёсида оммавий мулоқот маданияти кун тартибда кўндаланг бўлаётган экан, бу қадар улкан муаммонинг туб ечими кишиларнинг кундалик турмушида кечадиган мулоқот маданиятидан бошланмоғини эътиборда сақлашга тўғри келади.

\*\*\*

Дастлабки мулоқот сабоғи оилада олинади. Оила илк оммавий мулоқот муҳити сифатида аҳамиятга эга. Асосий мулоқот "қурол"лари эса сўз, талаффуз, нутқ. Ушбу уч восита ўғилдир, қиздир вояга етгани сайин ўз туғишганлари даврасида шаклланади. Сўз, талаффуз, нутқ орқали фикр шаклланади, ифода такомиллашади. Инсон шу тариқа комиллик пиллапоясига кўтарилади.

Муайян тушунча ботинда қай тариқа вужудга келади, қай тариқа дунёқарашга, ақидаю аъёнага айланади – батафсил англаш

ғоятда мушкул жумбоқлардан, лекин улар сўз, талаффуз, нутқ орқали намоён бўла бошладими, таъбир жоиз бўлса, "ичкари"дан "ташқари"га чиқдимиз – энди буёғини эшитиш, кўриш, таҳлилга тортиш имконияти мавжуд. Жўнгина айтганда, инсон очиқ мулоқот палласига киради, илмийроқ тилда айтганда, очиқ мулоқот субъектига айланади.

"Болали уй – бозор" экани ҳаммага маълум, бу – оила мулоқот бозори дегани, мулоқотлар қони, мулоқотлар хаоси деганидир. Негаки, ҳеч бир оилада мулоқотлар силлиқ кечмайди. Балки силлиқлиги ҳам, нотекислиги ҳам гоҳ аён, гоҳ ноаён давом этади. Сиртдан қараганда, жуда оддий кўринган оилавий мулоқотлар замирида бўронлар, тўфонлар, тошқинлар юз беради. Табиий, ҳар кимнинг ўз қараши, ўз қаричи бўлади, ўзаро мулоқотда ана ўша қарашлар ва қаричлар тўқнашуви юз беради. Тўқнашувлар гоҳ битим-ярашув, гоҳ келишмовчилик-низо билан ниҳоясига етади. Ниҳоясига етади-ю, беиз кетмайди – бугунги бўрон, тўфон ё тошқин аломатлари яқин келажақда шу оилада униб-ўсган, тарбия кўрган, вояга етган шахс тимсолида ижтимоий воқелиқда албатта намоён бўлади.

Оилада мулоқот икки томонлама ёки кўптомонлама кечади. Бутун оила аъзолари даврасида айтиладиган, ўртага ташланадиган, муҳокама қилинадиган мавзулар кўп, шу билан бирга алоҳида, яккама-якка кенгашиш тақозо этиладиган мавзу-масалалар ҳам оз эмас. Ҳар икки ҳолат орасидаги тафовут ниҳоятда катта. Бу икки ҳолат алоҳида тадқиқ-таҳлилга арзирли мавзу.

Икки томонлама мулоқотда ҳам, кўптомонлама мулоқотда ҳам фикр алмашиш, билганини билдириш, уққанини уқдириш жараёни кечади. Тарбиявий нуқтаи назардан қаралса, боланинг бир киши ёки кўпчилик ҳузурида ўз фикрини эмин-эркин баён этиш кўникмаси ушбу мулоқотлар жараёнида шаклланади, сайқал топади.

Истаганча ҳаётий мисол келтириш мумкин.

Икки киши ўртасида тил топишиш нисбатан осон кўчади, мулоқот сирлашиш, ҳас-



ратлашиш, ҳатто ғийбатлашиш ва тил би-  
риктиришга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Кўпгина ўқувчини, талабани бир синф-  
га, аудиторияга йиғиб сабоқ берилади,  
маъруза ўқилади. Сўнгра... санокли ўқув-  
чи ва талаба ўша муаллим, ўша устоздан  
тор доирада сабоқ олиш истаги борлигини  
билдиради. Сабаби – тор доирадаги му-  
лоқот бирмунча самарали кечади. Ҳозирда  
кенг оммалашган репетиторлик тажрибаси  
тор доирадаги мулоқот самарадорлигини  
тасдиқлайди.

Бир-икки киши билан суҳбат қуриш, одат-  
да, индивидуал мулоқот, кўпчилик билан  
алоқа ўрнатиш эса оммавий мулоқот туси-  
ни олади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, фуқа-  
ролик жамиятида, илм-фанда кенг омма-  
лашган “оммавий коммуникация” истилоҳи  
оммавий мулоқот ҳодисасининг қамрови  
кенгайтирилган – илмийлашган номи. Маз-  
кур истилоҳ кириб бормаган бирор соҳа  
қолмади десак муболаға бўлмаса керак.

“Ахборот асри” одамининг маънавий  
дунёси, салоҳияти, обрў-эътибори омма-  
вий коммуникация майдонининг нечоғли  
онгли, маданиятли ва фаол субъектига  
айлана олгани билан, замонавий жамият-  
да адолатли-эркин тузум ўрнатилгани эса  
оммавий коммуникациянинг нечоғли сама-  
радорлиги ва ҳаётга татбиқ этилгани билан  
ўлчанмоқда, белгиланмоқда. Давлатлар ва  
ҳукуматларнинг қудрати, мавқеи оммавий  
коммуникация учун кенг шарт-шароит яра-  
тилгани билан изоҳланмоқда.



Мулоқот – турфа кўринишдаги ахборот  
алмашинуви демакдир. Ғалати савол: ахбо-  
рот билан қон ўртасида қандай ўхшашлик  
бор?

Қоннинг аъзои бадандаги барча томир-  
ларда эмин-эркин айланиши тўла-тўқис  
соғломликнинг бирламчи шартларидан са-  
налади. Энди жамиятни ҳам яхлит бир орга-  
низмга ўхшатадиган бўлсак, бу “организм”-  
нинг қони – ахборот! Айтмоқчимизки, жамия-  
ят бўйлаб қон, яъни ахборот бир маромда

айлана боргани сайин жамият соғломлаша-  
ди, тетиклашади – қаддини ростлайди.

Шўро замонида ахборот оқими ком-  
фирқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда  
бошқарилган, шу боис ахборотга ташналик  
инсоннинг бирламчи эҳтиёжи экани ҳақида  
кўпда қайғурилмаган, балки ҳукмрон маф-  
курага садоқат (кўр-кўрона эканидан қатъи  
назар!) комиллик кўрсаткичи сифатида ар-  
доқланган, тақдирланган. Ватанимиз мус-  
тақиллигининг дастлабки босқичида шўро-  
лар даврида қон-қонимизга сингиб кетган  
талай иллатлардан, жумладан, ахборот ва  
мулоқот борасидаги чекловлардан халос  
бўлишга тўғри келди. Раҳматли биринчи  
президентимиз И.Каримов бунга мафкура-  
нинг-маънавиятнинг янгиланиши сифатида  
жиддий аҳамият қаратди. Мазкур янгила-  
ниш босқичи халқимиз ҳаётида пича чўзил-  
гандек туюлиши мумкин, бу – алоҳида мав-  
зу, аммо-лекин истаймизми-йўқми, жамият  
миқёсидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар-  
да одамларнинг хоҳиш-иродасига бўйсун-  
майдиган қонуниятлар мавжуд. Улардан би-  
рига кўра, ҳар қандай янгича турмуш тарзи  
дадил йўлга тушиб кетгунга қадар ўзидан  
аввалги тузумдан мерос зарарли одатлар,  
кўникмалар, ақидалардан бир нафасда,  
бир йўла қутула олмайди. Бунинг учун му-  
айян вақт керак бўлади, кераксиз, ёшини  
яшаган дахмазалардан аста-секинлик би-  
лан фориғлана боради.

2016 йилнинг сўнги чораги мамлака-  
тимиз тараққиётининг навбатдаги босқичи  
– миллий тарихимизнинг ЯНГИ ДАВРи иб-  
тидоси сифатида солномаларга битилмоғи  
керак. Президент Шавкат Мирзиёев халқни  
очиқ-ошкора мулоқотга чорлаётгани, бу жа-  
раённи, биринчи навбатда эл-юртнинг ман-  
фаати нуқтаи назаридан йўлга қўяётгани  
жамиятнинг ўзак томирларига янгиланиш-  
лар шабадасини олиб кирмоқда. Бу чуқур  
томир отган ва юмшоқ курсиларга ёпишиб  
қолган бюрократия кайфиятига, яъни жа-  
миятимиздаги бошқарувчилар ва бошқари-  
лувчилар қатлами орасида “ястаниб” ётган  
жарликка барҳам берилади деганидир. Жа-



миятдаги дағал бошқарувнинг ҳаракатчан ва мулоим тизимлар билан алмашинуви муаммоларини ўрганган мутахассис олим В.Андерсон ана шу сингари ўзгаришлар истаги жамиятда кадрлар таркибини кескин ўзгартириш эҳтиёжини келтириб чиқаришини таъкидлайди ва “бюрократия ўрнини энди ҳаракатчан, мулоим, ҳатто виртуал киберократия эгаллайди” деб ёзади (Anderson W.T. *All Connected Now. Life in the First Global Civilization. Western Press, 2001. p.164*). Ялпи компьютерлаштирилган давлат тизими Сингапурнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнашига замин яратаётганини намуна сифатида келтиради.

Компьютерлаштирилган, виртуаллаштирилган мулоқот воситалари инсон табиятидаги қатор заифликларга – мутлақликка, мустабидликка ва ҳоказо ўзимбиламанчиликка бўйсунмайди, балки реал кўрсаткичлар, маълумотлар, факт ва рақамлар асосида иш юритади, ҳукм-хулоса чиқаради. Компьютернинг, виртуал мулоқотнинг ўғил-қизи, амма-холаси, таниш-билиши йўқ, керак бўлса, у сизнинг ўзингизга ҳам қарши чиқаверади, аммо ҳақиқатдан чекинмайди. Халқ билан мулоқотдан кўзланган бош мақсад-муддао ҳам – шу, назаримизда.

\*\*\*

Оммавий мулоқот воситалари, кўринишларини санаб адоғига етиш маҳол. XX асрнинг улкан мутахассисларидан бири канадалик Маршалл Маклюэн (1911–80) уларнинг айримларини мароқ билан таҳлил қилган, шарҳлаган. Чунончи, оғзаки нутқ, ёзма сўз, рақамлар, энгил-бош, тураржойлар, филдирак, автомобиль, самолёт... Энг оммалашган мулоқот воситаларидан бири – пул!

Пул ишлатмайдиган одам йўқ, пул орқали мулоқотга киришилмайдиган ҳолат йўқ. Пайдо бўлганидан то ҳозирга қадар пул энг қудратли, энг оммабоп, энг ғаройиб мулоқот воситаси бўлиб келмоқда. Пул тарихини ҳеч иккиланмай оммавий мулоқот маданияти эволюцияси тарихидир десак ҳам янглишмаймиз. Пулга бўлган муносабатга қараб,

якка шахс, миллат, халқ, жамият, тузум, давлат ҳақида аниқ ва атрофлича хулосалар чиқариш мумкин. Воқеа-ҳодисалар замиридаги асл хоҳиш-муддаони аниқлаш мумкин. Чунки санаб ўтилган барча субъектларнинг асл қиёфаси мулоқотда акс этади, агар ўша мулоқотлар пулга (моддий манфаатга) дахлдор кечса, асти қўяверасиз: томонларнинг астар-авраси кафтдагидек намоён бўлади-қўяди. Мухтасар қилиб айтганда, пулнинг оммавий мулоқот тарихидаги аҳамияти пулнинг инсон ҳаётида тутган ўридан-да аҳамиятлироқ, муҳимроқ ва маъно-мазмунга бойроқ.

Яна бир энг оммабоп мулоқот воситаси – йўл ва қатнов воситалари! Темир йўл, ҳаво ва сув йўли ҳам шу жумладан. Мазкур йўлларда қатнаётган ҳар қандай транспорт воситаси оммавий мулоқот воситаси ҳамдир. Қисқаси, йўллару шу йўлларда қандай воситаларда ҳаракатланиш инсоннинг мулоқот кўлами, маданияти, савиясида муқаррар акс этади. Чунончи буғу ё ит қўшилган чаналарда қатнайдиган одам билан “Мерседес”, “Ласетти”... ёхуд “Боинг” русумидаги ҳаво кемаси йўловчисининг мулоқот имкониятлари орасида тафовут бўлмаслиги мумкин эмас. Мавзудан келиб чиқилса, йўлнинг яхши ё ёмонлиги, транспорт воситаларининг қулай ё ноқулайлиги мавжуд мулоқот имкониятларининг кўзгуси десак янглишмаймиз.

Табиий, мамлакатимиз, шаҳар-қишлоқларимизда йўл кўп, транспорт воситаси ундан-да кўп. Одатда, йўллар (ёлғизоёқ сўқмоқдан тортиб катта шоҳ кўчагача) табиий зарурият юзасидан вужудга келади. Бирор сабаб билан у ёки бу йўлнинг ёпилиши нафақат ҳаракатланишни, балки мулоқот қулайлигини издан чиқаради. Яъни, йўлнинг ёпилгани – мулоқотнинг ёпилганидир. Шунинг учун ҳам қанча йўл ва қандай қатнов воситаси мавжуд бўлса, уларнинг барчасига эмин-эркин қатнов шароитини яратиш ва шу транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ҳам демократик жамиятнинг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади.






Оиланинг мулоқот маданиятини шакллантиришда зарур муҳит эканига қайтсак.

Аксарият ёшлар (хатто катта ёшдагилар ҳам), “Кўпчилик олдида гапиролмайман, ҳаяжонланаман” деган истиҳолани тан олишади. Нотанишлар даврасида эса бундай гапиролмаслик, ҳаяжонланиш баттар ортади. Бунинг бир қанча сабаби бор. Билмагани сабабли ниятини ифода қилиб беролмаслиги, уқдира олиш қобилияти етишмаслиги сабабли кўпчиликка қарата сўз айта олмаслиги мумкин одам. Лекин, нима бўлган тақдирда ҳам, кўпчилик даврасида фикр айтиш кўникмаси даставвал оилада шаклланоғи зарур. Оила муҳитида бу борада йўл қўйилган кемтиклик инсоннинг бир умрлик “ҳамроҳи”, ажралмас “дўст-биродари” бўлиб қолади. Вақти келиб, ушбу шахсий-хусусий нуқсон катта ҳаёт йўлида унга албатта панд беради. Оммавий мулоқотга кириша олмаслик (издиҳом орасида ўзини йўқотиб қўйиш, минбардан ҳуркиш, микрофон олдида эсанкираш, зарур ҳолатларда кўпчилик ўртасида етакчиликини, ташаббусни қўлга олишдан ҳайиқиш ҳам шулар жумласидан), бир томондан, ўз нуқтаи назари ва қарашларини илгари суришга тўсқинлик қилса, иккинчи томондан, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш, қиёслаш ва хулосалар чиқариш борасида журъатсизликка сабаб бўлади. Мухтасар айтганда, шахсий кемтиклик ижтимоий кемтикликка айланади. Мисол тариқасида оилавий можаролар муаммоси таҳлил қилинса, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам аксар ҳолларда ўзаро тил топиша олмаслик, муроса йўлини билмасликка бориб тақалади (ТИЛ топиша олмаслик, МУРОСА йўлини билмаслик ҳам моҳиятан мулоқот маданияти ва санъатини эгалламаслик оқибатидир). Оилаларнинг бузилиши эса ижтимоий кемтикликка, таназулга олиб боради.

Иттифоқо бир воқеани кузатишга тўғри келди. Мактаб ўқувчиларининг ёзги истироҳатгоҳига 50-60 чоғи ўғил-қиз жамланибди.



Ҳаммаси 10-15 ёш оралиғида. Бир миллат вакиллари бари. Улар 10-15 нафардан гуруҳларга бўлиниб, давра суҳбати ўтказяпти. Нималар ҳақида бўляпти суҳбатлар? Бундан кўзланган асосий муддао нима?

Шу каби саволлар билан тадбир ташкилотчиларига мурожаат қилдик.

— Мақсадимиз — фарзандларимизда исталган мавзуда, ҳар қандай ҳолатда ўз нуқтаи назарини эркин ифодалаш кўникмасини шакллантириш, баҳс-мунозараларда малакали фаоллик кўрсатиш руҳини тарбиялаш, — дея жавоб берди ўқув машғулотлари раҳбари.

Жавобни эшитиб болалик хотираларимиз ёдга тушди. Аксар тенгқурларимиз қатори катта оилада тарбия кўрганмиз, оилавий гурунглarda бир чеккада қисиниб-қимтиниб, ёши улуғларнинг оғзига анграйиб ўтирганмиз. Асосан томошабин бўл-



*Аксар тенгқурларимиз  
қатори катта оилаларда тар-  
бия кўрганмиз, оилавий гурунглار-  
да бир чеккада қисиниб-қимти-  
ниб, ёши улуғларнинг оғзига  
анграйиб ўтирганмиз. Асосан  
томошабин бўлганмиз. Неча-не-  
ча авлодларимиз шу руҳда – кўп  
гапирмаслик, маҳмаданалик қил-  
маслик, кўпчилик олдида, хусусан,  
ёши улуғларимиз хузурида жим  
ўтириш – тилни тийиш, одобли,  
мўмин бола, яхши бола руҳида  
тарбия кўрган. Мулоқотга ки-  
ришмасликни умумодоб меъёри  
даражасига кўтарганмиз.*

ганмиз. Ота-она, ака-опаларнинг суҳбатига аралашиш у ёқда турсин, ҳатто бемаврид савол ташлаш... одобсизлик ҳисобланган. Неча-неча авлодларимиз шу руҳда – кўп гапирмаслик, маҳмаданалик қилмаслик, кўпчилик олдида, айниқса, ёши улуғлар хузурида жим ўтириш – тилни тийиш, одобли, мўмин бола бўлиш руҳида тарбия кўрган. Гап айтишдан кўра андишавозлик, қисинчоқлик фазилат саналган. Бошқача айтганда, мулоқотга киришмасликни умумодоб меъёри даражасига кўтарганмиз. Энди қиёслаб кўрайлик: биз мулоқот чоғида мумтишлаб ўтиришни фазилат ҳисоблаган бўлсак, бояги истироҳатгоҳга жамланган болалар ҳар қандай ҳолатда (исталган мавзуда!) эмин-эркин фикр айтиш – ўзлигини намоён этиш руҳида тарбияланмоқда. Савол туғилади: оммавий коммуникация феномени

дунёни забт этаётган ҳозирги замон тўфонларидан беталафот ўта олиш, амалий самараларни кўзлаб улоқни илиб кетиш имконияти қай руҳда тарбия кўрган авлод вакилларида кўпроқ?

Батафсил жавобга ҳожат йўқ, шундай эмасми?..

Шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига ҳар қанча ҳавас қилсак, ундан фахрлансак арзийди. Сўз айтиш, талаффуз, нутқ, маъруза ва ҳатто тинглаш маданияти, назокати атрофлича ва мукамал ишлаб чиқилган. Воизлик илми яхши шаклланган. Бу борадаги ҳеч бир ютуққа тил теккизмаган ҳолда андишамиз шуки, миллий-шарқона нотиқлик илми-амалида оммавий мулоқот жараёнида пассив тингловчидан фаол сўзловчи мақомига кўтарилиш йўсинлари ва кўникмаларига эътибор қаратилмагандек туюлади.

Тарихдан аён, жамият янгидан-янги тараққиёт босқичларини кўзлаётган, Уйғониш даврига кириб бораётган вақтларда нотиқлик маҳоратини умуммиллий маданият даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратган. Махсус марказлар, муассасалар, тўғараклар ташкил этилган. Эндиликда эса... бани башар янги оммавий мулоқот замонига кириб келди, муайян давлат-мамлакат доирасида эмас, "курраи замин" деб аталган "қишлоқча" миқёсида мулоқот жараёнлари тубдан ва шиддат-ла ўзгаришга юз тутди. Мулоқот тарзи тиғизлашиб кетди, бунинг натижасида ҳозир айtilган, билдирилган фикр-мулоҳазага шу заҳотиёқ жавоб айтиш зарурати туғилмоқда. Зудлик билан жавоб қайтариш балоси гоҳида ўзаро мулоқотда нохуш вазият юзага келишига, келишмовчилик газак олишига сабаб бўляпти. Сиёсатдонлар, давлат раҳбарлари, умуман, одамларнинг мулоқотга ва оммавий мулоқотга лаёқатсизлиги дунё миқёсида кўпдан-кўп талафотларни келтириб чиқармоқда. Муаммоларнинг сабаблари каби уларнинг ечимларини топиш ҳам мулоқот савиясига, сифатига боғлиқ бўлиб қоляпти. Умумлаштириб айтганда, якка шахслар, халқлар, миллатлар, жамияту давлатлар-



дан тортиб инсонияту тамаддуннинг тақдири, истиқболи мулоқот, оммавий мулоқот жараёнларида ҳал бўлмоқда.

\*\*\*

Одатда кишилараро мулоқот жараёни уч босқичда кечади: коммуникатив (яъни ахборот узатиш), интерафаол (яъни ўзаро тенгма-тенг ҳаракатланиш) ҳамда перцептив (яъни мулоқот мавзусини тенг идрок этиш). Фикримизча, мазкур жараёнда ҳал қилувчи яна бир муҳим босқичга жиддий эътибор қаратиш зарур. Бу – тинглаш маданияти.

Эҳтимол эриш туюлар, лекин ҳар бир киши ўзини ўзи “Тинглаш маданиятим нечоғли шаклланган?” дея саволга тутиб кўрса эди. Ахир, мулоқот, муомала, муроса аввалбошда тинглаш маданиятидан бошланмайдими? Икки киши ўртасидами, оила даврасидами, кенг доирадами ёхуд нуфузли идора, маҳкама қабулидами, мурожаат ва шу мурожаатга жавоб натижаси, тақдири ҳар икки томоннинг тинглай билиш маданиятига боғлиқдир. Хусусан, турли давлат ва нодавлат идораларига аҳоли мурожаат қилганида турфа сабаблар ва важлардан келиб чиқиб, мулоқотга киришилаётган томоннинг фикри, сўрови, шикояти, илтимосини диққат билан эшита билмаслик хилма-хил тушунмовчиликлар, асаббузарликлар ва ҳатто келишмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

Бемор ва шифокор мулоқотида кузатиладиган жуда кўпчиликка таниш манзара: бемор ўзини нима безовта қилаётганини тушунтириб беролмайди – шифокорнинг эса бемор хасратларини тинглашга тоқати етмайди. Бундай аҳвол пировард оқибатда хасталик муолажасига таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Ўқувчи муаллим билан, йўловчи ҳайдовчи билан, олувчи сотувчи билан, раҳбар ходим билан... ва ҳоказо мулоқотларда тил топиша билмаслик бир-бировни тинглай билмасликдан бошланади.

Тинглаш – мулоқот маданиятининг муҳим унсури. Сўзлаш маданияти қанча-

лик аҳамиятли бўлса, тинглаш маданиятининг аҳамияти ҳам ундан оз эмас. Тинглаш маданияти бўлмаган кишининг сўзини бошқалар тингламайди. Яъни, ўзгалар сўзини тингламаган одамнинг сўзи ҳам тингланмайди. Тингланмаган, яъни қабул қилинмаган сўзнинг эса аҳамияти қолмайди ҳисоб.

Она вужудидаги ҳомила уч ойлик пайдан эшита бошлайди, деб уқтиради мутахассислар. Демак, инсонга ҳали дунёга келишидан бирмунча муддат бурун, у ҳали мурғаклик чоғида тинглаш қобилияти ато этилади. Дунёга келгач эса ўша қобилият ўсади-унади. Тинглаш маданияти шаклланган одам бошқаларнинг фикрига, айтар сўзига эътиборли бўлади, бунинг давоми сифатида сўзга ва фикрга бўлган ҳурмат-эҳтиром ортади. Сўз ва фикрга бўлган ҳурмат инсонга бўлган эҳтиромга айланади. Жамият миқёсида ана шундай муҳит вужудга келтирилса, унинг аҳамиятини таърифлашга сўз топилиши душвор.

Асосий мулоқот воситалари – сўз, талаффуз ва нутқ, дедик. Қадим жамиятларда нотиклик санъатига катта эътибор қаратилган. Воизлик мактаблари фаолият юритган. Тўғри, бу санъат ҳар кимга бирдек ато этилавермайди. Лекин сўз айтиш маданиятини эгаллаш истагидан воз кечиш ҳам ярамайди. Йўқ, мен гапиришни истамайман дейдиган одам топилиши қийин. Шундай экан, лоақал фикрни суҳбатдошга тушунарли, таъсирли уқтира олишнинг энг оддий ва жўн талабларини эгаллаш сабоқларини кенг омалаштирмоқ – заруриятдир.

Ёзма мурожаат маданияти хусусида ҳам талай мулоҳазаларни ўртоқлашиш мумкин. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан кўра мураккаброқ экани маълум. Фикрни қоғозда лўнда, тушунарли, ифодали баён этиш санъатини омалаштириш ва шу орқали жамиятда оммавий мулоқот самарадорлигини оширишга эришиш борасида қилинажак ишлар тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Шу боисдан мурожаатларни ёзма баён этиш малакасини ҳаммага шарт қилиб қўйиш фурсати ҳам келар, аммо оғза-



ки нутқнинг ибтидоий шартларини ўрганиш имконияти деярли ҳаммада мавжуд.

Оиладан тортиб ҳар қандай миқёсда – хоҳ маиший, хоҳ расмий даврада, хоҳ озчилик, хоҳ кўпчилик ҳузурида бўлсин – равон сўзлаш, мазмунли сўзлаш, таъсирли ва жозибали сўзлаш оммавий мулоқотни гўзаллаштиради, унга жозоба бахш этади. Аксари ҳолларда жарангдор ёки оташин сўз ирод этиш нотиқлик деб баҳоланади. Ваҳоланки, айтилмоқчи бўлган фикрни тингловчига қисқа, равон, жозибали тарзда, энг муҳими, тушунарли етказа олиш чин маънодаги нотиқлик санъатидир.

Халқимизнинг кўҳна ҳикматларидан бирида гап билгунча – иш бил, дейилади. Замон бу каби ҳикматларга таҳрир киритилишини тақозо этмоқда: ишни ҳам, гапни ҳам бирдек уддала!

\*\*\*

Ҳар қандай жамиятда ҳам кишилар орасида шартли-шартсиз табақаланиш кузатилади. Табақаланиш мулоқот тарзи-қўнималарида ҳам сезилмай қолмайди. Лекин ким қайси табақа вакили эканидан қатъи назар, умуммулоқот маданияти, талаблари ўзаро муроса посангисини сақлашга ҳизмат қилади.

Бошқа бир муаммо жамият аъзоларининг ижтимоий мавқеи – лавозими, мансаб-мартабасига кўра табақаланишидир. Бир сўз билан айтганда, аҳоли шартли равишда иккига – раҳбарлар ва тобеларга бўлинади. Жамиятнинг тақдири кўп жиҳатдан мазкур икки табақа орасида соғлом мулоқот муҳити мавжудлигига бориб тақалади. Раҳбарлар бошқарувчилар, тобелар эса бошқарилувчилар деб ҳам номланади. Монологга асосланган жамиятларда бошқарувчилар

гапирадилар, лекин тингламайдилар (ёки қисман тинглайдилар), бошқарилувчилар эса гапирмайдилар ҳам (ёки жуда оз гапирадилар), тингламайдилар ҳам (ёки ўзларини тинглаётган қилиб кўрсатадилар). Кишилар ҳаёти диалогга асосланган жамиятларда мустабид тузумга хос бундай “тартибот”га барҳам берилади, натижада бошқарувчилар билан бошқарилувчилар тенгма-тенг мулоқотга киришади. Бундай мулоқот пировардида ҳар икки томон манфаатига мос келувчи ялпи фаровонлик муҳити яратилишига хизмат қилади.

Тўғри, шундай мақомга кўтарилиш қисқа фурсатда амалга ошмайди. Оммавий мулоқот маданияти аста-секин тараққий топади. “Монологга асосланган жамият ўрнида диалогга асосланган жамият барпо этилар экан, эскидан қолган асоратлар такрорланишига йўл қўймасликнинг иложи йўқ, – деб ёзади россиялик таниқли мутахассис Г.Почепцов. – Бироқ монолог қонуниятлари заминида диалог муҳитини яратиб бўлмайди”.

Бундай илмий ҳулосалар амалиётда албатта эътиборда тутилмоғи керак.

\*\*\*

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мамлакатимизда янги даврни бошлаб бермоқда. Бу давр бир йил билан чегараланмаслигига умид қиламиз. 2017 йилда яратилган оммавий мулоқот муҳити йиллар мобайнида жамиятимизда эркинлик, тенглик, эркин сўз айтиш, фикр билдириш кайфиятини умуммиллий маданият даражасига олиб чиқади. Давлат сиёсати мақомига кўтарилган бу истак, бу орзу ҳали ўзбек феномени сифатида ҳайратларга, олқишларга сабаб бўлса ажаб эмас.





Абдурахим ЭРКАЕВ



## MA'NAVIYATNING UCH QONUNI

### Иккинчи мақола

Маънавий ҳаётнинг мазмуни, шакли ва ўзига хослигини жамиятнинг умумий тараққиёт даражаси белгилайди. Ушбу қонун маънавиятни жамият моддий ҳаётидан ажратмай, унга Яратганнинг сир-асрори эмас, ривожланувчи ижтимоий ҳодиса сифатида тушунишда катта аҳамиятга эга. Аграр жамият кишисининг дунёқараши, қадриятлар тизими, маънавияти, одатда, ўрта асрлар тараққиёт даражасига мос. Уни саноат, техника, транспорт ва алоқа тизими тараққий этган, ахборот технологиялари юксак ривожланган бугунги кун кишилариники билан асло таққослаб бўлмайди.

Аграр жамиятда аҳолининг аксарияти, айниқса, жисмоний меҳнат кишилари саводсиз бўлган. Бел, кетмон, омов, ўроқ, болта, ҳўкиз, эшак, от-арава ёрдамида ҳўжалик юритилган. Деҳқон, қўшчи, аравакаш ва косиб-хунароманддан саводли бўлиш та-

лаб этилмаган. Индустириал жамиятда эса завод-фабрика ишчи ва хизматчи ё таъмирчидан, қишлоқ ҳўжалиги деҳқон ё тракторчидан, транспорт тизими ҳайдовчисидан, жилақурса, бошланғич маълумотли бўлишни талаб қилади. Технологияларнинг узлуксиз мураккаблашуви бу талабларни янада кучайтиради. Жамиятнинг саводхонлиги янги маънавий-маданий эҳтиёжларни туғдириб, қондирилиш усулларини эса хилмахиллаштирди. Агар саводсиз оми киши тўй ва сайилларда бахшилар, қиссaxonларни тинглаб, маънавий эҳтиёжларини қондирса, саводли киши ёзма адабиёт, мумтоз мутафаккирлар асарларини ўқиш имконига эга.

Меҳнат воситалари ва технологияси нафақат ишлаб чиқариш усули, муносабатларини, шу билан бирга, яратилган моддий ва маданий маҳсулотлар, таълим олиш, илмий



ва бадий ахборотдан фойдаланиш қандай тақсимланиши ва тарқатилишини белгилайди. Улар муайян жамиятдаги истеъмол ва эҳтиёжлар мазмунини, шахснинг ўзлигини юзага чиқариш имкониятини аниқлайди. Ушбу қонуният индустриал жамиятда умумий, ўрта махсус ва олий таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ОАВ иқтисодиётнинг зарурий тузилмасига айланганида яққол кўринади.

Умумтамаддуний (цивилизация) тараққиёт даражаси одамларнинг дунёқараши, тафаккури ҳамда жамиятнинг илм-фани, адабиёти, маданий савиясини белгилайди. Улар асосида қадриятлар, ижтимоий меъёрлар қарор топади. Бу жамият ривожланишининг умумий қонуни – моддий ва маънавий ҳаёт муштараклиги, ўзаро чамбарчаслигининг воқе бўлишидир.

Биринчи мақолада инсон эҳтиёжлари узлуксиз юксалиши тўғрисида сўз юритилган эди. Эҳтиёжларнинг мазмуни, ўсиш, юксалиш суръати жамиятнинг умумтараққиёт даражасига, алоқа ва мулоқот воситаларига, одамлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний, мафкуравий, маиший, оилавий ва бошқа алоқаларнинг ранг-баранглиги ва интенсивлигига боғлиқ. Бошқача айтганда, улар мавжуд тамаддун даражасига мос бўлиб, унинг таъсирида шаклланади ва ўзи ҳам унга таъсир кўрсатади. Мазкур қонун цивилизация ва маънавиятнинг узвий муштараклигини ифодалайди. Ибтидоий жамиятда одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар анча қашшоқ ва жўн эди. Улар, асосан, уруғ-жамоа жипслиги, хавфсизлиги, озиқ-овқат таъминоти масалаларини ҳал қилишга бориб тақалган. Мана шу уч заруратдан келиб чиқиб уруғ-жамоа муносабатлари меъёрлаштирилган, тартибга солинган, эътиқодда, диний маросимларда, урф-одатларда, рақс ва кўшиқларда, асо-тирларда мустаҳкамланган.

Аграр жамиятда ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралди. Ибтидоий синкретизм парчаланди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, давлат ва ҳуқуқ, диний ташкилот алоҳида

институт сифатида ажралиб чиқди, ёзув пайдо бўлди. Маънавий онг ўсди, маънавий маданиятнинг алоҳида шакллари вужудга келди. Шунга мувофиқ маънавий эҳтиёжлар ранг-баранглик касб этди, мазмунан бойиди. Аграр жамият икки йирик тарихий давр – кулдорлик ва феодализмга бўлинади. Ибтидоий ва аграр жамиятлар вакиллари онги, тафаккури, билими, маънавий эҳтиёжлари, турмуш тарзи ва маънавиятини таққосласак, улар ўртасида катта фарқ мавжудлигини кўрамиз. Миср, Месопотамия, Қадимги Хитой, Қадимги Эрон, Қадимги Юнонистон – илк аграр жамиятлар, илк цивилизациялар ватани. Уларнинг тараққиёти, маданияти ибтидоий жамиятга нисбатан жуда баланддир. Аграр жамият доирасида ислом Уйғониш даврида Шарқ, Европа Уйғониш даврида Ғарб маънавий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди.

Ўз навбатида феодал (аграр) ва капиталистик (индустриал) жамиятлар аъзолари маънавияти, маънавий эҳтиёжлари, илм-фан ва адабиёти, санъати ўртасида янада катта фарқ мавжуд. Ўрта асрларда яшаган киши ўз олдида XX аср кишиси қўйган мазмундаги инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, замонавий демократик талабларни қўя олмас, бўш вақтини ташкил этишнинг, мулоқот қилишнинг замонавий воситаларидан фойдалана олмас эди. Зеро, ушбу қадриятлар фақат инсон онги, тажрибаси, ақл-заковати маҳсулигига эмас, шунингдек, тамаддуний тараққиёт ва ижтимоий муносабатлар такомиллашуви натижаси ҳамдир.

Маънавият ва бутун ижтимоий тараққиёт қонунлари одамларнинг онгли фаолияти орқали юзага чиқиши аввалги мақолада қайд этилган эди. Кимдир амалдаги меъёр ва қоидаларни такомиллашмаган, ҳатто адолатсиз деб билади ва уларни ўзгартириш кераклигини уқтиради. Кимдир, аксинча, ҳимоя қилади. Кескин радикал ва консерватив фикрлар ўртасидаги баҳс, баъзан кескин курашлар оқилона йўл топишга, мавжуд қоида ва меъёрларни, урф-одатлар ва диний маросимларни такомиллаштиришга



хизмат қилади. Мурса йўли топилмаса, кураш зўравонлик воситаларида давом этади. Ички низолар, фуқаролик урушлари, кўзғолонлар, инқилоблар, сарой тўнтаришлари... ҳар доим ҳам фақат ҳокимият учун зўравонлик кўринишида курашиш эмас. Улар баъзида мамлакат келажаги, давлат бошқаруви ва ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишнинг мурса йўли топилмагани оқибати ҳамдир.

Маънавият юксалишининг умумтамаддуний тараққиёт даражасига боғлиқлиги қонуни адабиёт ва санъат мисолида яққол кўринади. Қабилалар уюшмаси ва илк давлатчилик даврида қаҳрамонлик эпослари вужудга келди. Гўрўғли туркуми, Алпомиш, Рустамхон ва бошқа дostonлар халқимизга ўша даврдан ва илк ўрта асрлардан мерос. Кўчманчи, яримкўчманчи турмуш тарзи, яйлов, водийлар учун кураш, янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, этносларнинг тартибсиз миграцияси қуролли тўқнашувлар, ўзаро курашларни туғдирган. Ҳар бир қабила (қабилалар уюшмаси), ёш давлат ўз идеал қаҳрамони образини яратишга, ёш авлодни улар тимсолида тарбиялашга ҳаракат қилган. Шу тариқа қаҳрамонлик эпослари вужудга келган.

Ўрта асрларда аграр жамият бирмунча барқарорлашди. Ўрта асрлар ислом дунёсида дастлаб ҳар томонлама ривожланиш кузатилди. Марказлашган феодал давлатлар тарих саҳнасига чиқди, ҳудудлар бўлиб олинди, аҳолининг тартибсиз майда гуруҳлари миграцияси деярли барҳам топди. Бу даврда туркий тилда “Ҳибат ул-ҳақойик”, “Қутадғу билиг”, “Девону луғатит-турк” каби мумтоз асарлар ёзилди. Бундай шароитда турли халқлар ўртасидаги тўқнашувлар, урушлар бошқача мазмун ва мақсад касб этди. Энди урушлар турли давлатлар – хонликлар, амирликлар, бекликлар тўқнашувига айланди. Қабилавий-этник мафкура дунёвий-сиёсий ва диний мафкура билан алмашди. Ислом асосида янги цивилизация қарор топиб, унинг ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий, эътиқодий идеаллари шаклланди. Адабиёт

ва санъат, диний ва сиёсий мафкура янги цивилизация заруратини, эҳтиёжларини ифодалай бошлади. Фольклорни бир оз ортга суриб, ёзма адабиёт, профессионал санъат олдинги ўринга чиқди. “Ҳибат ул-ҳақойик”да, “Қутадғу билиг”да биз янги ахлоқий ва эътиқодий идеаллар инъикосини, “Девону луғатит-турк”да сиёсий-этник жипслик идеаллари ва ахлоқий-эътиқодий қадриятлар ифодасини кўраимиз.

Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий асарларида ўз давридаги ислом цивилизациясининг тарихий талаблари, зиддиятлари, тамаддун оқимида қўшилаётган туркий халқларнинг эҳтиёжлари акс этди. Юсуф Хос Ҳожиб замонида исломда зоҳидлик, таркидунёчилик ғоялари ёйилган эди. Шу сабабдан даҳо бобомиз беку хонларни узлатга чекиниш, таркидунёчиликдан қайтаради. Халқпарварлик раҳбарга Оллоҳ томонидан юклатилган бурч, дея уқтиради. Дин пешволарига (Ўзгурмишга) қарата эса Ўгдулмиш номидан бундай дейди:

*Олам халқи бари улус, кент қўйиб  
Сендек горга кирса, улуг юк тўйиб,  
Дунё бузилмасми, битмасми олам,  
Авлодлар яралмас, қолмас-ку одам.*

(Юсуф Хос Ҳожиб. *Қутадғу билиг*. Тошкент, 2016. 304-бет).

Маҳмуд Кошғарий турк тилининг умумий меъёрларини белгилаш, сақлаш қаторида алоҳида элатларга бўлиниб бораётган туркий қабилаларни қорахонийлар давлати теварагида бирлаштириш ғоясини ҳам олға сурган. Кўриниб турибдики, цивилизация эҳтиёжлари ва талаблари жамият бадий фикри муайян йўналишда ривожланишини тақозо этади. Бу борадаги мисол ва далиллар асосан туркий (эски ўзбек) адабиётдан





келтирилди. Аслида бундай мисол ва далиллар ҳар қандай халқ адабиётида топилади. Масалан, бу даврда эрон қаҳрамонлик эпосларини қайта ишлаб, йирик "Шоҳнома" асарини яратган Фирдавсий аслида Эрон буюкдавлатчилик ғоясини акс эттирди. Қаҳрамонлик эпослари асосида вужудга келган ёзма адабий эпослар этник қабилачилик манфаатларини эмас, марказлашган феодал давлат манфаатларини ифодалай бошлади. Ибтидоий тузум давридаги қабила-уруғчилик, илк аграр, яъни патриархал кулдорлик жамиятидаги майда шаҳар-давлатлар мафкураси шароитида юқорида саналган асарларга объектив эҳтиёж йўқ эди. Уларни яратишга жамиятнинг интеллектуал-ғоявий ва бадий имкониятлари ҳам ожизлик қилар эди.

Алишер Навоий даврига келиб ислом тўлиқ ҳукмрон мафкурага айланди. Ислом цивилизацияси IX-XII асрлардаги оламшумул ютуқлари ортидан ички ва ташқи низолар, феодал тарқоқлик ва сепаратизм, мўғул истилоси кабиларни бошдан кечириб, бир муддат турғунликдан кейин Амир Темур ва темурийлар фаолияти боис янги уйғониш босқичига кўтарилди. Адолат, инсон қадр-қиммати, комил инсон ва адолатли подшоҳ ғоялари ижтимоий онгда долзарб эди. XV асрга келиб исломда тасаввуф катта мавқега эришди. Шу сабабдан мазкур ғояни Навоий нақшбандия тариқати қарашларига мувофиқ ифодалади.

XV аср адабиётида реалистик образ, муайян тарихий шароитда яшайдиган, ўз фазилат ва қусурларига эга типик ва аини пайтда, такрорланмас индивидуал инсон образини, унинг дунёвий ишқини, психологик кечинмаларини тасвирлашдан кўра, қаҳрамон тимсолида инсонпарварлик, эзгулик ва адолат ғояларини тарғиб этиш, одамлар учун намуна, ибрат бўладиган идеал қаҳрамон қиёфасини тасвирлаш, унинг мажозий ишқини кўрсатиш муҳимроқ эди. Инсонпарварлик, инсонни севиш – Худо иродасини, кўрсатмасини бажариш, Худони севишдир, деган ғоя тарғиб этилиб, инсон

ҳимоя қилинди, улуғланди. Навоий Фарҳод, Мажнун, Баҳром, Искандар, Ширин, Лайли ва бошқа идеал образлар тизимини яратди. Асарларида раиятга ғамхўр одил подшоҳ ғоясини илгари сурди. Достонларнинг бошида Оллоҳ ва Пайғамбардан кейин Хусайн Бойқарога, айримларида Бадиуззамон ва бошқа тарихий шахсларга бағишланган мақтовлардан мақсад ҳам раиятпарвар подшоҳ ғоясини одамлар, ҳукмдорлар онига сингдириш, шу орқали низолар ва айирмачилик кайфиятининг олдини олиш эди.

Даҳо шахслар мероси таҳлил этилганда, унинг ўз тамаддуни савияси ва долзарб муаммолари билан боғлиқлиги аёнлашади. Навоий ижоди ислом тамаддунининг адабиёт ва ижтимоий қарашларда эришган ютуқлари билан узвий боғлиқ. У Низомий, Деҳлавий, Жомий бадийяти, Нақшбанд тариқати, Азизиддин Насафий фалсафаси, туркий салафларнинг сўз санъатидаги ютуқларини теран ўзлаштирган ва янги поғонага кўтарган. Бу, аини пайтда, ўша даврда ислом тамаддуни дуч келган янги муаммолар, тарихий даъватларга бадий-фалсафий жавоб ҳамдир. Навоий ижоди ислом тамаддуни тараққиёт поғонасини кўрсатувчи кўзгу ва унинг сўнгги ўрта асрлардаги бадий-фалсафий чўққисидир.

Ғарбда товар-пул муносабатлари ривожланиб, капитализм оёққа туриши жараёнида янги индустриал цивилизация шаклланди. У XVII-XIX асрлар мобайнида инсоннинг инсонга шахсий қарамлигига (куллик, крепостнойлик) барҳам берди, ҳаммани қонун олдида тенглаштирди. Бу даврда адабиёт идеал қаҳрамонлар образи орқали умумий инсонпарварлик, эзгулик ғояларини тараннум этишдан замондошлар ўй-ташвиши, ижтимоий аҳволи ва мавқеи, аниқ муаммоларини бадий таҳлил қилишга ўта бошлади. Инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари энди конкрет инсонни ҳимоя қилиш, жамиятдаги адолатсизликни танқид қилиш орқали олға суриладиган бўлди. Янги бадий услуб – танқидий реализм XIX аср 30-йилларида қарор топди. Танқидий реализм инсон



ташқи (ижтимоий аҳволи) ва ички дунёсини (онги, психологияси, туйғулари ва кечинмалари) ҳар томонлама таҳлил қилди, очиб берди. У рационалистик тафаккурга таянар эди. Танқидий реализмнинг ривожланиши капиталистик (индустриал) тамаддуннинг рационализмга ишончи сўниб улгурмаган, тараққиёт чизиги ҳали узлуксиз юқорилаётган паллага тўғри келди. Шу боис у детерминизм – сабабият (сабаб-оқибат) алоқаларини қатъий ёқлар эди. У инсоннинг ҳар бир ҳаракати, хулқ-атвори, интилишларию ҳиссий кечинмаларини ижтимоий ва психологик жиҳатдан далиллашга уринди. Бироқ онгости ҳодисаларига мурожаат этмади, чунки улар ижтимоий ҳаётда сезиларли роль ўйнамас, боз устига, ўша даврда уларнинг на ижтимоий, на психологик сабаблари маълум эди. Онгости ҳодисаларини ёритиш алоҳида бадий таҳлил ва усулни тақозо этар эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида индустриал тамаддун янада юқорироқ босқичга қадам қўйди. Барча соҳаларда Ғарб цивилизациясининг ички зиддиятлари қалқиб чиқди. Илгари улар кўпроқ иқтисодий ҳаётда юз кўрсатиб, иш ташлаш ва инқилобларга сабаб бўларди. XIX аср охириги чорагида сиёсий ва иқтисодий тўқнашувлар бир оз сусайди. Аммо инқироз маънавий ҳаётда чуқурлашди. Капиталистик тамаддун идеаллари, унинг оқилона тузум эканига кўпчилик ишонмай қўйди. Онгости ҳодисалари, одамларнинг ғайришуурий хатти-ҳаракатлари ижтимоий ҳаётда тобора сезиларли из қолдира бошлади. Иррационализм кучайди. Ҳар хил модернистик, авангардистик оқимлар, турли-туман тасвир ва ифода услублари пайдо бўлди. Иккинчи томондан – адабиёт ва санъат, ўз ички ривожланиш қонунларига кўра, танқидий реализм даражасида қолиб кетиши, онгости ҳодисаларини бадий таҳлил этмаслиги мумкин эмас эди. Танқидий реализм инсон онгини ҳар томонлама ўрганиб, онгости остонасида тўхтаб қолган бўлса, модернистик адабиёт ва санъат онгости ҳодисаларини тасвир-

лаш ва ифодалашдан чўчилади. У, танқидий реализм каби, инсоннинг ҳамма туйғу ва кечинмаларини оқилона бадий асослаб бериш, сабабларини кўрсатиш вазифасини ўз олдига қўймади. Инсон ички оламидаги иррационал, ақл ёрдамида тушунтириб бўлмайдиган жиҳатларига ҳам диққат қаратиб, тасвирлаб кетаверди. Онгости ҳодисаларини, онгсизликни (агар диний-мистик характердагилари бўлмаса) нафақат ўрта асрлар, ҳатто XIX аср биринчи ярми адабиёти тасвирлай олмас эди.

Модернизм оқимлари индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш даври маҳсулидир. Улар рационал тафаккур қаторида иррационал тафаккурнинг бадий ижодда олдинги ўринларга чиқиши, уларнинг эклектик қоришуви, баъзан иррационализмнинг рационализмдан устун келиши, баъзан ижодкорнинг релятивистик фикр юритиши туфайли юзага келди ва ривожланди. Постиндустриал жамият мустақкам оёққа туриб олган XX аср 50-йилларидан аста-секин янги постмодерн оқимлар тарқала бошлади. Лекин бу адабиёт ва санъатда ижод тўлиқ, дастлаб модернизмга, сўнг постмодернизмга ўтиб кетган экан-да, дегани эмас. Адабиёт ва санъатда ижодкор шахси ҳал қилувчи роль ўйнайди. У буюк саълафлари анъаналарига содиқ қолиб, уларни замонга мослаштириб давом эттириши, янги экин ва услубларни қабул қилмаслиги мумкин. Бадий асар сиёсий ва эътиқодий қарашлар, цивилизация эврилишларининг шунчаки инъикоси эмас, балки ўзига хос индивидуал ва ижтимоий талқинидир. Шу сабабдан замонавий адабиёт ва санъатга бадий усул ҳамда услублар хилма-хиллиги хос.

Замонавий постиндустриал цивилизациянинг маънавиятга яна бир таъсири (бу гал салбий!) – оммавий маданиятнинг алоҳида ижтимоий феноменга айланишидир. Оммавий маданият деганда барча маҳсулотлар индустриал усулда ишлаб чиқарилиши, замонавий ОАВ – газета, журнал, радио-телевидение, интернет, кино



кабилар назарда тутилади. У халқ маданияти эмас, унга миллийлик, индивидуаллик, эксклюзивлик хос эмас. Оммавий маданиятнинг ўтган цивилизацияларда вужудга келиши нореал эди. У моддий ва маънавий буюмлар товарга айланган, истеъмол ва турмуш тарзи, уй-рўзгор буюмлари, одамлар яшайдиган квартиралардан тортиб, ишга қатнайдиган транспорт воситалари, ейдиган овқатию кўрадиган телетомошаси, ўйнайдиган ўйинигача стандартлашган жамият маҳсулидир.

Маънавият юксалишининг умумтамаддуний тараққиёт даражасига боғлиқлигини илм-фан ва таълим тизими ривожига янада ойдинлаштиради. Аграр жамиятда илм-фан ва халқ таълими иқтисодийнинг бевосита тармоғи бўлмаган. Илм-фан, таълим гарчи бир қадар иқтисодий буюртмаларини бажарса-да, маънавиятнинг мустақил соҳаси сифатида алоҳида ривожланган. Унга маърифатли хонлар, вазирлар, беклар, Навоий сингари буюк шахслар ҳомийлик қилган. Улуғбек салтанатида Самарқандда илм-фан гуркираб ўсди. Ундан кейин инқирозга учради. Чунки ижтимоий ишлаб чиқариш илм-фанга кучли эҳтиёж сезмас эди.

Индустриал жамиятда фабрикант таълимни, илм-фанни яхши кўради, ёмон кўради – бундан қатъи назар, фан-техника ютуқларини, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилмаса, ишчи ва инженер-техник ходимларнинг малакасини оширмаса, касодга учраши тайин. Индустриал ишлаб чиқариш миллионлаб инженер, техник, иқтисодчи, бухгалтер, менежер, маркетинг, молиячи, солиқчи, банк, биржа, суғурта компаниялари ходими, юрист, умуман, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма мутахассисларига муҳтож. Шу боис уларни тайёрлаш тизими вужудга келиб, халқ ҳужалигининг ажралмас тармоғига айланди. Минглаб мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим ўқув юртлари ва илмий муассасалар пайдо бўлди. Жамият онги, билими, малакаси, илм-фан, таълим, умуман, маънавият тизими янги сифат босқичига

кўтарилди. Индустриал цивилизация жамиятнинг синфий ва касбий тузилмаси, маънавий эҳтиёжлари ва маънавий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Ёки яна бир мисол. Илк фабрикантлар орасида ишчиларини ашаддий эксплуатация қиладиган, уларнинг соғлиғига зигирча қайғурмайдиган тошюраклар кўп эди. Бирор ишчи майиб-мажруҳ бўлиб ёки ўлиб қолса, фабрикант ташвиш чекмаган. Илк фабрикаларда малакасиз қўл меҳнати устунлик қилган. Шу боис фабрикант ишчини йўқотишдан зарар кўрмаган. Аммо, бошқа томондан, фабрикаларда ишчи-ходимлар сони оддий устахоналарга нисбатан бир неча баробар кўп. Агар фабрикантнинг бирор ишчиси юқумли касалликка чалинса, дард бошқаларга ҳам юқиб, унумдорлик пасайиб кетади. Бундай воқеалар кўп учраган. Оқибатда мулкдор раҳмдиллигидан эмас, фойдадан қуруқ қолмаслик важдан фабрика қошида лазарет очишга мажбур бўлган. Технологиялар мураккаблашиб, ишчи-ходимларнинг малакаси катта аҳамият касб эта бошлаши жараёнида энди беморни, майиб бўлган мутахассисни ҳар ким билан алмаштириб бўлмаслиги аёнлашган. Фабрикант малакали ишчи ходими авайлай бошлаган.

Бунинг устига шаҳарлар тез ўсгани сабаб соғлиқни сақлашнинг аҳамияти мамлакат миқёсида ортиб бораверган. Европа халқлари тарихий хотирасида неча бор вабо, ўлат ва чечакдан аҳолининг ярми қирилиб кетгани сақланиб қолган. Энди эса фабрикант ҳам, давлат ҳам соғлиқни сақлашга эътибор қаратишга мажбур бўлди. Натижада ушбу тизим индустриал жамиятда иқтисодийнинг зарурий тармоғига айланди.

Замонавий цивилизация шароитида давлат бошлигининг илм-фанни, адабиёт ва санъатни, ижодкор зиёлиларни қадрлаши ёки қадрламаслиги, ҳатто ёмон кўриши жамият маънавияти ривожланишига жиддий таъсир кўрсатса-да, тўхтатиб қўя олмайди. Шўро дохийлари – Ленин ва Сталин зиёли-



ларни, олимларни унча хушламаган, ҳатто нуқул нолиб юрадиган тутуриқсиз, чиркин шахслар, деб атаган. Ижодкор зиёлиларнинг катта қисми 20-йиллар бошида мамлакатдан чет элга чиқариб юборилган, қолганларнинг қанчаси 30-йилларда қатағон қилинган. Ҳитлер ҳокимият тепасига келган йилларда Германияда шунга ўхшаш вазият ва сиёсатни кузатамиз. Бироқ Сталин ҳам, Ҳитлер ҳам илм-фандан, ижодкор зиёлилардан воз кеча олмаган. Бусиз мамлакат ривожланмас, уларнинг бутун дунёда большевистик ёки фашистик тузумни ўрнатиш нияти амалга ошмас эди. Шу сабабдан улар саркаш ижодкорларни жазолаш билан бир қаторда тузумга ошкора қарши бўлмаганларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилган. Турли рағбатлантириш йўлларини излаган, унвон, мукофот, орден-медал ва лавозимлар билан тақдирлаган.

Шундай қилиб, маънавият ривожланиши умумтамаддуний тараққиёт даражаси ва талабларига мувофиқ кечади. Бу маънавият юксалишининг объектив қонунидир. Мазкур қонун икки томонлама алоқадорликни ифодалайди.

Маънавият юксалиши қанчалик умумтамаддуний тараққиёт даражасига боғлиқ бўлса, тамаддун ривожланиши ҳам шунчалик маънавият тараққиётига боғлиқдир. Маънавият цивилизацияга акс таъсир кўрсатади. Бу, аввало, илм-фан, технологиялар, бошқарув демократлашуви, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўсишига тааллуқли. Бун-

дан ташқари, маънавият инсоннинг муайян мақсадни белгилашида, унга эришиш учун усул ва воситаларни эркин танлашида, қийинчиликларни енгиб, олға интилишида, яъни ирода, билим ва эътиқод кучида ҳам намоён бўлади. Ушбу ўзаро боғлиқлик барча замонлар, барча жамиятлар учун хосдир. Цивилизация ва маънавиятнинг тараққиёт даражалари бир-бирини тақозо этади. Бу боғлиқлик, алоқадорлик тасодифий эмас, зарурий, доимий, такрорланувчан ва бирламчи аҳамиятлидир. Шу сабабдан мазкур боғлиқлик ижтимоий тараққиётнинг маънавият юксалишига мансуб хусусий, аммо маънавиятнинг умумий қонунидир.

Маънавият ривожланишига ижтимоий-сиёсий муҳит, бошқарув режими, ҳуқуқни талқин қилиш ва қўллаш амалиёти кучли таъсир кўрсатади. Булар, маълумки, муайян тамаддун хусусиятларидан келиб чиқадиган ижтимоий ҳодисалардир.

Албатта, маънавиятнинг турли цивилизациялар шароитида, айниқса индустриал, постиндустриал жамиятда ривожланиши бир чизиқли – фақат юксалиш томон бўлган эмас. Зиддиятлар, иллатлар маънавиятга салбий таъсир этмай қолмаган. Жамият тараққиёти каби маънавият ривожланиши ҳам мураккаб. Гуллаб-яшнаш ва инқироз даврларини бошдан кечирган. Бир цивилизациянинг бошқа цивилизация билан алмашинуви маънавиятни тубдан ўзгартириб, янги эътиқодий, мафкуравий асосларга ўтказган. Бу ҳақда кейинги мақолада сўз юритамиз.





ясайди. Ниҳоят, қайси ҷамиятда тенгсизлик мўътадил бўлса, ўша ҷамиятда фуқаролар элитага инқилоб хавфини солади, элита ҳокимият ва бойликни қайта тақсимлашга рози бўлганда, бу тақдирни рад этмайди. Ажемоглу ва Робинсон фикрича, демократик ривожланиш манфаатига шу сўнгги хил тенгсизлик мосдир.

Элита ҳокимият ва бойликни қайта тақсимлашга рози бўлганда, фуқаролар бир шубҳага бориши табиий: норозилик тўлқини кўтарилганда, элита ваъда бериб, тўлқин пасайганда... ваъдасидан тонса-чи? Шу сабаб фуқаролар элита унга бугун бераётган ваъдалар эртага сўзсиз бажарилишининг кафолати сифатида муайян сиёсий-иқтисодий институтлар жорий этилишини талаб қилади. Келинг, шу ўринда бир жуфт сотармон ва олармонни кўз олдимизга келтирайлик. Улардан бири бошқасидан, дейлик, насияга мол олади. Бироқ ҳақини тўлаш гали келганда, "Сендан ҳеч нарса олмаганман!" деб тонади. Сотармон шундай оғир аҳволга тушиб қолмаслик учун олдиндан қандай тадбир кўрмоғи лозим? Биринчидан, у олармон билан олди-сотди шартномаси тузиб, уни нотариал идорада рўйхатдан ўтказиши керак. Иккинчидан, олармон ўз ваъдасидан тонганда, мазкур шартнома асосида ўз ҳақини суд орқали талаб қилиши лозим.

Хуллас, ҷамиятда муайян "ўйин" қоидалари яратилмоғи ва уларга бўйсуниб мажбурий бўлмоғи зарур. "Институт" тушунчаси, соддароқ қилиб айтилса, ана шундай "ўйин" қоидалари мавжудлигию уларга бўйсуниб мажбурийлигини ўз ичига олади. Ижтимоий институтларнинг "умр"и узун бўлади – уларни бекор қилиш оғир кечади ва узоққа чўзилади.

Ажемоглу ва Робинсон фикрича, элита ҳокимият ва бойлик қайта тақсимланишига рози бўлганда, фуқаролар унинг олдига ҳаддан зиёд қаттиқ талаблар қўйиши ноҳақ. Чунки бундай қилинса, элита қайта куч йиққач, ҳарбийлар билан иттифоқ тузиб, тўнтариш ясаши – ҷамиятнинг демократик режимдан нодемократик режимга қайтариши мумкин. Лекин фуқаролар элита олдига ҳаддан зиёд юмшоқ талаблар қўйиши ҳам

нодурст. Чунки бунда фуқаролар аҳволида сезиларли ўзгариш бўлмайди, бу эса яна норозилик тўлқинини юзага келтиради. Хуллас, фуқаролар элита олдига шундай оқилона меъёрда талаблар қўймоғи лозимки, бунда элита учун тўнтариш ясаш, фуқаролар учун эса инқилоб қилишдан муросага келиш фойдалироқ бўлсин.

Худди шу ўринда Ажемоглу ва Робинсон ҷамиятнинг икки гуруҳ – элита ва фуқаролардан иборат илк моделини учинчи гуруҳ – ўрта синф билан бойитади. Ўрта синф шундай гуруҳки, у ҳокимият ва бойликка эгаллик бобида элитадан қуйроқ, фуқаролардан эса юқорироқ туради. Ҳаммуаллифлар фикрича, ўрта синф нодемократиядан демократияга ўтишда муҳим роль ўйнайди. Бу роль, одатда, икки хил намоён бўлади. Биринчиси – фуқаролар элитага қарши бош кўтарганда ўрта синф фуқароларга иттифоқдош бўлса, элита яккаланиб, кучсизланиб қолади. Бу эса элитани фуқароларга қарши репрессия қўллашдан тияди ва уларга ён беришга мажбурлайди. Иккинчиси – ўрта синф фуқароларга қараганда маърифатлироқ бўлгани сабаб инқилоб раҳбарлари доим шу гуруҳдан чиқади: ўтмишда юз берган барча инқилоблар бошида айнан ўрта синф намоёндалари тургани аён.

Юқорида демократия дастлаб "чала-ярим" бўлади, сўнг тўлиқ бўла боради, деган фикрни айтдик. "Чала-ярим" демократияда элита ҳокимият ва бойликни аввалига ўрта синф билан бўлишади. Сўнг ўрта синф ҳокимият ва бойликни фуқаролар билан ҳам бўлишиш учун элитага босимни кучайтиради. Чунки элита дастадаги ҳокимият ва бойликнинг бир улуши фуқаролар қўлига ўтиши билан элита маълум даражада заифлашади, бунга тескари пропорционал тарзда ўрта синф анча кучаяди. Элита, ўрта синф ва фуқаролар ўртасида ҳокимият ва бойлик шу зайлда қайта тақсимлана боргани сари демократия ҳам "чала-ярим"ликдан қутула боради. Хўш, институционал ёндашувга кўра, тўлиқ демократия қандай ўзи?

Австриялик машҳур сиёсатшунос Йозеф Шумпетер (1883–1950) "Демократия шундай бир институционал тузилмаки, унда сай-



ловлар эркин ва ҳалол бўлади, сиёсатдонлар электорат олдида ҳисоб бериб туради ва ҳар бир фуқаро сиёсатга эркин аралаша олади” деганда унинг баъзи бир муҳим белгиларини қайд этган, холос. Freedom House (Озодлик уйи) нодавлат-нотижорат ташкилоти индексда эса демократия белгилари тўлиқроқ ифода топган. Индексга кўра, сиёсий ҳақ-ҳуқуқлар жиҳатидан идеалга яқин жамиятлар тўлиқ демократлашган саналади. Сиёсий ҳақ-ҳуқуқлар эса тубандаги саволларда ўз аксини топади: 1) сайловлар қанчалик эркин ва ҳалол ўтяпти; 2) мамлакатни сайланган шахслар бошқармоқдами; 3) партиялар ва сиёсий гуруҳлараро рақобат мавжудми; 4) муҳолифатнинг таъсири нечоғли; 5) озчилик гуруҳлар ўз-ўзини мустақил бошқаришга қодирми, улар норасмий консенсус асосида ҳокимиятда иштирок этадими ва ҳоказо. Фуқаролар “чала-ярим” демократиядан тўлиқ демократияга ўтиш учун ушбу индексдаги сиёсий ҳақ-ҳуқуқларга институционал йўл билан интилиши лозим.

**А**жемоглу ва Робинсон фикрича, жамиятнинг эркинлиги ёки эрксизлиги унда қандай сиёсий институтлар жорий этилганига боғлиқ бўлгани каби, бой ёки қашшоқлиги ҳам унда қандай иқтисодий институтлар фаолият кўрсатишига боғлиқдир. Яъни қайси жамиятда демократик (сиёсий) ва инклюзив (иқтисодий) институтлар амал қилса, у бир вақтнинг ўзида ҳам эркин, ҳам бой, қайси жамиятда нодемократик (сиёсий) ва экстрактив (иқтисодий) институтлар амал қилса, у бир вақтнинг ўзида ҳам эрксиз, ҳам қашшоқ бўлади. Бунга сабаб шуки, жамият бой ёки қашшоқ бўлишини гарчи иқтисодий институтлар белгиласа-да, унда қандай иқтисодий институтлар жорий этилишини сиёсий институтлар ҳал этади.

Жамиятнинг бой ёки қашшоқлиги иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари воситасида аниқланади – қаердаки иқтисодий ўсиш бўлса, ўша ерда бойлик, қаердаки акси кузатилса, ўша ерда қашшоқлик ҳукмрон. Юқорида демократик – инклюзив институтлар жорий этилган жамиятлар ҳам эркин, ҳам бой, нодемократик – экстрактив институтлар жорий

этилган жамиятлар эса ҳам эрксиз, ҳам қашшоқдир, дедик. Бундан, мантиқан, демократик – инклюзив институтлар фаолият юритаётган жамиятлардагина иқтисодий ўсишга эришилади, нодемократик – экстрактив институтлар амалда бўлган жамиятларда эса иқтисодий ўсиш рўй бермайди, деган хулоса келиб чиқади, тўғрими? У ҳолда нодемократик – экстрактив институтлар жорий этилган айрим жамиятларда ҳам наинки аввал, ҳозир ҳам иқтисодий ўсишлар кузатилаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳа, бундай ҳоллар ўтмишда бўлган, ҳозирда ҳам бор, дея тан олади Ажемоглу ва Робинсон. Ўтмишда элита ресурсларни самарасиз бир соҳадан олиб самарали бошқа соҳага жалб этиш орқали шундай ўсишга эришган. Масалан, 1928-70 йилларда Совет Иттифоқи ресурсларни қишлоқ хўжалигидан олиб саноатга жалб этиш орқали жадал иқтисодий ўсишни таъминлаган. Ўшанда иқтисод соҳасида Нобель мукофоти совриндори, АҚШлик машҳур олим Пол Самуэльсон (1915–2009) Совет Иттифоқи XX асрнинг 80-йилларида ҳатто Қўшма Штатларни қувиб ўтажаги ҳақида башорат қилган эди. Бироқ Совет Иттифоқида ўтган асрнинг 70-йилларида турғунлик бошланди ва у 90-йилларда мамлакат парчаланишига сабаб бўлди. Бор ҳақиқат шуки, нодемократия – экстрактивликнинг иқтисодий ўсиш захиралари чекланган: у ўсишни маълум муддат таъминлаши мумкин, аммо ўсиш доимий бўлишига замин яратолмайди.

Хўп, бу изоҳга рози бўлайлик. Аммо бугун Хитой иқтисодиётида кузатилаётган ўсиш-чи? Унинг ўсиш захиралари чексиздек, ахир! Ажемоглу ва Робинсон фикрича, Хитойдаги иқтисодий ўсиш Совет Иттифоқидагидан фарқ қилади. Совет Иттифоқида ўшанда юксалиш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий институтлар нодемократик – экстрактив ҳолича қолган бир шароитда содир бўлган эди, Хитойда эса ҳозирда юксалиш сиёсий институтлар нодемократик ҳолича қолган, аммо иқтисодий институтлар инклюзив тус олган шароитда рўй бераётир. Ҳаммуаллифлар фикрича, ўзаро зид сиёсий ва иқтисодий институтлар бундай ёнма-ён яшаган



муҳитнинг иқтисодий ўсиш захиралари ҳам чекланган. Одатда, шундай “курама” шароитда ё сиёсий институтлар иқтисодий институтларни, ё аксинча иқтисодий институтлар сиёсий институтларни ўзига мослаб қайта куради. Демак, келажақда Хитойда сиёсий институтлар иқтисодий институтларни ўзига мослаштиради, ҳозирги ўсиш тўхтади ва турғунлик бошланади. Бунинг акси рўй бериб, иқтисодий институтлар сиёсий институтларни ўзига мослаштиради, бугунги ўсиш бардавомлик касб этади.

**А**жемоглу ва Робинсон фикрича, демократик сиёсий институтлар эркин сиёсий фаолият учун қулай шарт-шароит яратиб, ҳокимият сари кўпчиликка йўл очгани каби, инклюзив иқтисодий институтлар ҳам эркин иқтисодий фаолият учун қулай шарт-шароит яратиб, бойлик сари кўпчиликка йўл очади. Хўш, қулай шарт-шароит яратиш дегани нима ўзи? Бу, биринчидан, ҳар бир киши ўз қобилиятини юзага чиқариши учун тенг имконият вужудга келтириш демакдир: ҳеч кимга атай йўл очилиб, ҳеч кимга атай йўл ёпилмади. Тўғри, кейинчалик биров зўр муваффақиятга эришиб, иқтисодиёт лидерига, биров эса муваффақиятсизликка учраб, иқтисодиёт аутсайдерига айланиши мумкин. Лекин бунга объектив омил, яъни иқтисодий “ўйин” қоидалари эмас, аксинча, субъектив омил, яъни бизнесменнинг шахсий қусурлари сабаб бўлади.

Иккинчидан, инклюзив иқтисодий институтлар инновацион технологияларга кенг йўл очади. Хўш, бу қандай зарурат оқибати сифатида юзага келади? Маълумки, инклюзив иқтисодий институтлар хусусий мулкчиликка таянган бозор иқтисодиётини ёқлайди. Хусусий мулкдорда эса ўз бойлигини мумкин қадар кўпайтиришдек табиий истак ҳукмрон бўлади. Шу истагини қондириш учун у ўз рақобатчиларидан юқорироқ меҳнат унумдорлигига эришиши шарт. Аммо бунга инновацион технологияларсиз муваффақ бўлиш душвор.

Учинчидан, инклюзив иқтисодий институтлар таълим юксалиши учун ҳам қулай муҳит яратади. Чунки ишлаб чиқариш инно-

вацион технологиялар негизига кўчирилиши ишчилардан мураккаб дастгоҳларни бошқаришга яроқли билим ва малакани талаб этади. Бундай талабларга жавоб бера олувчи кадр эса корхонада юксак обрў қозониб, юқори маошга муносиб кўрилади. Табиийки, ишчи ўз билим ва малакасига яраша ҳақ олар экан, энди бу борада кўпроқ ўқиб-ўрганиш ва маҳоратини оширишга рағбат сеади. Ишчида тажассум топанган шу билим ва малакага иқтисодчилар “инсоний капитал” деган ном берган. Қайси мамлакатда бойликнинг асосий манбаи ер ёки жисмоний капитал эмас, инсоний капитал бўлса, ўша мамлакат бугун етакчидир.

Инклюзив иқтисодий институтлар шу йўл билан фуқароларни бойитади. Аммо бунга демократик сиёсий институтлар ёрдамисиз мутлақо эришиб бўлмайди. Чунки ҳар бир фуқаронинг хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи давлат томонидан кафолатли ҳимоя этилсагина у иқтисодий фаоллашади. Келинг, шу ўринда яна тадбиркорни мисол қилиб олайлик. Агар у катта заҳматлар эвазига орттирган бойлигини кимдир ўғирлаб кетиши ёки тортиб олишидан қўрқса, айни чоқда, давлат ўша бойлигини унга қайтариб олиб беришига ишонмаса, на тадбиркорликка қўл уради, на ишга сармоя киритади ва на инновацияни олиб келади. Агар давлат унинг даромадидан ҳаддан зиёд кўп солиқ олишидан гумон қилса ҳам, тадбиркорда бизнесдан қўнғил совиши юз беради. Хуллас, демократик сиёсий институтлар хусусий мулк эгасининг йўлидан шундай тўсиқларни олиб ташлаб, унга эркин иқтисодий фаолият учун қулай шароит яратади.

**А**жемоглу ва Робинсон назарияси моҳияти қуйидагича: жамият табақалашган илк кезларданок ҳокимият ва бойлик озчилик, яъни элита қўлида бўлган. Кўпчилик, яъни фуқаролар ҳокимият ва бойликдан бенасиб қолган. Бу эса ижтимоий адолатсизлик эди, албатта. Ўша ижтимоий адолатсизликка қандай барҳам бериш мумкин? Бунинг фақат бир йўли бор: элитани ён беришга мажбур қилмоқ лозим. Бунинг учун эса фуқароларда мустақкам жипслик бўлмоғи шарт, акс ҳол-



да уларнинг саъй-ҳаракати куч билан бос-тирилади – ҳокимият ва бойликка етишиш ортага сурилади.

Ажемоглу ва Робинсон таклиф этган назария, юқорида қайд этилганидек, ҳеч бир жамият, чунончи, ўзбек жамиятига ҳам эркин ва бой бўлишининг тап-тайёр “рецепт”и-ни тутқазмайди. Чунки улар фикран биргина омилга эътибор қаратгани ҳолда бошқа омиллардан кўз юмади: маданий, этнопсихологик ва ҳоказо... Аммо буни Ажемоглу ва Робинсон назариясининг заиф жиҳати деб баҳолаш ҳам нотўғри. Чунки барча омилларни қамраб оладиган илмий назария яратиш иложсиз.

Мазкур сиёсий-иқтисодий назария, бизнингча, икки фазилатига кўра эътирофга лойиқ: биринчидан, у содда ва мантиқли; иккинчидан, бугунги аҳволни таҳлил этиш ва эртанги истиқболни башорат қилишга имкон беради.

Хўш, Ажемоглу ва Робинсон назариясига таяниб, Марказий Осиё, чунончи, Ўзбекистон жамиятининг бугунги аҳволию эртанги истиқболи ҳақида қандай хулоса ва башоратни илгари суриш мумкин? Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бизда жамиятга элита, ўрта синф ва фуқаролардан иборат тузилма деб қараб, уларнинг ҳокимият ва бойлик учун курашини ёритиб берган тадқиқотлар йўқ (ёки бўлса ҳам бизга маълум эмас). Шу сабаб Ажемоглу ва Робинсон назарияси асосида ўзбек жамиятининг бугунги аҳволи ва эртанги истиқболига ёндашувимиз ўз кузатишларимизгагина таянади ва, табиийки, умумий ва юзаки бўлади.

Юқорида нодемократик – экстрактив жамиятдан демократик – инклюзив жамиятга ўтиш, одатда, миллатлар ҳаётининг туб бурилиш паллаларида юз беради, дедик. Бизнинг жамиятда шундай туб бурилиш палласи 1991 йилга – Совет Иттифоқи парчала-ниши ва янги Ўзбекистон давлати ташкил топишига тўғри келди.

Маълумки, салкам 75 йил ҳукм сурган Совет Иттифоқи даврида бизнинг заминимизда ҳокимиятга яқка эгалик қилган сиёсий тузилма Ўзбекистон Коммунистик партияси эди. 90-йиллар бошида коммунистик ғоя

буткул обрўсизлангач, унинг ўрнида Халқ демократик партияси тузилди. Бу даврда сиёсий плюрализм учун тарихий имконият туғилган эдики, шундай вазиятда ХДП ягона партия бўлиб қолиши мумкин эмас эди. Чиндан-да, тез орада фуқаролар ташаббуси билан унга рақобатчи янги партия ва ҳаракатлар майдонга чиқди. Улар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ғоят юксалтирди, оқибатда фуқаролар элита олдида ҳокимият ва бойликни қайта тақсимлаш талабини жиддий тарзда қўйди. Собиқ Иттифоқнинг партия-совет номенклатураси сафидан чиққан элита боши узра хавф кўланкаси пайдо бўлди. Гарчи элита де-юре ҳокимиятга эга бўлса-да, аммо де-факто ҳокимият фуқаролар кўлига ўтмоқда эди. Ўша кезларда элита бирмунча заифлиги сабаб фуқаролар тўлқинини бостиришга ожиз қолди ва уларга ноиллож ён берди: нодемократик сиёсий институтлар ўрнини демократик сиёсий институтлар эгаллай бошлади. Албатта, бу ҳали “чала-ярим” демократия эди.

Эски “ўйин” қодалари ўрнини янгила-ри эгаллаётгани боис энди сайловлар ҳам анча эркин ва ҳалол бўлиб қолди. Асосан халқ меҳр қўйиб сайлаган депутатлардан иборат қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Кенгаш расмона сиёсий плюрализм майдонига айланди. Унинг ғайрат-шижоати ту-файли 90-йиллар аввалида Парламент ва Президент ҳокимияти ўртасида мувозанат яратилгани катта муваффақият эди. Учинчи ҳокимият – суд тизими гарчи ҳали куч тўпламаган бўлса-да, тўртинчи ҳокимият – матбуот куч йиғиб улгурган эди. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият устидан фуқаролар назоратини ўрнатишда беназир воситага айланди. Шу даврда ҳар бир киши Парламент ва матбуот таъсирида сиёсатга эркин аралашуш имконини илк дафъа ҳис этди. (Тарихий тажриба йўқлиги боис айрим ножўя “қайнаб-жўшиш”ларга йўл қўйилгани ҳам рост.)

Туб бурилиш палласида фуқаролар на-фақат ҳокимият, балки бойликдан ҳам ўз улушини ола бошлади. Биринчи Президент Ислоҳ Каримов бу борада сиёсий донолик намунасини кўрсатди: мамлакат бўйлаб аҳо-



лига ер участкалари ажратилди, ишчи-хизматчилар корхоналар акцияларига эга бўлди. Шу чора-тадбирлар эвазига элита ва фуқаролар ўртасида нотенглик бирмунча қисқарди, кучли зиддият юмшади, ижтимоий мувозанат тикланди.

“Чала-ярим” демократияда нодемократик унсурлар ҳам мавжуд бўлади. Шу боис уни ўзаро зид икки хил қисмат кутиши мумкин: ё фуқаролар янада жипслашиб, саъй-ҳаракатларни кучайтиради-да, нодемократик унсурларни бирма-бир йўқотиб, тўлиқ демократияни қарор топтиради, ё элита қайта куч тўплаб, мавқеини тиклаб олади-да, демократик интилишларга барҳам бериб, нодемократияни қайта тиклайди.

90-йилларда Марказий Осиё давлатларида ҳокимият ва бойлик қайта тақсимланиши билан фуқароларнинг фаоллиги сусайди. Элита, тўғрироғи, унинг радикал, сўл қаноти фуқаролар фаоллигининг сусайишидан фойдаланиб, жамиятни демократиядан яна нодемократияга қайтаришга интила бошлади. Аввалига ҳукмрон партиядан бошқа сиёсий бирлашмалар мамлакатлар ҳудудида фаолиятини тўтатди. Сўнг элита ўз ташаббуси билан улар ўрнига бир неча янги партия ва ҳаракатни тузди ҳамда ушбу сиёсий ташкилотларни ўз манфаатига мувофиқ назорат қила бошлади. Илк кезларда Президент билан мақбул мувозанат яратган Парламент тобора кучсизланди. Суд ҳокимияти яна сустлигича қолди, матбуот эса шижоатини йўқотди (бунга унинг саҳифаларида танқидга жой қолмагани далилдир).

Қаерда сиёсатга кириш-чиқиш эшиклари очик бўлса – ҳар бир фуқаро сиёсатга эркин аралаша олса, ўша ерда янги сиёсий кучлар янги ғоялар билан майдонга чиқади. Янги кучлар босими остида эски сиёсатчилар (тўғрироғи, уларнинг рақобатга дош беролмаган қисми) майдондан четлашади. Албатта, янги сиёсатчилар ҳам, ўз галида, янада янги кучларга жой бўшатиб беради. Шу асно, Йозеф Шумпетер таърифлаган “бунёдкор вайронкорлик” ҳодисаси юзага келади. У шунинг учун ҳам вайронкорлики, юксалишга бўғов солаётган бенаф эски ўйинчиларни майдондан четлатади, шунинг учун ҳам

бунёдкорлики, шижоаткор янги ўйинчилар билан жамиятни илгари силжитади.

Марказий Осиё давлатларида элита сиёсий институтлар ортидан иқтисодий институтларда ҳам экстрактив унсурларни кўпайтирди. Энг аввало, иқтисодий фаолият учун барчага тенг имконият тақдим этилмади. Кимларгадир кенг йўл очиб берилгани ҳолда кимларгадир сунъий тўсиқлар қўйилди. Шу тариқа “имтиёзли тадбиркор”лар сердаромад соҳаларни монополияга айлантира бошлади. Оқибат шу бўлдики, иқтисодий жабҳада соғлом рақобат чуқур илдиз отмади.

Назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашishi авж олди. Аслида, уларнинг вазифаси, аввало, ҳақиқий тадбиркорларни тарбиялаш эди. Бироқ назоратчилар тарбиялаш ўрнига жазолашга зўр берди. Шундай яроқсиз иш услуби боис қанчадан-қанча тадбиркор касодга учради. Назоратчиларнинг фирмалар ишидан бўлар-бўлмасга айб қидириши ортида кўпинча пора тамаси ётар эди. Ахир, коррупцияга қарши курашга доир махсус қонун қабул қилиниши бундай иллат кенг томир ёйгани сабабидан эмасми?!

Иқтисодиётга кириш-чиқиш эшиклари очик эмаслиги бу соҳада ҳам Йозеф Шумпетер таърифлаган “бунёдкор вайронкорлик” устидан қизил чизик тортди. Ҳолбуки, шундай шароитдаги иқтисодий ўсишнинг умри қисқа бўлади: ахир, бунда яратувчиликка фақат озчиликнинг ресурслари жалб этилади-да! “Бунёдкор вайронкорлик” эса иқтисодий ўсишни бардавом қилади, негаки, у яратувчиликка кўпчиликнинг ресурсларини сафарбар этади. Юз минглаб, ҳатто миллионлаб фуқароларнинг ғоя, сармоя, ноу-хау ва ғайрат-шижоатидан яралган денгиз қуриб қолармиди, ахир?!

2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан сўнг юртимизда сиёсий ва иқтисодий институтлар демократия ҳамда инклюзивлик сари қайта юз тутиши учун тарихий имконият пайдо бўлди. Давлат тепасига келган янги раҳбар илк кезларданоқ чинакам фуқаропарвар эканини наинки сўзда, балки амалда кўрсатмоқда. 2017 йил – “Халқ би-



лан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинишининг ўзиёқ шунинг яққол тасдиғи эмасми?!

Ҳар қандай жамиятда ҳам озчилик, яъни элита азалдан эркин ва бой яшаган. Аммо бутун жамият эркин ва бой саналмоғи учун шугина кифоя эмас. Қаердаки шу озчилик, яъни элита билан бирга кўпчилик, яъни фуқаролар ҳам эркин ва бой яшаса, ўша жамиятгина эркин ва бой саналмоққа лойиқдир. Эркинлик ва бойлик эшигини эса фуқароларга ўзга биров эмас, фақат ўзлари очади. Бугун Президентимиз бу борада фуқароларга том маънода суянч бўлиб турибди. Демак, фуқаролар сиёсий фаолликни ошириш эвазига эркинликни, иқтисодий фаолликни ошириш эвазига эса фаровонликни кўпроқ қўлга киритиш учун бел боғламоғи керак. Улар йўлига жами эркинлик ҳам, бойлик ҳам фақат ўзиники бўлишини хоҳловчи элита (тўғрироғи, унинг радикал, сўл қаноти) тўсиқ қўйишга интилиши табиий. Шуни ёдда тутмоқ жоизки, фуқаролар тарқоқ ва кучсиз бўлса, тўсиқни енгиб ўта олмайдди, жипс ва кучли бўлса, енгиб ўтади – тўқис эркинликка ҳам, фаровонликка ҳам эришади.

“Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак” (*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2017 йил 13 июль*).

Назаримизда, бугун фуқаролар Президент далдасидан куч олиб, жамоат ташкилотларини қайта жонлантirmoғи лозим. Токи мазкур ташкилотлар фуқароларнинг ҳокимият ва бойликка эришиш йўлидаги бутун саъй-ҳаракатини назорат қилсин, тартибга солсин. Шу нарса таскин берадики, ҳозирги даврнинг XX аср 90-йилларидан афзал бир

жиҳати бор: бугун биз кучли, марказлашган давлатга эгамиз. Айни омил фуқароларнинг ҳокимият ва бойлик йўлидаги барча саъй-ҳаракатлари тинч-осойишта йўл билан кечишига кафолат бўла олади.

Ҳокимият ва бойлик эшиклари, аввало, ўрта қатлам учун кенг очилмоғи даркор. Чунки ушбу қатлам фуқаролар билан иттифоқ тузиш орқали ўз сиёсий-иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб олгач, оралиқ бўғин сифатида ҳам фуқаролар, ҳам элита учун қалқон вазифасини ўтайди. Бир тарафдан, фуқаролар ҳаддан зиёд кўп талаблар қўйиб юбормаслигини кафолатлаб элитанинг жонига ора кирса, бошқа томондан, оқилона меъёрдаги талаблар элита томонидан бажарилишини кафолатлаб фуқароларнинг жонига ора киради. Ўрта синф элита ва фуқароларни ўзаро мурося мадорага келтириб, бу икки қатлам (шу сирада ўзи ҳам) ҳокимият ва бойликдан муайян насиба олишини таъминлайди.

Ажемоглу ва Робинсон фикрича, демократик институтларнинг мустаҳкамланишида эркин матбуот беназир кўмақдошдир. Сабаби – эркин матбуот демократияга қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатни, у ҳатто пинҳона содир этилса ҳам, дарров пайқайди, бу ҳақда жар солиб, жамиятни оёққа турғизади. Тўғри, бугунги ўзбек матбуотига цензура тазйиқ ўтказаетгани йўқ. Аммо у бундан-да кучлироқ бошқа – ўрисчада “самоцензура” деб аталадиган тазйиқ остида яшаётгани рост. Агар миллий матбуот ана шу тўсиқни мардонавор енгиб ўтса, Ўзбекистон эркин ва бой жамиятга айланишида чинакам елкадош бўлади.

Ажемоглу ва Робинсон назариясини юртимизнинг бугуни ва истиқболига татбиқ этишни, гарчи ҳали барвақт бўлса-да, шу ерда тўхтата қолайлик. Зеро, бунга икки муҳим сабаб бор: биринчидан, айни мавзу бир мақола доирасига сиғмайди; иккинчидан, унга бир кишининг тафаккури ожизлик қилади. Хуллас, шундай даъват билан мақолага нуқта қўйсак: келинг, биргалашиб фикрлайлик ва ҳаракат қилайлик! Ахир, жамиятимизни эркин ва бой қилиш – фақат ўз қўлимизда!..



### Андалиб ғазалига тахмис

Эй офатижон, икки гизолинг не бало хўб,  
Мафтунни назар, ҳусни камолинг не бало хўб,  
Ўт ичра ёқур, нозу малолинг не бало хўб,  
Эй рашки пари, меҳри жамолинг не бало хўб,  
В-эй нилуфаридек қўша холинг не бало хўб.

Хажрингда куйиб, ўртанадир жисм ила бу жон,  
Гўё қиладур ўт ичида ўт била жавлон.  
Жайҳун била Сайҳун таралиб ҳар кеча, ҳар ён,  
Фикрингда бўлиб кўзларима жилва намоён,  
Ҳар соату ҳар лаҳза хаёлинг не бало хўб.

Ишқинг била битди бу кўнгила насру баётин,  
Ўз қонима тўлғизди бу ишқ дилни давотин,  
На шаҳду шакар дер, ва на дер қанду наводин,  
Лаълинг гамидин ташилади Хизр оби ҳаётин,  
Кавсар сувидек софу зилолинг не бало хўб.

Эй ёр, бутун умрим менинг бир куну тундек,  
Осмон тегирмони мени айлади ундек.  
Хажрингда ҳаётим бори ел бирла қуюндек,  
Эй хур, юзингинг бири ой, бириси кундек,  
Бу ою қуёш узра ҳилолинг не бало хўб.

Манга санинг ишқингни фалак айлади рўзий,  
Шунданми юрак-бағрим аро шому гурубий.  
Навраста ниҳолдирсану жаннатдаги тўбий,  
Бошдин аёқингдур очилон гулшани хўбий,  
Сар то қадами тоза ниҳолинг не бало хўб.

Васлинг умиди бирла умр нолаю ҳижрон,  
Бир жилва била бор этурсан мани, жонон.  
Жаллод ўзинг, қоши – камон, ўқлари – мижгон,  
Ўлтурса кўзинг, икки лабинг лек берўр жон,  
Жон бахилигинг хўбу қитолинг не бало хўб.

Эй Комил Аваз, умр санга хуштараб эрмас —  
Айшу тарабинга бу малак то сабаб эрмас.  
Васлидин анинг ўзгаси санга талаб эрмас,  
Боқсам юзинга Андалибосо ажаб эрмас,  
Фурқатзада бўлгонга висолинг не бало хўб.



### Муқимий ғазалига тахмис

Эй дилоромим, дил оролигингдин догмен,  
Хусн мулкин шоҳисен, доролигингдин догмен,  
Ишқ аро пайдою нопайдолигингдин догмен,  
Оҳким бегонага ошнолигингдин догмен,  
Ошнога яъни бепарволигингдин догмен.

Чарх менинг бахтим хатини қора ёзмишдир тамом,  
Балки ошиқ бўлмаганда топгай эрдим эҳтиром.  
Сен дилорою дилором ҳам гулондом хушхиром,  
Ошиққа айлаб итобу нозу истиғно мудом,  
Сўрмаган бир йўл кўнгул хоролигингдин догмен.

Хат қародир гарчи, улдир инжа гуфтугўй лутф.  
Ғийбату фисқу фужурдин бўлгай қачон хушбўй лутф?!  
Ошиқу маъшуқ лафзида бўлур хушрўй лутф.  
Зулм ҳарфидан бўлакни битмаган азрўи лутф,  
Хат чиқориб яхши, хуш имлолигингдин догмен.

Васлинг уммидида тортгум дарду ҳасрат субҳу шом,  
Умрим ўтди, ваҳ бу не янглиг шиддат – субҳу шом,  
Мен фақр буржидаман, бир умру муддат субҳу шом,  
Мардуми пулдор бирлан унсу улфат субҳу шом,  
Фақр аҳлидин ҳазар, донолигингдин догмен.

Икки кунлик ушбу дунё сайрида бадгиналиг,  
Кимсалар бордур вафою расмида бадгиналиг —  
Бир умр ўтгай бақою баҳсида бадгиналиг,  
Хубрўлар кўбдур аммо важҳида бадгиналиг,  
Мисли кам Фарғонада танҳолигингдин догмен.

Менга ҳам еткаймикан бир кун висоли оразинг,  
Кўкдаги ой ҳам бу кеч мисли саволи оразинг,  
Ой ботар, аммоки йўқдир ҳеч заволи оразинг,  
Ўртанурмен тушса ёдимга хаёли оразинг,  
Хусн богида кўруб раънолигингдин догмен.

Ишқ эрур Комил Авазнинг бир умрлик дарсиким,  
Жумла ошиқларни бул бўйнимда қолган қарзиким,  
Ҳеч туганмас дил элининг ишқ йўлида баҳсиким,  
Нолау оҳингни гулрухлар эшитмас гарчи ким,  
Эй Муқимий, булбули гўёлигингдин догмен.



ИВО МИХЕЛЬС



# SOQCHI

## Ҳикоя


Йўлларга ётқизилган тош-харсанглар буткул қўпориб олиниб, улардан шарқдан ғарбгача, шимолдан жанубгача ҳамма кўчаларга салкам уй баробар баррикадалар тиклангач, очликдан силласи қуриган одамлар деворларга суяниб худди арвоҳдек бешарпа судраладиган аҳволга тушгач, Орудининг рисоладаги шаҳарлик сиёғи қолмади ҳисоб, бироқ уни ўлик шаҳар дейиш ҳам маҳол эди. У кундан-кун муқаррар хавфу хатар остида қолаётган қамалдаги қалъа эди. Ҳамон кўрғонда аскарлар сақлаб турилгани Орудини ҳали ҳимоя қилса бўлади, деб ўйлашга умид берарди. Ахир аскарлар аҳолиси буткул қирилиб битган кимсасиз шаҳарни эмас, тирик одамларни, уларнинг ҳаётини ҳимоя қилиши кундек равшан-ку. Шундай экан, Орудини ўлик шаҳар деб аташга ҳали эрта эди.

Душман қўшини, бир неча ҳафтадирки, шаҳарни қамалда ушлаб турарди. Қалъа девори устидаги соқчилар, черков қўнғироқхонасию шаҳар минорасидаги дарбонлар кеча-кундуз ёв қароргоҳида ёқилаётган гулханларни бемалол кузатар, кечалари бу манзара ҳатто мароқли туюларди: гулханлар худди зулмат қаъридаги ёнарқуртларга ўхшарди. Кундузлари эпкин гоҳо-гоҳо шаҳар кунжакларига душман аскарининг хиргойисини олиб келарди. Аммо ҳозирча Оруди атрофида жанг бо-раётгани йўқ. Гап шундаки, босқинчилар шаҳарни қўлга киритишнинг энг ўнғай, энг беталафот йўлини танлаган: қалъадагилар очликдан обдон ҳолдан тойгач, ўз-ўзидан таслим бўлади-қўяди. Қамалдагилар-



нинг ҳам уларга қўқис зарба берадиган аҳволи қолмади – казармада аскарлар сийраклашиб, омборда қурол-яроғ, порохдонда эса порохнинг таги кўриниб қолган эди. Душманнинг қўшиқ айтаётган аскар уриллаб ёнаётган гулханлари ҳалқасини ёриб ўтиш учун кичик бўлса-да бир рахна топмоққа жўнатилган гуруҳлар ҳар гал тор-мор этилар, ҳатто энг моҳир жангчилар ҳам тирик қайтмас эди. Аммо шаҳар коменданти ва бош қўмондони оддан тушса ҳам эгардан тушмай, зарра шубҳа-гумонга йўл бермас, аскарлардан бирортаси душман тарафга қочиб ўтмаслиги ёки тирик асир тушмаслиги учун жонини жабборга берар эди. Бундай шармандагарчиликни хаёлга келтиришнинг ўзи унга шайтоний васваса бўлиб туюларди. У ҳамон бирор мўъжиза юз бериб, қуршовни ёриб ўтишларига, Блюхердек янги бир *[Генерал-фельдмаршал Г.Блюхер қўмондонлигидаги прусс армиясининг уруш охирларида Ватерлоо остонасида пайдо бўлиши аксилнаполеон коалицияси фойдасига урушни бошқа ўзанга солиб юборган эди.]* халоскор келишига ёки Яратган душман сафига ўлат юборишига умид қилар, умид қилибгина қолмай, бунга қатъий ишонар эди. Лекин ҳали-ҳозирча мўъжизадан дарак йўқ экан, ҳамма ҳушёр ва сергак тортмоғи керак, қочоқлик ва ноумидлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, доим қулоқларни динг тутмоқ, тартибга риоя қилмоқ ва ғалабага қатъиян ишонмоқ шарт, тамом! Кимки мўъжиза юз беришига шубҳа қилаётгани ҳақида беҳос гапириб қўйса, ўша заҳоти ўзини Ҳарбий кенгаш қошида кўради. Ҳа, Оруди шахрининг коменданти ва бош қўмондони ана шундай қаттиққўл муҳофиз эди. Шаҳар аҳолисининг исён кўтаришга сал уриниши ҳам – бунақа фикр фақат аҳмоқ одамнинг калласига келиши мумкин – шафқатсиз бостирилиши муқаррар эди.

Бу ёғини сўрасангиз, шаҳарликлар нимадан ҳам норсзи бўлсин? Озиқ-овқат аҳолига ўз вақтида тенг тақсимланса: на бургомистр, на магистратнинг бурунги аъзоларига қора халқдан бир мисқол ортиқ нарса тегмаса... Комендант ҳарбий ҳолат туфайли Оруди тарихида илк маротаба чинакам тенгхуққиликка эришилганини ғурур билан таъкидларди. Халқ очлигу муҳтожликни қондошларча аҳиллик ила бошдан кечирмоқда эди. Шаҳарда норози бўлиб ғалаён кўтаришга шай турган одамлар бор-йўқлигини билиш мақсадида душман тарафдан, дейлик, журналист ёки руҳоний қиёфасида бирорта айғоқчи кириб олса ҳам, бу каби гап-сўзлар йўқ эканидан ҳафсаласи пир бўлиши тайин эди. Ҳарқалай, ҳозирча бирор инсон бошқасига ҳол-аҳволидан арзи дод қилмаган, бундай ғишавани ҳеч зоғ эшитмаган, бинобарин, шаҳар аҳли қамалдан айтарли хафа эмас.







Шаҳарда ҳаёт сўнгги ҳафта ичи унча-мунча ўзгаргани рост: кун бот-гач кўчалар буткул зимистонга айланади ва мадҳиядан бошқа ҳеч қандай қўшиқ қулоққа чалинмайди. Уни ҳам қора халқ куйламайди, чунки сўзлари ўзгариб кетган. Хонадонларда аксаран бир маҳал таом ейилди, туғилиш кўрсаткичини, гарчи насронийлик эътиқоди теран илдиз отган бўлса-да, ўлим ортида қолдирганига анча бўлди – шунга қарамай, баайни уруш бўлмаётгандек, ўзининг табиий ҳуқуқини талаб қилаётган бир туйғу мавжуд эди. Бу – муҳаббат. У ҳарбий тартибга зидма-зид ҳукмронлик юритар ва тобора авжланар эди.

Шаҳарнинг ғарбий кунжидаги тор, пастқам кўчалардан бирида, пастак эшикли тобташлаган кулбада Аделина деган қиз яшар эди. У ёш ва соҳибжамол эди. Унинг кўксида ураётган муштдек юраги эзгулик ва олийжанобликка лиммо-лим эди. Аммо кекса онаси ҳарбий режимда яшашдан кўра ўлимни афзал кўриб у дунёлик бўлиб кетганидан бери Аделина урушдан ҳам кўпроқ ёлғизликдан қўрқадиган бўлиб қолди. Қизнинг ёлғизликдан қўрқисининг яна бир сабаби – унинг навниҳоллиги ва кўзга яқинлиги эди. Қайси куни тун пардаси қуюқлашган маҳал А. исмли аскар бола шу пастқам кўчада пайдо бўлиб, тўппа-тўғри Аделинанинг ошхонасига кириб келди. Қиз унга лабидан биргина бўса ҳадя этди ва хушбўй чой билан меҳмон қилди. Қамал шароитида тежамкор қизгинанинг чой ғамлаб қўйганини қаранг! Танасига иссиқ югуриб, юраги ҳам ширин орзудан энтиккан А. қиз билан хайрлашиб навбатчиликка қайтган замон суяк-суягига совуқ ўтиб кетган Б. исмли аскар ҳам исингани жой ахтариб қизнинг кулбасига келиб қолди. Аделина Б.га ҳам лабидан биргина бўса ҳадя этди ва уни ҳам хушбўй чой билан сийлади.

Бахтга қарши, бир кун, тўғрироғи, бир кеча қўққис навбатчилик жадвали ўзгариб, аскарлар А. билан Б. соқчиликдан бир вақтда чиқишса бўладими. Биринчиси шимол тарафдан, иккинчиси жануб томондан қизнинг уйига йўл олди. А. Аделинанинг шинамгина ошхонасига кириб

*Одам Ато ва Момо Ҳавво қалбига муҳаббат индию Қобил билан Ҳобил дунёга келди. Аммо қурбонлик баҳона бўлди-да, Қобил нафрат ўтида ёниб, Ҳобилнинг кўксига тиг санчди – илк бор одам қони тўкилди. Шу-шу, ўзаро зид икки туйғу – муҳаббат ва нафрат бани башарга мангу йўлдош. Муҳаббат одамзодга янги наслларни туҳфа этиб тинмаса, нафрат уларнинг жонига қасд қилиб чарчамайди. Ажабо, коинотнинг гултожи саналмиш инсон нега нафратдан воз кеча қолмайди? Нега у қалбига яккаш муҳаббатни жойлаб, то қиёматгача бахту саодатда умр кечирмайди?..*

*Бельгиялик адиб Иво Михельснинг (1923–2012) “Соқчи” ҳикояси ана шундай изтиробли ўйлар забтида қогозга тушган, назаримизда. Диққат-*



жойлашиб ўтирмасданоқ, Б. ҳам остонада кўринди. Ўзида йўқ хурсанд қиз иккаласига ҳам хушбўй чойидан қуйиб берди. Аммо қизиб турган ҳолланд печининг чап тарафида ўтирган А. ҳам, печнинг ўнг томонидаги курсига ўрнашган Б. ҳам чой қуйилган чинни финжонга қўл тек-кизмади. Бир-бирига еб қўйгудек ўқрайган йигитларнинг кўзида нафрат ўти чақнар эди.

Шунда аскар Б. даст ўрнидан туриб Аделинанинг қошига келди. Кенг тунги куйлак кийиб олган қизгина гўдак мисол маъсум кўринарди.

– Аделина, бизнинг қай биримизни танлайсан? – деди Б.

Аскар А. ҳам сапчиб туриб қуролдошининг ёнига келди ва:

– Ҳа, ҳозироқ танла! – деди.

Аделина уларнинг болаларча қилиғидан қулиб бошини сарак-сарак қилди-да, майин жингалак сочларини ўйнаганча, бундай илтифотдан ғурурланиб:

– Вой соддадил йигитлар-ей, иккинги ҳам жасур аскарсиз-у, ҳали жуда гўлсиз-да, – деди.

Кейин у бирдан жиддий тортди ва қарийб тантанавор оҳангда сёкин:

– Бу ишни урушдан кейинга қолдирамиз, кимни танлаганимни ўшанда айтаман. Ҳозир мавриди эмас. Ана ўшанда қайсингизни танлаган бўлсам, у билан никоҳ ўқитамиз, – деди.

Ўша соатдан бошлаб икки аскар ашаддий душманга айланди-қўйди. Казармада юзма-юз келиб қолса, бир-бирига хўмрайиб ўтиб кетади; битта сочидан фойдаланишмайди, аксига олиб, катлари ҳам ёнма-ён, кечаси бир-бирига зарда қилиб терс ўгирилиб ётишади. Кун сайин уларнинг юзи тундлашгандан тундлашиб, тиришган манглайлари ташвишларини фош қилиб қўяр эди. Ким билсин, ўша чоқ ана шу тириш пешоналар ортида рақибни қандай маҳв қилиш режаси пишиб-етилётганмиди. Аммо қотиллик содир этилмади: эҳтимол, Орудининг буюк шоири бир замонлар ёзиб қолдирган “Орзуга эришиш йўлида тўсиқ бўладиган куч фақат қонун эмас, одатдаги маиший қийинчиликлар

га сазовор жойи шундаки, асарда муҳаббат ва нафрат ўртасидаги кураш некбин яқун топишига ишонч устувор. Бу гоёни адиб уруш кетаётган бир вақтда А. ва Б. деб номланган икки йигитнинг (нега муаллиф уларга тўлиқ ном бермаганини аниқлаш ўзингизга ҳавола) Аделина исмли кўҳлик-кина қизга кўнгли қўйиши воқеаси орқали тасвирлайди. Қизнинг ҳар икки йигитга ҳам муомаласи бир хил – илиқ. Шу боис униси ҳам, буниси ҳам қиз айнан мени севади, деб ҳаёл қилади. Бироқ, тайин гапки, иккисидан бири ортиқча – қиз бирини танлаб, бошқасидан воз кечмоғи шарт. Қиз эса иккиланиб, танловни ортга суради – “уруш тугасин, ўшанда айтаман қай бирингизга маҳбуба бўлишимни!..” Таассуфки, уруш поёнига етмаёқ



ҳамдир”, деган ҳикматли мисралар икковининг ҳам ёдига тушгандир. Лекин, шуниси аниқки, улардан бири ортиқча, демак, даф бўлиши керак. Билъакс, уларнинг бу сусткашлигини Аделинага етишмоқ (шунинг баробарида толе юлдузини қўлга киритмоқ) учун қулай фурсат келишини пинҳона кутяптилар, деб изоҳлаш мумкин эди, холос.

Бу орада қамалдаги шахар аҳволи заррача ўнганмади. Боз устига, бир кун эрталаб бош қўмондон ва комендантга шарқий отряддаги қоровул аскарлардан бири изсиз ғойиб бўлгани, уни сотқинликда гумон қилишга асос борлиги хабар қилинганида, у ҳушидан кетиб қолаёзди. Бироқ ҳали албатта ғалаба қозонажаги ва номи тарих солномаларига ёзилажаги ҳақидаги ширин орзу уни оёқда тутиб қолди. Қўмондон ҳамон мўъжиза юз беришига астойдил ишонар, ўша кун келгунга қадар оломоннинг жиловини маҳкам тутиб туриш даркор деб ҳисоблар эди. У муғомбирона илжайган қўйи фронт чизигидагина эмас, фронт ортида ҳам қоровуллар қўйишга буйруқ берди. Энди соқчиларнинг ташқи ҳалқаси ичида яна бир ҳалқа ташкил этилди. Ички ҳалқадаги қоровул ташқи ҳалқадагисидан кўз узмаслиги, агарда униси салгина шубҳали ҳаракат қилса, дарҳол ўт очиши лозим эди. Бу кейинчалик дунёдаги барча ҳарбий мактаблар фойдаланиши кўзда тутилган ғоят нодир тактика эди.

Хулласи калом, аскар А. мудофаа деворида посбонлик қилмоқда, ундан ўн қадам орқада эса, янги тартиб бўйича, аскар Б. қоровулда турибди. Аскар А. водийдаги лашкаргоҳ гулханидан кўз узмайди-ю, калласида нуқул: “Аделина мени яхши кўради, Б. эса Аделинани севади. Агар салгина шубҳали ҳаракат қилсам, у мени отиб ташлайди, хоин деган тамға билан ўламан, Б. эса қизга уйланиб олади” деган ўй айланади. Тунги сокинликда ҳаёллар ғужғон ўйнайди, бирига иккинчиси уланади. Қани энди ҳаёлларни жиловлашга аскар А.нинг кучи етса. “Аммо-лекин, – А.нинг бутун танасидан совуқ тер чиқиб кетди, – мен қимирламасам ҳам отиб ташласа-чи, ким билиб ўтирибди, ахир. Мен хоиндек ўламан, у эса қаҳрамон бўлади-да, Аделинага уйланади. У мени истаган заҳоти

*А. ҳам, Б. ҳам ҳалок бўлади. Йўқ, улар душман қўшини билан жангда, ёв ўқидан ўлим топмайди...*

*Урушнинг “ҳиммати”ни қарангки, бу икки аскарга ҳам рақибдан халос бўлиш учун фавқуллодда имкон беради. Милтиқ тепкисини боссанг бас, рақибингни ер тишлатиб, Аделинани қўлга киритасан. Боз устига, рақибинг хоин саналиб, лаънатга дучор бўлади, сен эса қаҳрамон аталиб, олқишларга кўмиласан! Аммо... ҳар икки ошиқ урушнинг бу “ҳиммати”ни рад этади – номардликка бормади. Қалбларни забт этган муҳаббат мардликни талаб қиларди, ахир! Таассуфки, бу номард дунёда мардлик учун товон тўлаш шарт: боёқишлар наинки ҳалок бўлади, хоинга ҳам чиқарилади. Ваҳоланки, улар*



ўлдириши мумкин". А.нинг юзидан ингичка чизиқ бўйлаб тер оқиб туша бошлади. Б.да тагин шубҳа уйғонмасин деб қўрққанидан терни артишга ҳам журъат этмади. У туни билан душман лашкаргоҳида ўчиб бораётган гулханларга кўз қадаган кўйи қиличдек тик ҳолда қилт этмай турди. Бугун ҳаётимдаги сўнгги кеча бўлса-чи, деган ўйдан эти жунжикиб, аъзои баданига титроқ кирди. Ахир, Аделинага уйланиш учун Б. уни истаган дақиқада отиб ташлаши мумкин-да. Лекин навбатчилик тугаб, қоровул алмашганда А. ўзининг тирик қолганидан ҳайратга тушди. У – тирик! Б. отмади. А. қаттиқ ҳаяжонда эди.

Эртаси куни комендант аввалгисидан ҳам муғомбирроқ бошқа бир буйруқ чиқарди: қоровуллар бир-бири билан ўрин алмашсин! Шундан эътиборан ҳар кеча ўрин алмашиш йўлга қўйилди: ташқи ҳалқадаги қоровуллар ички ҳалқага ўтар, ички ҳалқадагилар эса ташқи ҳалқани эгаллар эди.

Оруди муҳофизии қочоқу хоинларга қарши курашнинг ноёб усулини ихтиро қилганидан қирқ саккиз соат ўтиб, аскар Б. мудофаа деворида, унинг ортида эса аскар А. турар эди.

Мана шунақа, ўрнимиз ўзгарди, дея енгил нафас олди аскар А. аскар Б.нинг бесўнақай кўланкасига қараб туриб. Агар ҳозир унга ўқ узсам, хоин сифатида ўлади, мен эса Аделинанинг қаҳрамон куёви бўламан.

Аскар А. шуларни ўйлаётганда Б. ҳам қилт этмай хаёл сурарди: ҳозир у мени отади. Кеча уни ўлдирмай аҳмоқлик қилган эканман. Ўз муҳаббатимни ҳимоя қилиш учун тепкини боссам кифоя эди-я. Ана энди қуёнюраклигинг жабрини кўрасан – у сени ўлдиради-да Аделинага уйланади.

А. кўлидаги қуролни кучи борича сиқди. Биттагина ўқ отсам, муҳаббатим йўлидаги ғовдан халос бўламан.

Бошқа чидай олмайман, деди ўзига ўзи Б., уни қалтироқ тутди. Нега отмаяпти? Жонимдан тўйдирмоқчимми? Агар у қўрқаётган бўлса, мажбур қиламан. Иккаламиз ҳам қўрқоқ бўлишимиз – шармандалик!



*муҳаббатнинг нафрат устидан ғалабасини кўрсатиб жон таслим этган эди. Шу жиҳатдан, ҳар иккиси ҳам Аделинанинг муҳаббатига лойиқдир! Ҳикоя якунида қизнинг кўзларидан шашқатор ёш оқиши ана шунга ишора, аслида.*

*"Тафаккур"да асосан Бальзак, Толстой, Сартр, Маркес каби даҳо ижодкорларнинг ҳикоялари эълон қилинган. Михельс истеъдод кўлами жиҳатидан бу адиблар билан баҳслаша олмас, эҳтимол. Аммо унинг мазкур ҳикояси маънавий кучига кўра ўша сўз санъаткорларининг асарлари сафида туришга муносиб. Сираси, асарни чоп этишга қарор қилинганда айнан шу мезонга таянилди.*

**Таҳририят**



А. секин кўрсаткич бармоғини милтиқ тепкисига қўйди. Боссам бас, ундан қутуламан. Аммо қўли қалтирарди, яна ўтган кунгидек терга ботаётир, ўшанда Б. унинг орқасида буткул хавфдан холи турган эди.

Аскар Б. ҳам ғарқ-ғарқ терга ботиб кетди. Бас, етар энди! Бу нимаси – мени йўлдан олиб ташлашга шай турибди-ю, буни пайсалга солаётганини қаранг! Отмаяпти! Демак, азобламоқчи. Балки ўтган кун мен отолмагандек, унинг ҳам бунга юраги дов бермаётгандир. Аммо мен уни тепкини босишга ва Аделинага муносиб куёв бўлишга мажбур қиламан. Илло, иккимиздан биримиз унга муносиб бўлмоғимиз керак.

Шу вақт А. қараса, аскар Б.нинг беўхшов гавдаси ҳаракатга келиб, мудофаа деворига яқинлашаётир, ана унинг энг баланд дўнгига чиқиб олди. Эси жойидами бунинг, деб ўйлади А., жин урсин. Энди отмасам бўлмайди, отишга мажбур эканимни билатуриб...

Б. оптимдан А. келяптими ёки милтиғини отишга шайладими, дея қулоқ тутди. Йўқ, тиқ этган товуш эшитмади. Отмайди, деди нафратланиб Б., чунки у ҳам менга ўхшаган нотавон. Агар у мени ўлдиришга ожизлик қилса, ўзимни пастга ташлайману тошларга урилиб парча-парча бўламан. Бошқа чорам қолмади, кўрқоқлигимдан севгимни ҳимоя қила олмадим. Ҳозир мен ўзимни пастга ташласам, А. ҳибсга олинади. Ажаб бўлсин! Муҳаббатини ҳимоя қилишга жасорати етмадими, у жазога лойиқ! Аскар Б. пастга қаради – зим-зиё чуқурлик. Бошини кўтариб осмонга боқди – йилт этган юлдуз йўқ, қоп-қоронғи. Ҳатто душман гулханлари ҳам сўнган. У чуқур нафас олиб, сўнгги марта енгил ва намхуш ҳавога ўпкасини тўлдирди. Агар мен сакрамасам, деб ўйлади у, А. ҳам мени отиб ташламаса, эртага яна унинг орқасида тураман. Эртага яна А.нинг орқасида, милтиғини қўли қалтираб тутганча, ўқ узишга журъат этолмаслик фикридан даҳшатга тушди. Бордию ўшанда ҳам отолмаса, индинга яна олдинга қаторда турганча қачон ўқ келиб тегар экан, деб кутишга мажбур бўлади. Шундагина Б. ўзини девордан пастга ташлашдан ўзга чораси қолмаганини тушунди. Агар шундай қилмаса, ҳеч қачон кўрқоқлик гирдобидан чиқа олмайди: ҳам ўлдириш, ҳам ўлиш кўрқувидан баб-баравар қутулолмайди. Ҳаммасидан даҳшатлиси – нима бўлар экан деб кутиш. Учгача санайман, шунда ҳам отмаса, пастга сакрайман, деди у ўзига ўзи.

Б. шу қарорга келиб турганда, унга орқадан сездирмай яқинлашган А. ҳам: учгача санайман, кейин ўт очаман, балки у ростдан ҳам сотқиндир, деб ўйламоқда эди. Хоин бўлмаса, ҳимоя деворига бунчалик яқин келармиди? А. беихтиёр санай бошлади. Аммо саноқни у Б.дан бир сон кейин бошлаган эди. У икки деганда Б. дўнгликда энгашганча бир зум қотиб турдию сўнг кўздан ғойиб бўлди. А. бақирмоқчи эди, тили танглайига ёпишиб қолгандек овози чиқмади. Бир сакрашда у дўнгликка чикди. Кўз илғамас зимистон чуқурликдан Б.нинг гурсиллаб ерга урил-



гани эшитилди. Афтидан, деб ўйлади А. ночор аҳволда, у ҳақиқатан хоин бўлган, душман ишорасини кутиб турганда мувозанатини йўқотиб йиқилиб тушган. Қўшни постдаги соқчилар ҳам нимадир пастга гурсиллаб тушганини эшитиб, қуролларини отишга шайлаб А. томон югурди. Улар А.нинг дўнглик устида энгашиб пастга қараётганини кўрди. Қулоққа чалинган товуш ҳам ўқ овозига ўхшамас эди, бу уларни шубҳага солди.

Улар соқчилардан бири ғойиб бўлибди, у сотқин экан, А. ҳам хоин, чунки уни жойида отиб ташламаган, дея шивирлаша бошлади. А. ўзини қуролсизлантириб олиб кетишаётганини элас-элас пайқади. Мана энди тушуниб турибдики, у ҳеч қачон Б.ни отолмасди, бунга қўли бормасди. Қўққис миясига бир фикр келди: Б. ҳам уни ўтган кеча отмади, у ҳам бу ишни қилолмаган!

Эртасига эрталаб А. Ҳарбий кенгаш сўроқларига жавоб берар, шахсан комендантнинг ўзи, Оруди шахрининг муҳофиза бениҳоя дарғазаб ҳолда ҳакам курсисида ўтирар эди. Шу вақтга қадар уни ҳеч ким бунчалик шафқатсиз қиёфада кўрмаган. А. билакларини кишан сиқаётганини сезди. Унинг боши эгик, лойи қотиб қолган этигининг тумшуғидан кўз узмасди. Комендант баланд овозда, томоқ йиртгудек бақириб сўроқ бошлади:

– Айбланувчи, сиз аскар Б.нинг мудофаа деворига яқинлашганини кўрдингизми?

А. этигидан кўз ўзмай бош ирғади.

– Кўратуриб отмадингиз, шундайми?

А. йўқ дея бош силкиди.

– Нега? – деди комендант кўзларида совуқ ўт чақнаб. Аммо А. буни кўрмади. У на ҳа, на йўқ деб бош ирғади. Комендантнинг “нега” деган сўроғи жавобсиз қолди.

– Сукут сақлашингиз, – деди комендант, – очиқ-ойдин кўрсатиб турибди: сиз айбдорсиз! Хоинликда айбланасиз! Бу жиноят учун ўлимга ҳукм этиласиз!

Бирдан комендантнинг фиғони фалакка чиқиб кетди. Чамаси, А. нинг лой этигидан кўз узмай мунғайиб тургани уни жазавага солиб юборган эди.

– Менга қаранг, – деди у оғзидан кўпик сачратиб, аскар А. бошини кўтарди. – Сиз ўлим жазоси нима эканини биласизми ўзи? – Бир оз ҳовридан тушгач, аввал фарзандига бутун заҳрини сочиб олиб, кейин унинг ҳали ёр бола экани эсига тушиб қолган отадек мулоим тортиб гапида давом этди:

– Нима бўлганда ҳам айбингизга иқроор бўлинг, жиллақурса, аскарлик шаънингизни асраб қоласиз!

А. ҳайрон бўлди: яна нимани асраб қолиш мумкин? Пастда, чақир тошлар устида одам ўлиб ётганининг буларга писта пўчоғичалик аҳа-





мияти йўқ, ҳаммаси унинг мен отган ўқдан ўлмаганига ёпишиб олган. Агар уни мен отиб ўлдирганимда, деб ўйлади А., қаҳрамон бўлардим: мени ҳаммага ибрат қилиб кўрсатишарди. Осмонга қарата ўқ узсам ҳам кифоя эди-ку. Нега шу аввалроқ хаёлимга келмабди. Б.нинг ўлимида айбсиз эканим учун ҳам айбдор бўлиб турибман. Б.нинг ўлимида айбдор бўлмаганим учун ўлим жазосига маҳкумман.

– Агар аскар Б. соғ-омон қочиб кетганида ва шаҳар мудофаази ҳақида душманга маълумот етказганида, минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлардингиз, сиз шуни ўйладингизми ўзи? – деб сўради ҳакам.

Ўтган шу вақт ичида А. илк марта ўзини кулиб юборишдан аранг тийди. Аммо ҳозир у кўнглидан кечаётганларни айтишга қодир эмас эди: агар қамал шу тахлит давом этаверса, ўша минглаб одамлар очликдан қирилиб кетади. Бироқ кечаси қоровулда турган чоғи у минглаб одамлар тақдирини ҳам, комендант эслатган бошқа нарсаларни ҳам мутлақо хаёлига келтиргани йўқ. Бутун бир олам, бус-бутун уруш шу икковининг ўртасидаги можарога бориб тақалган эди-ку. Ўша чоқ Б. билан А.нинг манфаатини ўйлаб, минглаб одамлар манфаатини унутганим – эҳтимол айбимнинг бир улушидир, деб ўйлади у.

Уни қамоқхонага олиб борганларидан сўнг қулоғида анча вақт комендантнинг охириги сўзи жаранглаб турди: "...айбдор деб топилсин ва қатл қилинсин, ҳукм йигирма тўрт соат ичида ижро этилсин". Ҳозир у на нафрат, на қўрқув туяр, юраги сал ғаш, симиллаб турарди. Ҳадемай бу ғам-ғуссаларнинг баридан биратўла қутулади, ким ҳақ, ким ноҳақлигини ҳеч қачон аниқлаб бўлмайдиган бу оламни ташлайди-кетади, шуни ўйлаб кўнгли андак равшан тортди. У сомон тўлдирилган қанор устига чўзилди-да кўзларини юмди. Бир мизғиб олсам эди.

Кунботарда қамоқхонага руҳоний келди: А. тазарру қилди. У тавба қилибгина қолмай, бошидан ўтганларни руҳонийга тўкиб солди, унга ўзи ва аскар Б. ўртасидаги можарони сўзлаб берди. Иккаласи ҳам Аделинани севиб қолгани, шундай бўлса-да, бир-бирига ўқ узолмаганини айтди. Дардини дoston қилиб бўлгач:

– Ҳазрат, айтинг-чи, менинг нима айбим бор? – деди.

А.нинг ёнида, сомон қанор устида ўтириб сабр-тоқат билан унинг дардини тинглаган ҳазрат бир йўталиб олиб:

– Икки кеча соқчиликда туриб, бир-бирингизни ғаним санаб, наларни бошдан кечирганингизни тасаввур қиляпман. Яратганга шукрки, бир-бирингизга ўқ узмабсиз. Ўқ узганингизда эди... инсонлик сиёғидан чиқардингиз. – А. унинг сесканиб кетганини пайқади. – Сиз қўрқоқлик қилмагансиз, – деди руҳоний, – рақибдан қутулмоқ учун ортидан ўқ узиш аслида номарднинг иши. Бундай разиллик нокасининггина қўлидан келади. Руҳоний қўйлагининг узун енгги билан пешонасидаги реза-реза терни артди. – Шу боис ҳам биринчи кеча Б.нинг бундай ваҳшийликка





қўли бормаган, – дея гапини қийналиб давом эттирди у. – Ваҳшиёна иш қилишдан қўрққан у, агар иккинчи кеча сиз шундай ваҳшийликка қўл урмасангиз, учинчи кеча яна Б.га навбат келарди. Барибир иккин-гиздан бирингиз эртами-кеч хунхўрлик қилишга мажбур бўлишингиз-ни у билган – шу сабаб ўзини пастга ташлаган. Энди тушундингизми? Ваҳшийлик қаришисидаги қўрқуви – ахир, Б. ҳам хом сут эмган банд-да эди-да – рақибингизни пастга сакрашга мажбур қилган. Мен энди, – деди руҳоний жуда паст овозда, – ўз-ўзимни, хўш, нимадан: Б.нинг пастга сакраб чилпарчин бўлганиданми ёки иккингиздан бирингиз ўқ узиб хунхўрга айланганингизданми, қай биридан кўпроқ қуяр эдим, деб сўроққа тутяпман!

Руҳоний сукутга чўмгач, А. алам билан “Хўп, бунинг бари тўғри-дир, лекин ваҳшийлик қилсак ҳам биттамыз тирик қолганимиз афзал эмасмиди?” деди.

Аммо руҳоний энди қўлини қовуштириб, бошини эгиб олганди. У жавоб бермади. Ибодат қияпти, деб ўйлади А. ва ўзи ҳам беихтиёр қўлларини қовуштирди. Бир оз кутиб тургандан сўнг:

– Ҳазрат, саволимга жавоб бермадингиз, мен айбдорманми? – деб сўради яна.

Руҳоний бошини кўтарди. У А.нинг саволидан хижолат тортгандек кўринди. Кейин:

– Эҳтимол, сиз тергов қилиниб, жазога тортилаётган воқеада айбдор эмасдирсиз, бироқ инсон – осий банда. Унинг ҳамиша қандайдир гуноҳи бўлади. Бу жазони шу вақтгача билиб-билмай қилган бирор гуноҳингиз учун деб қабул қилинг, бўтам. Сизни Худо ёрлақасин, – деди.

Руҳоний А.нинг ёнида, сомон тикилган қанор устида ўтирган кўйи туни билан йигитнинг ҳақиқа дуо қилиб чиқди.

Тонг ёришганда соқчилар гуруҳи келди. А. қамоқхона йўлагидан бо-шини адл кўтариб борарди. Унинг ортидан эса бошини қуйи солганча руҳоний келарди. Ички ҳовлига чиқишганда халойиқ қатлни томоша қиладиган жойда А.нинг кўзи фақат битта қорага тушди. Менинг ўли-мим комендант билан руҳонийдан бошқа яна кимга қизиқ экан, дея ажабланди А. У ёлғиз ўзи турган одамга тикилиб қаради – Аделина экан. Қизнинг кўзёшлари юзини ювмоқда эди. А.нинг қулоғига руҳонийнинг овози эшитилди: “Гуноҳларимизни кечгайсан, Парвардигор!..”

Йигитнинг кўзини боғламоқчи бўлишган эди, бош чайқаб қаршилиқ қилди. У Аделинанинг кўзёшларига боқиб туриб жон беришни афзал кўрди.

**Рус тилидан Дамин ЖУМАҚУЛ  
таржимаси**



Султонмурод ОЛИМ

## NAVOIY QANDAY MUTOLAA QILGAN?

Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” асарида “Китоб” деган каттагина бўлим бор. Буни аср-асрлар китоб, ёзув нималигини билмаган, XX асрга келибгина ўз алифбосига эга бўлган тоғли бир халқнинг вакили битган. У доғистонликларнинг аср-асрлар ўқиш-ёзишни билмаганидан ўкинади: “Алгебра яратилганди, биз эса ҳали санашни билмасдик. Дунёда машҳур дostonлар битилганди, биз эса ҳали “она” деган сўзни ҳам ёза олмасдик”. Бу соҳиби қалам китобни шунчалар улуғлайдики, ҳатто “Агар Эрон шоҳи Доғистонга қилич ва уруш олови билан эмас, Фирдавсийнинг донишмандлиги, Ҳофизнинг севгиси, Саъдийнинг ҳикматлари билан келганда тумтарақай қочмаган бўларди”, деб ҳисоблайди.

Шу сўзларни ўқир экансан, халқларнинг тарихий тараққиётда тутган ўрнини айнан китобга муносабатига қараб ҳам белгилаш мумкин, деган хулосага келади киши. Беихтиёр бундан қарийб уч минг йил муқаддам она заминимизда дунёга келган “Авесто” кўз ўнгингда гавдаланади. Кейин бирин-кетин “Саҳиҳи Бухорий”, “Девону луғатит-турк”, “Қутадғу билиг”, “Қисаси Рабғузӣ”, “Темур тузуклари”, “Зижи Кўрагоний”, “Хамса”, “Ҳазойин ул-маоний”, “Бобурнома”, “Уткан кунлар”... ёдга тушади.

Ҳа, биз тарихда кўп буюк китоблар битган халқмиз.

Дунё биз билан гаплашганда буни ёдда тутати, албатта.

### Халқ ва китоб

Ўзбекистон Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” 2017 йил 12 январдаги фармойиши ўз-ўзидан қабул қилингани йўқ. Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 4 ноябрь куни Нурота туманида Навоий вилояти сайловчилари вакиллари

билан учрашувида шундай фикрлар баён этилди: “Одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида гапирамыз. Лекин бу борада энг оддий ва айни пайтда, энг таъсирчан восита бу – китоб эмасми? Мен шунга аминман – китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”.



Биз деярли барча соҳада давлат ташаббускор бўлишига ўрганиб қолган халқмиз. Президентимиз ташаббуси билан бугун китоб тарғиби давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланди. Шу маънода, давлат раҳбари фармойиши барчамизни китобга муносабатимизни қайта кўриб чиқишга ундайди.

Ушбу қонуности ҳужжати билан танишар эканмиз, кўз олдимизга ҳаммадан бурун Алишер Навоий сиймоси ва бу улуг зот яратган китоблар келади. Чунки миллатимиз меросида Навоий асарларидан буюкроқ манба йўқ. Шу боис биз халқ сифатида китоб ва китобхонлик масаласини буюк бобокалонимиздан айри тасаввур эта олмаймиз. Сирасини айтганда, бундан буён ўзбек китобхонлиги умумий савиясини Навоийни тушуниш даражаси билан ўлчаш лозим, бизнингча.

### Навоийни Навоий қилган – китоб!

Она тилимизда Алишер Навоийдан кўп ва ҳўб китоб ёзган яна ким бор?

Унгача ҳам, ундан кейин ўтган беш асрдан ошиқроқ давр мобайнида ҳам бу улуг зот эришган юксак чўққига чиқа оладиган ижодкор пайдо бўлмади.

Баралла айта оламизки, Навоийни Навоий қилган ҳам айнан китоб эди. Чунки у ўзигача яшаб, туркий, форсий ва арабий тилда ижод этган деярли барча қаламкашлар ижоди билан танишган эди.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида атоқли олим Евгений Бертельс “Навоий кутубхонасини ўрганиш керак” деган масалани ўртага ташлаган эди. Бу, Навоий ўқиган китоблар рўйхатини тузиб, уларнинг шоир яратган асарлар билан алоқадорлигини аниқлаштириш керак, дегани эди. Айни йўналишда анча ишлар қилинди. Лекин бу вазифа ҳали-ҳануз узил-кесил бажарилгани йўқ. Қилишимиз зарур бўлган юмушлар – қилинган ишлардан анча кўп.

### Мурғак қалбнинг мутолаага муҳаббати

Алишернинг отаси – Ғиёсиддин Кичкина темурийлар салтанатининг содиқ мулозимларидан бири эди. Онаси ҳам ана шу хонадон хизматида бўлган аёллардан эди. Ғиёсиддин Кичкина оиласида илму маърифат, хусусан,

адабиётга кучли меҳр устувор эди. Алишерлар хонадо-нида тез-тез маърифий суҳбатлар бўлиб ўтар, улар табиий равишда шеърхонликка айланиб кетар эди. Бўлажак мутафаккирнинг тоғалари – Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам шоир эди. Ғарибий мусиқа илмини пухта билар, яхши созанда ҳам эди. Икки тоғанинг туркий шеърга майли кучлироқ эди.

Ана шундай муҳитда ўсган Алишер уч-тўрт ёшида шеър ёдлай бошлайди. У ёдлаган илк байт Амир Қосим Анворнинг:

*Риндему ошиқему қаҳонсўзу чома чок,  
Бо давлати ғами ту зи фикри қаҳон чи бок?! –*

деган мисралари эди. Ғазал матласи бўлмиш бу сатрлар “Риндмиз, яъни ҳур фикрлилармиз, ошиқлармиз, жаҳонга ўт қўйганмизу тўнимизни йиртганмиз, (эй ёр, яъни эй Оллоҳ), сенинг ғаминг давлати билан фикримиз банд экан, жаҳонни ўйлаб нима қиламиз?!” деган мазмунда.

Алишер тўрт-беш ёшида мактабга борган. У олти ёшга тўлган 1447 йили Хуросон подшоиси Шохрух Мирзо вафот этди. Шу тариқа Ҳиротда темурийларнинг тож-тахт учун кураши авж олди. Пойтахт аҳли бу нотинчликлардан қочиб, атроф шаҳар ва қишлоқларга равона бўлади. Бундайлар орасида Ғиёсиддин Кичкинанинг оиласи ҳам бор эди. Алишерлар оиласи Ироққа кўчади. Йўлда Тафт шаҳрига қўниб ўтишади.

Навоийнинг ўзи “Мажолис ун-нафоис” тазқирасида эслаб ўтишича, олти ёшларида Тафтда машҳур тарихчи, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги улкан “Зафарнома” китобини ёзган Шарофиддин Али Яздий билан учрашади. Ярим кечаси бу ерга етиб келган карвон айнан Яздий хонақоҳи ёнига жойлашади. Эрта-лаб болалар ўйнагани хонақоҳга киради. Улуг олим мусофирлар ҳақида билиш учун болалардан бирови унинг ёнига келишини сўрайди.





Шунда Алишер унинг олдида боради. Нимани сўраган бўлса, жавоб беради. Бу ёғини Навоийнинг ўзидан эштайлик: “Табассум қилиб, таҳсин қилдилар. Дағи сўрдиларки: “Мактабга борибмусен?” Дедимким: “Борибмен”. Дедиларким: “Не ергача ўқибсен?” Дедимки: “Таборақ” сурасиғача”. Дедиларким: “Бу жамоат атфолидин биз тилаганда сен келиб, биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули”, деб ўз фотиҳалариға мушарраф қилдилар” (*Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 13-том. Тошкент, “Фан”, 1997. 31-бет*).

Бу тасодифий учрашув чоғида муаррих олим ҳиротлик болакайнинг зийраклиги, ўткир зеҳни, кучли ақлу фаросатига қойил қолади. Алишер нуроний зотга Қуръоннинг “Таборақ” сурасиғача ўқиганини айтади. “Таборақ” – “Мулк” сурасининг иккинчи номи. Биласизки, Каломуллоҳ жами ўттиз жуз, яъни порада иборат. “Таборақ” сураси билан эса йигирма тўққизинчи жуз бошланади. Демак, Алишер олти ёшида ўттиз пора Қуръоннинг йигирма саккиз порасини ўқиб туширган эди.

“Лисон ут-тайр” достонида ёзилишича, мактабда ўқиб юрган кезлари муаллим болаларнинг ҳар қайсисига бадиий китоблардан бирини ўқишни буюради. Кимдир Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”ини, бошқа биров унинг “Бўстон”ини танлайди. Ёш Алишер эса Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ини ўқишга тушади. У дoston мутлоасига шу қадар берилиб кетадики, ота-онаси бундан қаттиқ хавотирланади. Охири улар боланинг қўлидан китобни олиб, яширишади. “Фойдаси йўқ эди, – деб ёзади Навоий, – чунки мен уни тўлиқ ёдлаб олган эдим”.

Хўш, сабийлик чоғиданоқ шаклланган бундай юксак даражадаги китобхонлик қандай самара берди?

Кўп шеърни ёд билиш ҳар қандай шоир учун жуда-жуда асқатади. У сатрлар тизишга, қофиялар топишга қийналмайдиган бўлади. Салоҳияти юксалади. Ҳозирги тил билан айтганда, шеър битишда автоматлашиш жараёни юз беради. “Агар бир сўзни бир бор қўллаб, унга бир неча маъно юклашга асосланган ийҳом санъати билан ёзиш талаб қилинганида ҳам, кунига юз байтни осонгина ҳолва егандек бита оламан”, деб ёзади Навоий кейинчалик:

*Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,  
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Навоий “Мантиқ ут-тайр” достонини тўлиқ ёдлаб олганида неча ёшда бўлгани ҳақида манбаларда маълумот йўқ. “Лисон ут-тайр”да унинг ўзи мактабда ўқиб юрган кезлари (“*туфулият чоғи мактаб аро*”) ёдлаганини айтади, холос. Мутахассислар, ҳарҳолда, бу маҳалда ўн ёшларда бўлганини тахмин қилишади. Лекин навоийшуносликдан узоқ муаллифларга осон чоғи, кўрқмасдан-нетмасдан “Навоий ҳазратлари етти ёш(лар)ида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ёддан билганлар”, деб ёзаверишади (*Сатторов Ш. Мир Алишер Навоий ҳақида 15 маълумот, 10 ҳикмат ва бир ривоят. “Жаноб”, 2017 йил 1-сон, 6-бет*).

Бу борада бир кишигина хато қилса ҳеч гап эмас. Лекин бошқа бир ерда ҳам “Алишер етти ёшида “Мантиқ ут-тайр”ни ёд олган”и айтилади (“*Жомбой тонги*”, 2015 йил 7 февраль).

Навоийга муносабатда бундай тахминларга ўрин бермаслик керак. Ёшини кичрайтириб кўрсатиш билан шоирнинг обрўйи ортиб қолмайди ҳам.

### Китобхонлик – ёш танламас

“Бешиқдан қабргача илм ўрган”, деган машҳур ҳадиси шариф бор. Навоий ҳам бунга қатъий амал қилган зотлардан бири.

Ғиёсиддин Хондамир “Хулосат ул-ахбор фи баёни аввал ил-ахийр” асарида келтирган бир маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг олимпикда нақадар юксак қадр топганидан далолат беради: “*Сабот ва матонат билан илмда шундай олий даражага етдики, 902 (милодий 1496/97 – С.О.) йили бир неча ой давомида амирнинг (Навоий – С.О.) даргоҳидаги олийжаноб мажлисларда дарс ўқиди, ул ҳазратнинг ўзлари ҳам қўлларида қоғоз ва қалам билан мавлоно муаллимнинг шогирдлари қаторидан ўрин олдилар*”.

Қаранг, Навоийдек буюк қалам соҳиби айнаи камолотга етган даври – эллик олти ёшида қўлида қоғозу қалам билан бир неча ой Атоуллоҳ Ҳусайний қошида адабиётшуносликдан дарс тинглабди! Бу нафақат Шарқ, балки жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги



тарихида ҳам ноёб ҳодиса бўлса ажаб эмас. Ҳолбуки, шунгача Навоий адабиётшунослика оид “Мажолис ун-нафоис” таъкирасини (1491 йили) ҳам, аруз назариясига оид “Ме-зон ул-авзон” рисоласини (1493/94 йили) ҳам ёзиб битирган эди.

Филология фанлари доктори Раҳим Му-сулмонкулов Навоий шу дарсларни тингла-гандан кейинги йилларда “Мажолис ун-нафо-ис”ни қайта таҳрир қилгани (1498/99), “Муҳо-камат ул-луғатайн”ни ёзгани (1499), “Ҳазойин ул-маоний” чоркитоби “Дебоча”сини янгидан битганини (1492/99) таъкидлайди.

Шукрки, бугун Навоийнинг тўлиқ асарлари нашрига эгамиз. Шунинг учун шоирга турли соҳаларда бевосита таълим берган устозла-ри айнан кимлар эканини аниқлаштириш им-кони бор. Чунки улуғ бобокалонимиз ҳеч бир устозини унутмаган, уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот бериб кетган. Буни алоҳида қайд этаётганимизнинг сабаби бор. Ҳар бир устоз шогирдига китоб воситасида таълим берган.

Навоий Самарқандда Абуллайсийдан таълим олган. “Мажолис ун-нафоис”да бу ҳақда унинг ўзи, жумладан, бундай деб ёзади: *“Хожа Фазлulloҳ Абуллайсий – Са-марқанд ақобиридиндур. ...Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, онча (Нашрда “анча” тарзида хато берилибди, биз тузатиб ёздик. “Онча” ҳозирги тилимизда уч-райдиган “шунчалик” сўзига тўғри келади – С.О.) илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эрдилар”* (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. Тошкент, “Фан”, 1997. 33-бет).

Навоийнинг бевосита устозлари масаласи – илмимизда алоҳида ўрганишга лойиқ мавзу. Ҳозир “Хамсат ул-мутаҳаййирин” рисоласига суянган ҳолда биргина устози ва пири Абду-рахмон Жомий ҳузурида Навоийнинг шогирд сифатида ўқиган китоблари рўйхатини тузиб чиқайлик: Жомий қаламига мансуб “Қофия”, “Муаммо” (иккинчи рисоласи), “Аруз”, “Лаво-ех”, “Лавомеъ”, “Шарҳи рубоийёт”, “Ашиъа”, “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс”, “Ша-воҳид ун-нубувват” асарлари; Хожа Муҳам-мад Порсонинг “Қудсия”си, Фахриддин Иро-қийнинг “Ламаот”и, Хожа Абдуллоҳ Аҳрор Валийнинг “Волидия”си, Хожа Абдуллоҳ Ан-сорийнинг “Илоҳийнома”си.

Бундан ташқари, Навоий устозининг “Ҳафт авранг”и дostonларини муаллиф сифатида ўқиганларида қулоқ тутгани ёки “қулоқ тутқув-чилар мадади учун алар мажлисида” ўзи ўқиб берганини айтади.

Демак, китоб ўқиш билан китоб ўқишнинг ҳам фарқи бор экан. Хусусан, устоз ҳамкор-лигида китоб ўқиш анъанаси амалда қандай буюк ҳосилалар берганини биргина Ҳазрат мисолида ҳам кўриш мумкин.

Навоийга ўз асарлари орқали устозлик қилганлар яна қанча. Масалан, “Хамса”ни ёзиш учун у ўзидан олдин яратилган Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Ашраф, Хожу, Абдурахмон Жомий “Хамса”ларини изчил ўрганган. Улар орасидан ҳар бир асари учун намуна танлаб, ўшаларга жавоб битган. Ўзи-нинг таъкидлаб ўтишича, “Ҳайрат ул-аброр” Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор”и, “Фарҳод ва Ширин” Хусрав Дехлавийнинг “Ширин ва Хусрав”и, “Лайли ва Мажнун” Хожу-нинг “Гавҳарнома”си, “Сабаи сайёр” Ашраф-нинг “Ҳафт пайкар”и ва “Садди Искандарий” Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномайи Ис-кандарий”ига назира тарзида битилган. Умри-нинг охирларида яратилган “Лисон ут-тайр” дostonи эса Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ига “таржума расми била” жавоб эди.

Ҳазал бобида эса Навоий Ҳофиз Шеро-зий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий-ни устозлари сифатида санайди (*Исҳоков Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, “Фан”, 1965. 13-бет*).

Мутафаккир бобомиз китоб ёзган зот-ларни жуда-жуда улуғлайди. Бу “Мажолис ун-нафоис” ва “Насойим ул-муҳаббат...” асар-ларида, “Хамса” дostonлари ҳамда “Лисон ут-тайр”да ўзидан олдинги салафлари таъ-риф-тавсифида ёрқин намоён бўлган.

### **Дунёни лашкар эмас, китоб забт этади**

“Фарҳод ва Ширин”даги фахриясида шоир қайси мамлакатга бир фармон юборган бўл-са, уни забт этиш учун бир девон жўнатгани-ни битади:

*Не мулк ичраки бир фармон йибордим,  
Анинг забтига бир девон йибордим.*



Навоийнинг девонлари мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни йўлга қўйишда улкан вазифа бажарган. Эътиборлиси, бу жараён шоир вафотидан кейин ҳам давом этиб келаётир. Ҳозирги пайтда ҳам унинг асарлари қайси тилга таржима қилинса, бу амалда ўша мамлакат билан адабий-маданий ҳамкорликларимиз равноқ топаётганидан далолат беради.

Навоий Ҳирот илмий-ижодий муҳитининг ҳақиқий раҳнамоси эди. Китоб ёзиб, уни Навоийга бағишлаш Хуросон мамлакатада ўзига хос бир мусобақа ва анъанага айланган эди.

Бу буюк зот талай муаллифларни муайян мавзуларда китоблар ёзишга даъват этган. Ўз-ўзидан, бу муаллифлар ҳам битган янги асарини Ҳазратга бағишлаган.

Ғиёсиддин Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида эринмасдан Навоийга бағишланган китоблар рўйхатини келтиради. Жами – 21 асар. Улар орасида Хусайн Воиз Кошифийнинг “Тафсири форсий” (“Қуръоннинг форсий тафсири”), Имом Наввавийнинг “Шарҳи “Арбаъин” (“Қирқ ҳадис” шарҳи), Мавлоно Абдулраззоқ Кирмонийнинг “Рисолае дар илми фаросат” (“Фаросат илми тўғрисида бир рисола”), Мавлоно Низомиддин Аҳмад Пир Шамснинг “Таржимаи арабиёти “Нафаҳот...” (Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот илқудс” тазкираси арабча қисмининг таржимаси) каби машҳур ва эътиборли китоблар бор (*Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 35-36-бетлар*). Навоийга бағишланган китоблар рўйхати шу билангина тугамайди. Хондамир бу санокни яна давом эттиради (*ўша асар, 51-52-бетлар*).

Навоий кўплаб асарларнинг ёзилишига сабабчи, ташкилотчи, ташаббускор ва ҳомий ҳам бўлган. Бу ерда биргина мисол келтирамиз. Навоий пири ва устози Абдурахмон Жомийни авлиёлар ҳақида тазкира ёзишга даъват этади. 1471/72 йили тугалланган “Нафаҳот...” тазкираси шу тариқа дунёга келган. Орадан 24 йил ўтиб – 1495/96 йили Навоий мазкур тазкирани айрим қисқартириш ва қўшимчалар билан туркийга таржима қилди. Бу асарга “Насоийм ул-муҳаббат ва мин шамойим ул-футувват” (“Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шаббодалари”) деб ном

берди. Сўфийлар ҳақидаги бу туркий тазкира исломнинг бошланишидан то XV аср иккинчи ярмигача ўтган талай шайх ва авлиёлар ҳақида маълумот берувчи бой манба ҳисобланади.

## Буюк китобхон

Навоий ҳаётининг сўнги 15 йили ниҳоятда қизгин ижод даври бўлди. Меросининг каттагини қисмини айнан шу 45 ёшдан кейин яратди.

Навоийнинг асарлари яратилиши кетма-кетлигига назар ташласак, у шошилиб, улгуриб қолишга интилиб, жуда қаттиқ ишлагани маълум бўлади. “Лисон ут-тайр”да муаллифнинг “Ёш олтмишга тўлмоқда, ният қилганим шу дostonни ҳозир ёзмасам, битилмай қолиб кетадими, деб қўрқаман”, деган мазмундаги фикри ҳам бор.

Шоир сеvimли қаҳрамонларининг болалик даврини тасвирлар экан, уларнинг илму маърифатга, демакки, китобга муҳаббатини айрича меҳр билан қаламга олади. Кўнгилдан кечадики, муаллиф улар баҳонасида ўз болалигини тасвирлагандек бўлади.

Фарҳод ҳам илмпарвар йигит эди. Ўн ёшга етганида у ўрганмаган илм қолмаган эди. Бу борада Ширин ҳам Фарҳоддан асло қолишмайди. Саройда унинг ўн дугонаси бор эди. Ҳар бири бир фан соҳасида камолотга етган қизлар эди.

“Фарҳод ва Ширин”да шахзода Абулфаворис Шохғариб Баҳодирга насиҳат боби келади. Унда шоир Искандарнинг айнан илму хунар эгаллагани учун ҳам қуруқлик ва денгизга эга чиққанини битади-да, кейин шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек таърифига ўтади.

*Темурхон наслидин султон Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек, –*

деб бошланадиган олти байтли парчада улуғ шоир Мирзо Улуғбекни Хусайн Бойқаронинг ўғли – Абулфаворис Шохғариб Баҳодирга намуна қилиб келтиради. Не-не замондошлари ўтиб кетгани, уларни ҳеч ким ёдга олмайётганини қайд этиб, лекин бу олимнинг илмга интилгани, кўзи олдида осмон паст бўлганини эсга солади. Унинг жаҳон ичра яна бир осмон бўлган расадхонаси оламнинг зийнати ҳисобланиши, осмон илмини ўрганиб, “Зижи Кўрагоний” деб аталган китоб ёзгани, қиёмат-



га қадар олимлар унинг ҳукмларидан фойдаланиб, ҳулоса битишини таъкидлайди.

Бу сатрларда мутафаккирнинг китобни нақадар улуғлагани, шахзодани ҳам шундай илмга даъват этаётгани кўриниб турибди.

Бундай буюк китобларни ёзиш учун, аввало, буюк китобхон бўлиш керак эди.

Шоир ўзидан олдинги туркий, форсий ва арабий шеърятнинг барча даҳолари асарларини сув қилиб ичганига ҳеч кимда шубҳа бўлмаसा керак. Бироқ бобокалонимиз замонаси қаламқашлари асарларидан ҳам тўлиқ хабардор бўлган. Ахир, “Мажолис ун-нафоис”даги саккиз мажлисда ижодлари қисқа-қисқа таҳлил этилган шоирларни эсланг. Муаллиф Ҳусайн Бойқаро таваллуд топган 1438 йилдан то асар тугалланган 1498 йилга қадар ўтган туркийзабон ва форсийзабон қалам аҳли ҳақида (459 шоир!) эринмай маълумот бериб ўтади. Бунча маълумотни йиғиш, тартибга солиш, муаллифларнинг энг гўзал байтларини танлаш, уларнинг ҳар бирига хос муносабат билдириш учун нақадар буюк китобхон бўлиш керак эди.

Навоийнинг ўзигагина хос мутоллаа усули бўлгани аниқ. Шулардан бири ёдлаш қобилияти эди. Иккинчиси – материал йиғиш маҳорати. Шоир ўқиганлари асосида ижодий ниятига мос равишда кўп материал йиғиб борган. Учинчиси – саралаш салоҳияти. Шоир ўқиган ва йиққан материалларини жиддий саралаган. Китобхонлигининг санаганимиз кейинги икки хусусияти ҳақида “Мажолис ун-нафоис” муқаддимасида бундай деб ёзади: “Жамъ қилилғай ва ҳар қайсининг натоийжи таъбидин бирор нима нишона йўсунлуқ ёзилғай”. Бу ерда гап шоирлар ҳақидаги маълумотларни бир ерга тўплаш ва улар ижодидан намуналарни мисол тариқасида келтириш хусусида бораётир.

### Навоийни бугунги кўз билан ўқийлик

Навоий билан бизни, эҳ-ҳе, қанча-қанча замонлару неча-неча маконлар ажратиб туради. Бу зот асарларидаги асл маънони тушуниш учун ўша замон ва ўша маконга “қайтиш” керак. Акс ҳолда, қаттиқ адашамиз.

Навоийга ҳозирги замон қолиплари билан ёндашиб, ундан гоё қидириш – мутлақо хато усул. Шўро даврида шундай қилинди.

Масалан, собиқ Иттифоқ федератив давлат, кучли бир империя эди. Шу боис, хўжақўрсинга бўлса ҳам, халқлар дўстлиги гоёсини ўлиб-тирилиб тарғиб этди. Амалда миллатлараро тенглик таъминланмаган, дилда тамоман бошқа мақсад-муддаолар ётган бўлса ҳам, тилда миллатлар ўртасидаги дўстлик тараннум қилинаверди.

“Фарҳод ва Ширин”га ҳам шу қолип билан ёндашилди: “Ана, халқлар дўстлигию мана, халқлар дўстлиги! Бундаги географик кенгликни қаранг! Фарҳод – хитойлик, унинг севгилиси бўлмиш Ширин – арманиялик, унинг қадрдон дўсти Шопур – эронлик!” деб бонг урилди.

Ҳозиргача ҳам бу дoston ҳақидаги оманинг содда тасаввурлари шунга ўхшаш сохта қарашлардан нарига ўтмай келаётир. Достоннинг русча, тожикча ва озарбойжонча таржималари асосида диссертация ёқлаган мутахассис сифатида ишонч-ла айтаманки, достонда бундай талқиндаги халқлар дўстлиги гоёси йўқ. Фарҳоднинг хитойлик, Шириннинг арманиялик ва Шопурнинг эронлик бўлиши асарда тамоман бошқа гоёвий-бадий мақсадлар учун хизмат қилган. Бу борада батафсил тушунтириш бериш учун алоҳида тадқиқот керак.

Шўро даврида Ўзбекистонимизда кўриқ ерларни ўзлаштириб, у ерларга Амударё ва Сирдарё сувини олиб бориш бош масалалардан бирига айланди. У қилдик, бу қилдик, ишқилиб, Оролни ўз қўлимиз билан қуритдик. Ўша кезларда “Фарҳод ва Ширин” жуда-жуда асқатди ўзиям! Чунки достонда Фарҳоднинг канал қазиб, сув келтириши тасвири бор эди-да. Уруш йиллари катта ҳашар билан ишга туширилган ГЭСнинг номини ҳам “Фарҳод” деб қўйдик.

Ҳолбуки...

Достонда Фарҳод чўлга сув чиқаргани йўқ. Қайтанга, бир кишининг орзу-ҳаваси учун халқ азоб-уқубат чеқди. Гап шундаки, Армания ҳукмдорининг эркатой жиянчаси бўлмиш Ширин тоғнинг тепасида ўзига қаср қурдиroomқчи бўлди. Қаср тикланса-ю, сув бўлмаса, унинг қасрлиги қаерга борар эди?! Эркатойнинг майлича, шу иморат атрофидан сув айланиши керак. Сув эса узоқда. Тоғнинг нари ёғида бир булоқ бор. Уни одамлар “Айн ул-ҳаёт”, яъни “Ҳаёт булоғи” деб аташади. Қасргача орада ўн йиғоч масофа бор.



Уч йилдирки, икки юз уста тоғда ариқ қазиди. Ҳар теша урганда нўхатдай-нўхатдай тош учади, холос. Инсон зоти бундай азобни кўрган эмас эди. Уч йилда бор-йўғи икки-уч юз қадам қазилди. Синмаган тешаю метин қолмади. Усталар бу ишнинг оғирлигидан қон йиғлади, лекин ишбошилар зуғумини қўймади. Азоб-укубат шу даражага етган эдики, усталар дардларини Фарҳодга тўкиб солди. Аммо Меҳинбоную Ширин уларнинг узрини қабул қилмади. Фарҳоднинг уларга раҳми келди. Ана ўшанда Фарҳод машхурдан-машхур:

*Хунарни асрабон неткумдур охир,  
Олиб туфроққа му кетгумдур охир, –*

деган сўзларини айтди-да, ишга киришиб кетди. Қорандан ўрганган хунарларини қўллаб, ҳар ўн-ўн беш тешадан бир катта теша, ҳар ўн-ўн беш метиндан бир катта метин ва бошқа асбоблар ясаб, тоғ қазилганга киришди. Бир кунда бир ўзи икки юз уста уч йилда қазганчалик ариқ қазди. Ана шу шов-шувли хабар саройга етиб, Меҳинбону билан Шириннинг ўзи Фарҳодни кўргани келди.

Бу ерда Навоийнинг учта мақсади бор. Биринчиси – Фарҳоднинг элга раҳми келгани, унинг қорига ярагани, хунарини ишга солиб, эзгу иш қилгани. Иккинчиси – яхшиликка яхшилик қайтгани. Яъни элга қайишган эди, бунинг савоби етиб, ёрини топди – Шириннинг ўзи уни кўргани келди. Учинчиси – Ширин ҳам Фарҳодни севиб қолиши учун, адабиётдаги анъанага кўра, йигит бирон бир “каромат” кўрсатиб, қизнинг диққатини жалб этиши лозим эди.

Алҳосил, Фарҳод тоғда ариқ қазиб, сувни Ширин қасри томон оқизди. Лекин бу ерда ҳеч ҳам сув чиқариб, кўриқ ерларни ўзлаштириш мақсади йўқ.

Навоий – бошқа замон кишиси, ахир, у XV асрда яшаган. У давр тушунча-тасаввурлари ҳар жиҳатдан бугунги тушунча-тасаввурларга тўғри келади, деб ўйлаш ўта соддалик бўлур эди. Демак, мутафаккирнинг айрим ҳаётий қарашлари, нуқтаи назарлари бугунги тартиб-қоидалар, ҳозирги замон кишилари онг-тафаккурига, яшаш тарзига тўла мос тушмаслиги мумкин ва бу табиий. Шундай экан, энди яна бир жиҳатга аниқлик киритиб олайлик. Мутафаккир бобомизнинг айрим қараш, хулоса ва талқинлари бугунги давр-

га мос келмаса, марҳамат, тадқиқотчи бунга муносабатини билдириши, айнан ана шу мос келмаслик сабабларини баён этиши мумкин. Бироқ бу уни тескари тушунишдан тамоман фарқ қилади.

Узоққа бормай, “Маҳбуб ул-қулуб”дан бир мисол келтирайлик. Асардаги 27-фасл “Шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида” деб номланади. Муаллиф уларни қаттиқ қоралайди. Бу танқид шўро даври сиёсатига ҳам “лаббай” деб жавоб берган эди. Хўш, ҳозир-чи?

Албатта, олибсотарларнинг алдоқчилиги, катонни бўз, шолни тўрқа, бўрёни зарбафт пулига сотиши, инсофсизлигини қоралаш ҳозир ҳам аҳамиятли. Бироқ мана бу фикр ҳозирги кунга тўғри келмайди: “Элга зиён анинг суди (яъни фойдаси), ўнғой (яъни арзон) олиб, оғир (яъни қиммат) сотмоқ анинг мақсуди”. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида катта бозорлардан кўтара савдо йўли билан арзонроқ олиб, аҳоли яшайдиган ҳудудларда нисбатан қиммат нархда сотиш орқали тадбиркорлик қилиш бугунги қонунларимизга ҳеч ҳам зид эмас. Бундай иш билан шуғулланаётган кишининг фойдаси айнан ана шу нархлар ўртасидаги фарқдан келиб чиқади. Кимдир Қўйлик кўтара бозоридан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб, Сергели кўпқаватли уйлари орасидаги дўконида сотади, дейлик. Албатта, устига нарх қўяди. Лекин бир қадамгина, шундоққина уйингиз ёнида сотилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, сал қимматига бўлса ҳам, оғринмай харид қиласиз. Қимматлигига розилигингиз шундаки, бу олибсотар йўлингизни яқин қилди, йўлқира сарфламадингиз, вақтингиз тежалди. Бу ҳам тадбиркорлик. Бунинг жамиятга фойдаси бор.

Демак, Навоийни бугунги кун нигоҳи билан ўқиш даркор.

Энг асосий масалага энди етиб келдик, чамамда. Бугун ҳар биримиз Навоийни ўқимиз керак. Бу номигагина айтилаётган насихат ёки баландпарвоз бир шиор эмас. Бироқ Навоийни ўқиш осон иш эмаслигини ҳам ҳаммамиз яхши биламиз. Навоийни ўқиш бошқа муаллифларни ўқишдан кескин фарқ қилади. Негаки, бу китобхондан жиддий тайёргарлик талаб этади.

Навоийни ўқишга тайёргарлик кўриш учун кўп имкониятлар мавжуд. Буюк мутафаккир



хаёти ва ижоди умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитилади. Шоирнинг кўплаб шеърлари қўшиқлар орқали ҳам китобхон онг-шуурига етиб борапти. Қолаверса, ўзбек навоийшунослиги ўтган бир аср мобайнида катта ютуқларга эришди. Луғатлар тузилди. Хусусан, тўрт жилдли “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” бор. Яқинда икки жилдли “Алишер Навоий” энциклопедик луғати чоп этилди. Дostonлари насрий баён қилинди. Лирик асарларининг шарҳлари юзага келди. Қанча-қанча тадқиқотлар яратилди. Шоир асарлари таъсирида адабиётимиз ва санъатимизда қанчадан-қанча янги ижод намуналари пайдо бўлди. Яъни бугун шоирни англаш учун кўндан-кўп қўшимча илмий-маърифий манба ва материалларга эгамиз. Навоий асарлари мавзулари бўйича мультфильмлар ишлаш ҳам жадаллашиб қолди. Интернетда шоирнинг асарлари матнини топиш мумкин ва ҳоказо. Айримлар ҳатто асарларининг русча таржимасини ҳам ўқияпти. Чунки бу асарлар ҳозирги рус тилига ўтирилган-да. Уларни аслиятга қиёслаб мутолаа қилаётганлар ҳам топилади. Майли-да, ихтиёри.

Буларнинг бари, ялпи олганда, китобхонни Навоийга яқинлаштиришга ҳисса қўшади. Лекин бундан буён бобокалонимиз асарларини шунчаки ўқишдан унда илгари сурилган ғоя ва талқинлар, бадий гўзаллик ва донишмандликни обдон ўқишга ўтишимиз керак. Навоийни сидқидилдан ўқийман, деган ҳар бир китобхон ўзини шунга чоғлаши, бу ишга астойдил киришмоғи лозим. Ҳаммаси ниятга боғлиқ. Шоир асарлари ҳолис ниятли китобхонга юз очади. Бунга чин дилдан ишониш керак.

Бу гапларнинг ҳаммаси яхши. Лекин, очиги, оддий ўқувчиларни қўятурайлик, бугунги аксар зиёлиларимиз ҳам Навоийни ўқимаганини барчамиз биламиз. Кўпчилигимизнинг Ҳазратнинг хаёти ва фаолияти, унинг асарлари ҳақидаги тасаввурларимиз мактабда ўқиганларимиздан нарига ўтмайди. Кимки бу сўзларимизга ишонмаса, хоҳласа, ўзи бир эксперимент ўтказсин. Столига оқ қозони қўйсин-да, Навоий ҳақида бори билганларини ёзиб чиқсин, қани, неча варақ тўлар экан?..

Нима қилмоқ керак?

Касб тақозосига кўра, малака ошираётган мактаб муаллимларига дарс бераман.

Баъзан бир тажриба ўтказаман. “Хамса”ни тингловчилардан бирининг қўлига тутқазаман-да, исталган бир варағини очиб, тўрт-беш байтни ўқиб беришини илтимос қиламан. Кейин маъносини сўрайман. Бир қисм тушунилади, албатта. Чаласини эшитиб ўтирган тингловчилардан айримлари тўлдирди ҳам. Кейин бошқа бир тингловчи ўқийди. Шу тариқа ўқиш савияси ҳам, тушунтириш даражаси ҳам оз-оздан кўтарила боради. Дарс охирига келиб, хаёлимда ҳамма навоийхон бўлиб қолаёзади. Ўқийётганлар нотаниш сўзлар маъносини ҳам, матн умумий мантиғидан келиб чиқиб, англай бошлаётгандай туюлади ҳатто.

Истеъдодли режиссёр Авлиёкули Хожакули билан ҳамкорликда, асосан, “Лисон ут-тайр”, қисман, “Мантиқ ут-тайр” дostonлари асосида “Қуш тили” спектакли сценарийсини тайёрладик. Навоий ва Аттор сатрларини ўзгартирмасдан қўладик. Асар саҳнага қўйилганида Миллий театри тўлдирган томошабинлар шу қадар таъсирландики, айримлар ҳатто йиғлаб юборди. Албатта, асар мазмун-моҳиятини тушунишда театр санъатининг хизмати катта, режиссёрнинг маҳорати, актёрларнинг моҳирона ижроси ҳам бунга ёрдам берди. Бироқ сўз сўзлигини қилди – Навоийнинг фикри, мақсад-муддаоси унинг ўз сўзлари орқали етказилди.

Демак, Навоийнинг китобини очингу ўқийверинг. Мақолда айтилганидек, иш иштаҳа очади – ўқигангингиз сари ўқигингиз келаверади. Кейин ўзингиз луғат, шарҳ, таҳлил... қидира бошлайсиз.

Шуни унутмайликки, Навоийни ўқиш биз кўниккан оддий китобларни ўқишдан кескин фарқ қилади. Улуғ шоир асарларини ўқиш меҳнат, заҳмат талаб этади. Мақола аввалида эслаганимиз Расул Ҳамзатов “Менинг Доғистоним”да “Китоб ўқиш – ёзувчи учун иш билан баравар”, дейди. Навоийни ҳам ёзувчидай масъулият билан ўқишга тўғри келади. Амин бўлинг, тилимизда бирон бир китобни мутолаа қилиб, Навоийдан олганчалик баҳра топмайсиз. Барча роҳат эса ана шу машаққатли меҳнатнинг ортидан келади.

Навоийни ўқиган одам, шубҳасиз, инсонийликни англай бошлайди, ўзини маънавий юксакликларда ҳис қилади.



## TUYG'U KO'LANKASI

❁ Кимки куннинг учдан икки қисмини ўзига ажратолмаса, билингни, у қулдир.

❁ Хиралик, бетакаллуфлик танқидда эмас, мақтовдадир.

❁ Табиат қўйнида ўзимизни енгил сезамиз, зеро, у устимиздан ҳукм чиқармайди.

❁ Ким билан гаплашмайин, ҳокимиятга ўчликни кўрдим.

❁ Мақтаганинг сари кимдир уялади, кимдир безбетлашади.

❁ Бурчларимиз – бошқаларнинг бизга нисбатан ҳақ-ҳуқуқидир.

❁ Ҳамдардликнинг зарҳал ғилофида гоҳида ҳасад ханжари туради.

❁ Ҳаётим енгил кечсин десанг, подадан ажралма.

❁ Ёнғоқнинг пучлигини аниқлаш учун ҳам уни аввал чақиб кўрмоқ керак.

❁ Ғолиблар тасодифга ишонмайди.

❁ Ахлоқ – инсоннинг Табиат қаршисидаги манманлиги.

❁ Фикрлар – туйғуларимиз кўланкасидир.

❁ Ёлғизга шовқин ҳам далда.



- ❁ Чўққи ва жарлик – иккиси ҳам бир гўр.
- ❁ Худбинлик – хурлик аксидир.
- ❁ Ҳар нарсага қизиқувчилар – бахтиёр инсонлардир.
- ❁ Ҳиссиётни илоҳийлаштириш муҳаббат деб аталади.
- ❁ Агар одамлар фақат ҳамдардлик сабабли садақа берганда эди, тиланчилар очликдан қирилиб битарди.
- ❁ Юқорига қанча кўтарилганимиз сайин пастдагилар кўзига шунча майда бўлиб кўринаверамиз.
- ❁ Жазо одамни тийиши мумкин, бироқ тузата олмайди.
- ❁ Буюк воқеалар буюк фикрларнинг туғилишидан бошланади.
- ❁ Сен мени алдаганингдан эмас, балки бундан буён сенга ишона олмаслигимдан хафаман.
- ❁ Муסיқани ҳис қилолмайдиганларга рақс тушаётган одам савдойидек кўринади.
- ❁ Сенинг ўз йўлинг бор, менинг ўз йўлим. Энг яхши, энг тўғри, ягона йўл... ундай йўл мавжуд эмас.
- ❁ Баъзан одамлар ширин ёлғонлари чилпарчин бўлишини ис-тамагани учун ҳам ҳақиқатни эшиттиси келмайди.
- ❁ Ақлли инсон нафақат душманини сева олмоғи, айнаи чоғда дўстидан нафратлана билиши ҳам керак.
- ❁ Ўзини мудом мадҳ этишларини истайдиган Худога ишона олмайман.
- ❁ Алоҳида инсонларда жиннилик кам учрайди. Аммо гуруҳлар, партиялар, миллатлар ва даврлар учун бу – нормал ҳолат.

**Олмон тилидан Мирзаали АКБАРОВ  
таржимаси**





ШОҲСАНАМ

## GRASS QO'RG'ONI ASIRLARI

1953 йилнинг кеч кузида Париждаги каталакдек бир хонадонда кекса аёл кечаси омонатини топширган эрининг пойида ғужанак бўлиб тонг оттирди. Узун тун бўйи ўтган умри унинг хотирасидан бир-бир кечди. “Сўнгги йилларда Ян ҳадеб ўлимни тилга оладиган бўлиб қолувди. Нукул “Ишқилиб, сендан кейин қолиб кетмайин, ахир қандай яшайман...” дер эди шўрлик. Мана, ўзи мени мусофир юртда, ҳайҳотдек бу оламда ёппа-ёлғиз ташладию кетди. Салкам ярим аср бирга умр кечириб, не кунларни кўрмадик: сайру саёҳат, кунда-кунора базму зиёфат, ўйин-кулгилар билан бошланган турмуш йўқчилигу хор-зорликда интиҳо топади деб ким ўйлабди дейсиз?!”

Бу аёл дунёга машхур ёзувчи Иван Буниннинг жонфидо рафиқаси, умр ҳамдами Вера Муромцева эди.

Маълумки, зодагон наслидан бўлган Иван Бунин Россиядаги 1917 йилги Октябрь тўнтаришини тан олмаган. Бутун ўлкада “қип-қизил зўравонлик, хунрезлик авж олиб ётган” 1918 йили у рафиқаси ҳамроҳлигида Москвани тарк этади. Тақдир ҳукми билан ўша таҳликали кунларда мамлакатнинг аксарият маълуму машхур инсонлари: сиёсатчилар, адабиёту санъат намояндalари қатори эр-хотин Бунин ҳам хавф-хатардан холироқ ҳисобланган Одессадан паноҳ топади. Бу шаҳардаги икки йиллик омонат умргузаронликдан



сўнг Россиядан биратўла бош олиб кетадилар. Қайтиб рус тупроғига қадам босиш насиб этадими-йўқми – бунисини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар: “Бирдан хушим ўзига келди: ия, мен Қора денгиздаман-ку, бегона бир кемадаман ва нима учундир Константинопол томон сузиб кетяпман...” Янги хукуматдан норози ўша юзлаб рус зиёлилари, оқсуяк зодагонлар билан бирга эр-хотин Константинополдан София ва Белград орқали Парижга ўтиб кетади.



### Соҳилдаги учрашув ёхуд “тутинган қиз”

Иван Алексеевич сузишни яхши кўрарди, шундан ҳам денгиз яқинидаги эски виллани ижара олади. У сувга тушди дегунча нақ балиққа айланиб кетар, даврадош дўстлари орасида сузиш бобида унга бас келадигани йўқ эди. Вера Николаевнанинг эса энди бундай эрмакларга хуши қолмаган, Иван Алексеевич денгизга йўл олганда, у кўпинча уйда қолиб бирор юмуш билан андармон бўлар эди. Улар одатда қишни Парижда ўтказиб, ҳаво илиб-исий бошлаши ҳамона денгиз бўйидаги мўъжазгина курорт шаҳар – Грассга отланишарди. 1926 йили саратоннинг сўнгги кунлари, денгизга шўнғиб-шўнғиб чиққан ёзувчи соҳилдаги ёзги қаҳвахонада таниши Михаил Гофмани учратиб қолади. Унинг ёнида – кўҳликкина бир хоним. Салом-алиқдан сўнг Михаил шоша-пиша шеригига ишора қилиб, “Иван Алексеевич, бу – ёш шоира Галина Кузнецова, ашаддий мухлисингиз, сиз билан танишмоқ орзусида юрибди”, дейди. “Танишсак танишавирамиз-да, – дейди ёзувчи қизга қўл узатиб. – Илгари сиз билан қаердадир кўришганмиз чоғи?” “Ҳа, бир неча йил аввал, Парижда”, дейди қиз ҳайратини яширолмай: эсида экан! Ўшанда профессор устози унинг қўлига бир китоб тутқазиб, Бунинга элтиб бер, деган: “Шундай катта ёзувчи билан танишиб олсанг, зарар қилмайди”. Ёш шоиранинг шеър дафтарини варақлар экан, адиб сўз орасида қайси факультетда ўқиши, таҳсил битгач нима иш қилмоқчи эканига қизиққан. Кейин “Шоирлардан кимни ёқтирасиз?” деб сўраган. Машҳур ёзувчининг салобати босганми, Галя дилидагилар қолиб, мутлақо бошқа номни айтган: “Гумилёвни”. “Ҳм, сиғинган шоирингизни қаранг!” деган ўшанда адиб истеҳзоли кулиб.

Галянинг бу учрашувдан ҳафсаласи пир бўлиб қайтган. Бунин деганлари бунча димоғдор, кўрс экан-а, деган ўзига ўзи, қайтиб унга рўпара келмасликни кўнглига тугиб. “Бир кун келиб бу одам ҳаётимни буткул ўзгартириб юбориши, кўп йиллар унинг хонадонида яшашим, ундан бир дунё нарса ўрганишиму у ҳақда китоб ёзишимни туш кўрибманми”, дейди Галина Кузнецова “Грасс кундалиги” сўзбошисида.

Иккинчи учрашувда эса Бунин Галяни гўё сеҳрлайди-қўяди. У кўнглига ўтирган одамни қармоққа илинтиришга роса уста эди. (Кўпчилик замондош-



ларининг эътирофи: у туғма актёр эди, бирор ёзувчининг асарини ўқиганида дарров ролга кириб унинг овозини, ҳаракат-қилиқларини айнан ўзидек қилиб ўхшатиб берарди. Бир вақтлар Чехов ҳам унинг бу иқтидорига тан берган. Станиславский уни театрға ишга таклиф этгани бежиз эмас-да!) Оғзидан чиққан ҳар сўзига мафтун бўлиб, ҳазилларига хандон ташлаб кулаётган шоира қизнинг навқиронлиги, беғуборлиги адибни завқлантириб юборади. Шу кундан эътиборан улар деярли ҳар кун кўришадиган, кундузлари бирга сайр қилиб, денгизда чўмилиб, оқшомлари қаҳвахонами-барда ёки рақс майдо-нида жавлон уриб юрадиган бўлишади. Эллик олти яшар адиб гўё муҳаббатдан сармаст бўз йигитга айланади. Париждан чоғроқ бир уйни ижарага оладилар, Галя эрини ташлаб шу ерга кўчиб ўтади. Ҳа, у эрли аёл эди, йигирма ёшга тўлиб-тўлмай ўғай ота зуғумидан бешиб эрга теккан, муҳожиротга ҳам ўшанга эргашиб келган эди. "Дима қаллиқ" (кундаликларида Кузнецова уни шундай атайди) хотинининг кўнглини қайта овлайман деб ҳарчанд уринмасин, Галянинг кўзига Буниндан бошқаси кўринмайди.

Грасс сингари ҳовучдеккина шаҳарда сир яшириб бўлармиди! Бунинг устига, мунтазам борди-келди қилиб турадиган рус муҳожирлари Бунин билан Кузнецова муносабатини индамайгина кузатиб ўтирармиди дейсиз! Ғийбат, гап-сўзлар урчигандан урчийди. Ошна-оғайнилари сочига қиров қўнган адибни инсофга чақирмоқчи бўлади. Уйда рўзғор тебратиб ўтирган муштипар Вера Николаевна ҳам таъна-дашномнинг тагида қолади: барини кўра-билатуриб нега эрини тийиб олмайди бу хотин? Унга ачинганлар ҳам топилади: неча йиллардан буён эрини бошига кўтариб келгани, сарсон-саргардонликларга кўникиб яшаётганига мукофот шу экан-да! Вера Николаевна одамларнинг кўзига кўринишга уяларди, боши қотгандан қотган: нима қилсин? Ёт-бегона бу юртда Яндан бошқа кими бор ўзи? (У эрини

Ян деб атарди.) Қариган чоғи нима жин урди уни? Чағиркўз, лабидан табассум аримайдиган шу ойимчанинг нимасига учди экан? Шогирдим-шогирдим дейди-ю... ёзишга уқуви ҳам йўқ шекилли бугинанинг. Ҳаммасига қўл силтаб ташласангу кетсанг... Йўқ, усиз яшай олмайди. Ян-чи, менсиз нима қилади у? Қўл-оёғидан айрилгандек бирор ишни уддалай олмайди-ку! Вера Николаевна босиқлик ила мулоҳаза қилиб бундай қарорга келади: модомики, Яннинг кўнгли шу хонимчага сушт кетган экан, майли, монелик қилмагани бўлсин. Шу ёшда эрини рашк қилиб, қўйди-чиқдига боргандан нима наф? Балки бир кун ўзига келиб қолар. Оғзига элак тутиб бўлмайдиган элга эса, Иван Алексеевичга шогирд тушган, ёзишни ўрганмоқчи деймиз-қўямиз. Яна бўлмаса,





тутинган қизимиз дейман, ана шунда ҳар қанақасининг оғзига урган бўламан. Ҳа, шуниси тузук, ахир Ян ҳалиям беш яшарлигида нобуд бўлган фарзандини унута олмаган. Галя унинг ўша ўғлига деярли тенгдош.

Хуллас, шу ёлғонни тўқибгина шўрлик аёлнинг кўнгли таскин топгандек бўлади. Шогирд қиз уларнинг “Бельведер” вилласига кўчиб келади. Аввалига тинч турмушига суқилиб кирган қиз Вера Николаевнанинг кўзига бало кўринади: ўзига бино кўйган, ўлгудек тантиқ! Кейин билса, Галя унчалик ёмон қиз эмас экан, ўзи ҳам алланечук хижолат тортиб юрибди. Бора-бора уй бекаси ўз чўпчагига ишониб, Галяга оналарча ғамхўрлик қила бошлайди. Айни ўйнаб-куладиган ёшида тўрт девор ичида Яннинг қош-қовоғига қараб ўтирибди, кўнгли ярим деб доим унга янги энгил-бош қидиради, ўзи эса қизнинг эски-тускисини кийиб юради. Вера Николаевна ўзи фарзанд кўрмагани боисмикан, вақти-вақти билан виллада яшаб кетадиган барча муҳожир ёш-ялангга онадек меҳрибон эди (1920-50 йиллар орасида уларнинг уйини кимлар паноҳ тутмаган дейсиз: Н.Рошин, Г.Кузнецова, Ф.Степун, Л.Зуров, М.Алданов, А.Седих, Т.Муравьева-Логинова, М.Степун, А.Бахрах... Уларнинг аксарияти адабиёту санъатга дахлдор одамлар бўлгани учун Вера Николаевна ўз хонадонини “Илҳом булоғи” деб атарди. Дейлик, 1929 йили Буниннинг таклифи билан Грассга келган Л.Зуров хонадон эгаларининг вафотидан кейин ҳам шу ерда яшайди, адибнинг архиви ўшанга қолади. Иккинчи жаҳон уруши йиллари эса ёш адабиётшунос А.Бахрах ҳам тўрт йилдан зиёдроқ Буниннинг “Жаннет” вилласидан паноҳ топади).

Галя ҳар кун адиб билан кўча айлангани чиқар, денгизга чўмилгани тушар, баъзан тоққаю боққа сайру томошага бирга борар эди. Устоз-шогирд адабиёт ҳақида, ҳаёт ҳақида мириқиб суҳбатлашардилар. Бир уйда яшагач, кексайгани сари инжиқлашиб, тажанглашиб бораётган устознинг аччиқ-чучук сўзларию болохонадор сўқинишларидан-да (Бунин ўта коски одам бўлган, буни ўзи “отамерос одат” дер эди) “бебаҳра” қолмайсиз... Жонкуяр Вера Николаевнага эса тез орада Галя ҳам меҳр қўяди. Ажабки, бу икки аёл дарддошу сирдошга айланади, ўзлари даҳо билган инсонга бирдек ғамхўрлик қилишади, йўқчилигу фақирликка-да кўникиб, муроса-мадорада рўзғор тутишади. Хуллас, бундай ғайриодатий турмушни тақдирнинг бир ёзуғи деб билган ҳар икки аёл 1933 йил адибга Нобель мукофоти берилгунига қадар шу тарзда умр кечиради. Аммо Галя аллақачон бундай яшаб бўлмаслигини ич-ичидан ҳис қилган, ўзига ҳам, куйди-пишди, бировга ёмонлиги йўқ уй бекасига ҳам ачинар эди. Ачинарди-ю, нима қилишни билмасди. Шундай кунларнинг бирида бу жумбоқ ўз-ўзидан ечим топадики, унинг тафсилотлари баёни бизнинг муддаомиздан йироқ...





## Нобель мукофоти

1933 йилнинг қорли-қировли декабри, Швеция пойтахтида Нобель мукофотини топшириш маросими одатдаги дабдабаю асъаса билан ўтаётир, юзлаб чироқлар ёғдусидан чароғон, анвойи гулу чечакларга бурканган азим зал гав-жум: фрак кийган пўрим эркаклару ёқут-дурларга чулғанган хонимлар...

Адабиёт йўналишида совриндор бўлган адиб сўзламоқда: "Ҳазрати олийлари! Хонимлар ва жаноблар! Тўққизинчи ноябрь куни бу ердан жуда олисда, Франциянинг овлоқ шаҳарчасидаги фақир бир хонадонда телефон жиринглаб қолди: каминага Швед академиясининг қарорини етказдилар. Одатда бундай ҳаяжонли кезде айтиладиган "Бу мен ҳаётимда эшитган энг қувончли хабар эди", деганга ўхшаш сийқа гапларни такрорласам самимиятдан бўлмас... Аммо шуни қатъиян эътироф этишим лозимки, замонавий техниканинг ушбу оддий мўъжизаси – Стокхольмдан Грассга қилинган қўнғироқ мен ёзувчи сифатида топган энг олий инъом бўлди..."

Тадбир чоғи барчанинг кўзи адибнинг ёнидаги икки аёлда эди. "Сочига оқ оралаган, одмироқ либосдаги, ийманиброқ нимтабассум қилиб тургани-ку рафиқаси бўлса керак. Униси-чи, кўзлари чақнаб совриндорга фахру ифтихор ила боқаётгани ким бўлди экан? Қизимикан? Жаноб Буниннинг фарзанди йўқ деб эшитган эдик-ку..." Ғийбатга суяги йўқ рус муҳожирларидан бири шунда гапни илиб кетади: "Ёшроғи – бугунги қаҳрамонимизнинг илҳом париси. Бу учовлон бир хонадонда рўзгузаронлик қилишига нима дейсиз!.." Шивир-шивир авжга чиқади...

Аслида, Нобель мукофоти осмондан тушмайди. Иван Бунинни бу юксак унвонга илк маротаба 1922 йили француз ёзувчиси Ромен Роллан тавсия этган. 1930 йилдан бошлаб деярли ҳар йили кўрсатилган номзодлар орасида Бунин ҳам борлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалар, табиийки, "Бельведер" аҳли бу муноқашадан четда турмас, бўлажак янгиликни муштоқлик ила кутар эди. Келинг, 1933 йил 9 ноябрь – мукофот хабари эълон қилинган кун Бунин хонадонидида қандай вазият ҳукм сурганини Галинанинг кундалигидан ўқийлик: "Эрталабдан ҳамма алланечук паришон, ташвишманд, асабий, аммо сир бой бермаслик учун бари ўз юмуши билан банд. Иван Алексеевич хонасига қамалиб олган: ишлайман дегандек. Мен ҳовлидаги кузги гулзорда куймаланиб юрибман. Соат кундузги уч, нечундир осмонга қарадим: айни чокда дунёнинг бошқа бир кунжида Буниннинг тақдири ҳал бўлаётир. Бирдан ғалати бўлиб кетдим, бугун ҳамма нарсга кўзимга бошқача кўриняпти-я!.." Вақтни ўтказиш учун кинога боришга қарор қилинади. Вера Николаевна билан Леонид Зуров уйда қолади: қўнғироқ бўлиб қолиши мумкин!.. Устоз-шогирд кетиши билан зориқиб кутилган хабар келади: Стокхольмдан!

Бир вақтлар ўз ватанида машҳур бўлган-у, энди бегона юртда ғарибона умр кечириб юрган ёзувчининг номи бир зумда етти иқлимга етади. Уйдаги телефоннинг чакаги тинмайди: Европанинг турли шаҳарларидан устма-уст қўнғироқ – табриклаган ким, интервью сўраган ким! Эшик қўнғироғи ҳам қу-



лоқни қоматга келтирган: почтачилар – дунёнинг ҳар ёғидан табрик хатлари оқиб келаётир! Россиядангина на бир хабар, на сас-садо бор... Маҳаллий мух-бирлару хориждан етиб келган журналистлар уй эшигининг турумани бузган; бир ой турли учрашув, суҳбат, зиёфату тадбирлар билан ўтади. Адиб сафар харажатини қайта-қайта хомчўт қилиб кўради: йўлқира ҳам озмунча эмас экан, қарз кўтаради-да; бунинг устига, тузукроқ энгил-боши ҳам йўқ. "Хонадон аҳли кенгашиб, Стокхольмга Иван Алексеевичнинг ёлғиз ўзини кузатадиган бўлдик", деб ёзади Галина. У ёғи эса бизга маълум: соврин олгани жўнаган адиб нафақат рафиқаси ва шогирди Гаяни, ҳатто адабий котибликка ёллаган уддабурон ёш журналист Андрей Седихни ҳам ҳамроҳ қилиб олади.

Швед академиясининг қарорини Совет Иттифоқи ўзига ҳақорат ва таҳқир ўлароқ қабул қилади. Ушбу нуфузли мукофотга пешқадам совет ёзувчиси М. Горький эмас, муҳолифат вакили – қочқин адиб И.Бунин лойиқ кўрилгани маълум бўлгач, пайтавасига қурт тушган қизил ҳукумат Швециядаги мухтор вакилига қатъий топшириқ беради: қандай қилиб бўлмасин, Нобель кўмитаси қарорини ўзгартириш йўлини топасан! Ўша кезлар СССРнинг Швециядаги мухтор элчиси А.Коллонтайнинг Москвага йўллаган "ўта махфий" тамғали хатлари унинг бу борада анча-мунча тер тўкканини исботлайди. "Суриштирувларимга кўра маълум бўлдики, Нобель мукофотининг оқ муҳожир Бунинга берилиши ўта кутилмаган ва тасодифий ҳолдир. Ҳарқалай, Швед ҳукумати халқаро кўмитанинг ушбу қарорига монелик қилмоққа ожиз экан. Айтишларича, "қариялар" (шведлар томонидан кўмига аксари саксонни қоралаган профессор ва академиклар аъзодир, улар орасида биргина "йигитча" бўлиб, у ҳам "бор-йўғи" олтиш бешга кирган) дастлаб фин ёзувчиси Силланпяя номзодини танлаган. Овозга қўйишга икки кунгина қолганда кимдир Бунин номзодини тикиштирган. Мен бу масалада маориф вазири билан очиқча гаплашдим, ишнинг бундай тус олганидан ўзи ҳам таажжубда қолган вазир мукофот кўмитасига таъсир ўтказиш имконсиз эканини, "қариялар" ҳукуматдан мутлақо мустақил қарор чиқаришини айтди. Социал-демократлар партиясининг пешволари билан суҳбатда ҳам мен оқлар муҳожирга мукофот бериш бизга нисбатан шоён ҳурматсизлик эканини билдирдим. Мазкур суҳбатдан шуни англадимки, қари академикларнинг ушбу қилмиши швед ҳукуматига ҳам, жамоатчиликка ҳам хуш келмайди, бу иш акашак ва мутаассиб олимшавандаларнинг нодонлиги ва бизга нодўст эканини кўрсатади, холос. Ҳатто машҳур "Александра" ҳам (ўша кезлар СССР ҳақида турли чўпчаклар босилиб турган саёзроқ оқшомги газета) кўмига қарорини танқидий баҳолади, "Нега соврин Горькийга берилмади?" деган савол билан чиқди". 5 декабрда юборилган навбатдаги мактубида А.Коллонтай бундай дейди: "Бутун швед жамияти ва буржуа матбуоти Бунинга Нобель мукофоти берилганидан нозир". Хатнинг мазмунидан элчи хоним сўнги илинж ўлароқ "қочқин" ёзувчиси Стокхольмга келтирмаслик чорасини кўраётганини фаҳмлаш мумкин. Лекин барча уринишлар бесамар... Мамлакатнинг етакчи матбуот нашрлари



элчи лоф урганидек, ушбу воқеага танқидий ёндашиш у ёқда турсин, аксинча, Бунинни нақ осмону фалакка чиқариб қўяди. Ўн кунлик сафари мобайнида матбуот шу қадар машхур қилиб юборадики, ҳатто кўча-кўйда оддий одамлар ҳам уни таниб, “Ана – Бунин, Бунин!” деб қолишарди.

Ўша йилги мукофотдан умидворлар сафида Дмитрий Мережковский, Иван Шмелёв ва айтиб ўтганимиз Максим Горький бор эди. Мусофирчиликда бирмунча яқин бўлиб кетган Д. Мережковский ва унинг рафиқаси З. Гиппиус мукофот савдосидан сўнг Буниндан буткул юз ўгириб, очиқчасига душман бўлиб қолади. Муҳожиротдаги аксарият ватандошлар эса, адабиётга алоқаси борми-йўқми, Буниннинг бирор асарини ўқиганми-ўқимаганми, бунисидан қатъи назар, чинакамига хурсанд эди: бизнинг рус ёзувчимиз Нобель олди! Мукофот пули оз эмас, 715.000 минг франк эди. Кейинчалик адибнинг ўзи бир интервьюда иқрор бўлганидек, у “бойиб” кетиши ҳамоно моддий кўмак сўраб ёзилган нақд икки мингтача мактуб олган экан. Ҳолбуки, маблағ қўлига тегиши биланоқ унинг каттагина қисмини адабий хайрия жамғармасига топширади, жамғарма эса уни юпқақўл ижодкорларга тарқатиб беради. Адибнинг яна бир эътирофи: у пул муомаласини билмас, сўраган кишидан борини аямас эди. Қолган пулга эса икки йилча одамга ўхшаб беташвиш ҳаёт кечиради. Пўрим кийинади, уйидаги икки аёлга ҳам қўша-қўша сарпо кийдиради, яхши еб-ичади, ҳожатманд дўстларини ноумид қайтармайди...

### **“Илҳом булоғи”**

Стокхольм сафаридан сармаст-бахтиёр қайтаётган Иван Бунин йўл-йўлакка дрезденлик кадрдони Фёдор Степунниқига қўниб ўтишга қарор қилади. Эҳтимол, бунинг учун кейин ўзини минг бор лаънатлагандир. Гап шундаки, Швециянинг рутубатли иқлими таъсирида Галя қаттиқ шамоллаб қолган эди, Степуннинг синглиси Маргарита уни тузалгунича шу ерда турсин, дейди. Бу совуқда кетса аҳволи баттар оғирлашади, қизингиз менга омонат, ўзим қарайман, отдек қилиб жўнатаман уйингизга, деб қўймайди.

Грассга Галя буткул бошқа одам бўлиб қайтади: ўйчан, паришон, одамови, қачон қараманг, Иван Алексеевичдан ўзини олиб қочади. Бўлмасига қамалиб олиб ёзгани ёзган; Германияга, янги топган дугонасига кунда-кунора хат йўллайди. Орадан беш ойлар ўтиб Маргарита Грассга келади, шу чоққача қовоғи очилмай юрган Галя гул-гул яшнаб кетади денг! Икки дугона бир дақиқа бўлсин ажрамай қолади. Вера Николаевна кундалигининг ўша кезларга оид саҳифаларини варақласак: “Марганинг келганига уч ҳафта бўлди. Менга маъқул, киришимли қиз, у билан суҳбатлашиб тўймайсиз. Галяни эса ҳеч тушунолмай қолдим, Маргани ҳаммадан қизғанадимми-ей...” Чамаси, бир ойлардан кейинги қайд эса бундай: “Ўйда вазият таранг. Галя ўзини қаерга қўйишни билмай юрибди. Баҳона топиб Ян билан ғижиллашгани ғижиллашган. Марга ҳалиям кетмади”. “Аҳвол ўша-ўша, – деб ёзади бир ҳафтадан сўнг Вера Бунина. – Бунақада Галя пир этадию учади-кетади. Янга ҳам ҳайронсан,



салгина босиқроқ бўлса нима қилади, қизнинг ғашига тегмаса-ку олам гулистон! Йўқ, ўзини ҳеч нимани кўрмаган-билмаганга сололмайди у, тилини тиёлмай ичида борини шартта айтади-юборади..."

Марга юртига кетгач, Галя баттар терс бўлиб олади. Бунин Марга билан Галянинг муносабатини аёллар ўртасидаги яқин дугоналик деб ўйлайди, бошқа бирор гап хаёлига келмайди. Галянинг ўзига нисбатан бефарқлигига чидай олмай, бўлар-бўлмасга уни уришиб-тергайверади. Қизнинг эътиборини қайта қозонолмагач, "Бас, тамом, – дейди у аччиқ устида, – руҳий яқинлик ҳам, сирдошлик ҳам битди!" Галяга айнан шу керак эмасмиди: кетишига узил-кесил баҳона! Ишнинг бундай чаппа айланишини кутмаган кекса ошиқ эса маъшуқасини олиб қолмоққа ҳўб уринади. "Мажбуран ушлаб ўтиролмайсиз-ку, – дейди Вера Николаевна, – майли, қўйинг, кетаверсин. Қўлига пул-мул беринг". Шу тариқа Галя Марганинг ортидан Германияга қушдек учади. Иван Алексеевич эса "бўзлаб" қолаверади, айрилиқ азобидан бирданига кексайиб, ҳеч кимга кераксиз чолга айланиб қолгандек бўлади. "Ниҳоят, бугун Галя кетди. Уйимиз хувуллаб қолди, лекин аллақандай енгил тортдим. Қизгина бундай турмушдан роса зиқ бўлиб юрувди, шунданми, қўли ҳеч ишга бормасди. Ян жуда тушкун аҳволда. Нима хоҳлаётганини ўзи билмайди. Асаблари таранг, қийналяпти", деб ёзади Вера Николаевна кундалигида.

Қисматнинг ажиб ўйинлари бор-да: Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан танг аҳволда қолган дугоналар яна устоздан паноҳ сўраб мактуб йўллайди. Орани буткул очиқ қилиб ҳам бўлмасди, Вера Галяга боғланиб қолган, камига, Маргага ҳам меҳри тушиб улгурган. Хуллас, у ялиниб-ёлвориб кўндиреди: "ойимчалар" (Буниннинг истехзоли таъбири) ҳеч нима кўрмагандек яна "Илҳом булоғи"га қайтиб келишади.

Аммо энди уйнинг илгариги файзи қолмаган эди. Ҳамма ўзини алланечук ноқулай сезар, нимадир омонатга ўхшарди. Биринчи бўлиб Л.Зуров аллақайга гум бўлади. Уч аёл билан қолган адиб ҳам иложи борица Маргасию Галянинг кўзига кўринмаслик учун тун чўккунча кимсасиз соҳилда дайдиб юрарди. Эҳтимол, етмишни қоралаган ёзувчи "Зулмат хиёбонлар" туркумидаги ҳикоялари сюжетини айнан ўша дамлар хаёлида пишитгандир.

Қайсар, чўрткесар Иван Алексеевич ўта кекчи одам эди, Галина билан то умрининг охиригача алоқани узмаган, хат олишиб турган эса-да, ич-ичида унинг хиёнатини, оқибатсизлигини кечирмайди. "Ойимчалар" 1942 йилгача Буниннинг паноҳида яшайди. Адиб кундалигига кўз ташлаймиз: "Марга билан Г. эртага Каннга жўнайди – икки ойга дейишяпти. Менимча, энди қайтиб келишмаса керак. Тўғриси, бу юриш-туришимиз ўзи алланечук шармсиз, ғайритабиий эди..." Бошқа бир ўринда эса, "Соат 11.45 да Галина қолган лаш-лушини кўтариб уйдан чиқди. Бир оз юриб тўхтади, энгашиб қўлидагини ерга қўйди. Шунда деразадан четлашдим. Мана, бари битди. Ўн олти йилча аввал уни илк бора кўрган эдим. Қани энди ўша Галя? Ўзим-чи, қандоқ ёш эдим-а ўшанда!" деб ёзади адиб изтироб билан.



### Ватан қўмсови

Иван Бунин Россиядан бош олиб кетганида қирқ тўққиз ёшда эди. Унга анча-мунча мамлакатни кўрган, юрт кезган. Азалдан, йигит чоғиданоқ бир ерда қўним топиб ўтирмас, сафар-саёҳатга ўлгудек ишқибоз эди. Шу боисмикан, унинг ҳеч қачон тайин уй-жойи бўлмаган, 1920 йилгача қариндош-уруғ, ёр-биродарлариникида, кейинчалик, Францияда асосан ижара уйларда яшаган. Нобель мукофоти баҳона қўлига мўмай пул тушганда ҳам бошпана қилмоқни ўйламайди.

Хорижга кетгач, табиийки, у сайёҳлик "ҳобби"сидан воз кечишга мажбур бўлади. Муҳожир одам илгаригидек хоҳлаган ерига боролмайди, бунинг устига, сиёсий муҳожирнинг (аслида Бунин ҳеч қачон сиёсатга аралашмаган) ҳақ-ҳуқуқлари чекланган, қолаверса, бундай ишқибозликни чўнтак ҳам кўтармасди. Энди у фақат Париждан Грассга бемалол бориб-келиши мумкин эди. Уруш йиллари эса Грассда узоқ "қамалиб" қолади, Париж олмонлардан озод бўлиши билан обдон меъдасига теккан шаҳарчани умрбод тарк этади. Айнан ўша кезларда у ё бутунлай АҚШга кетиш, ёки ватанга қайтишни ўйлай бошлайди. Ёзувчи Марк Алданов тинмай хат ёзиб уни Нью-Йоркка чорлайди. "Ёши ўтган, касалманд, боз устига қашшоқ ёзувчи у ерда кимга ҳам керак...", дейди мушоҳада қилиб кўргач. Бу ёқда эса СССРнинг Франциядаги элчиси уни Россияга қайтишга кўндириш билан овора. Совет ҳукумати адибга нақд "олтин тоғ" ваъда қилмоқда. Эски қадрдони Николай Телешов (ёзувчи, шоир) унга йўллаган мактубида "Қолган умрингни ўз уйингда, қорин ғамини ўйламай тўқ-фаровон, эъзоз-ардоқда ўтказасан", деб ёзади. Хуллас, адиб бир муддат шу ширин эртатка "алданиб", "уйга қайтаман"га тушиб юради.

Аслида, адибни "уйга қайтариш" тадориғи бирмунча илгарироқ бошланган эди. 1936 йили совет ёзувчилари делегацияси сафида Парижга борган Алексей Толстой гавжум бир қаҳвахонада Бунин билан учрашиб қолади. "Кел, бир бағримга босай сени. Большевикни кучоқлагани кўркмайсанми?" дейди у дали-ғулилик билан. Ундан-бундан сўзлашадилар. "Сени кўриб бошим осмонга етди, Иван. Менга қара, қачонгача бу ерда моғор босиб ўтирасан, қариб-чириб фақирликда ўлиб кетгунчами? Қайтсанг, Москва сени қўнғироқлар садоси остида кутиб олади. Эҳ, Россияда сени қанчалик яхши кўришларини, асарларингни севиб ўқишларини билмайсан-да!" дейди ода-тича лаби-лабига тегмай. Бунин гапни ҳазилга буради: "Қўнғироқ чалиб дейсанми? Сизларда черков қўнғироғи тақиқланган-ку!" "Э, тилимдан тутмасанг-чи, – дейди Толстой қизишиб. – У ёқда қандай яшашингни тасаввур ҳам қилолмайсан-да, нодон! Билсанг, менинг Царское селода каттакон ҳовли-жойим, бир эмас, учта автомобилим бор... Нима, Нобелга олган ақчанг умринг охиригача етади деб ўйлайсанми?"

Бунин гапни қисқа қилиб, эски ошнаси билан хайрлашади. 1941 йили эса ўзи унга хат ёзади – моддий кўмак сўраб, яъни ўша кезлар Россияда нашр



этилган китоблари эвазига қалам ҳақи ундириб берармикан деган умидда. Ҳамонки, Буниндек мағрур одам бўйин эгиб ёрдам сўрабдими, демак, у ҳақиқатан ҳам ўта ночор аҳволда қолган. А.Толстой эски ошначилик ҳаққи, Буниннинг СССРга қайтишига изн берилишини сўраб Сталин номига мактуб йўллайди. Уруш бошланадию бу ишлар чала қолади.

Бунин Толстойга хат юборар-юбормас яна бир қадрдони – Телешовга ҳам шу мазмунда нома битади. “Танг аҳволда ўтирибмиз. “Бой” эдим – тақдирнинг ўйинини кўр, фақир бўлдим-қолдим. “Дунёга таниқли” эдим – энди эса бировга керагим йўқ!

Соч-соқолим оқарган, қоқсуяк қарияман, аммо тилим ҳамон заҳар! Жуда-жуда уйга қайтгим келяпти”.

Мана шу сўнгги жумлани тадқиқотчилар қай маъноларга йўймади дейсиз. Аксарият совет адабиётшуносларию адиблари фикрича, Бунин бутун муҳожирлик умри мобайнида фақат ватанга қайтиш умидида яшаган-у, иродасизлиги панд бериб бунга журъат қилолмаган. Иродасизлик... Буниннинг ҳаётию ижоди, шахсиятидан озми-кўпми хабардор одам, аксинча, унингдек қатъиятли, метин иродали инсон кам бўлишини эътироф этиши мумкин. Агарда эътиқоди суст бўлганида у муҳожирликнинг дастлабки мушкулотларигаёқ тоқат қилолмай, пушаймон еб ортга қайтмасмиди? Дейлик, А.Толстой (1923), А.Куприн (1936) каби қаламқаш дўстларига ўхшаб “қизиллар” билан мураса қилмасмиди?!

Н.Телешов Буниннинг мактубига уруш тугагандан сўнг, совет ҳукумати хорижда юрган муҳожирларни қайтаришга киришгач жавоб ёзади. Ҳукумат топшириғи билан! (1946 йили СССР Олий совети президиумининг Франция ҳудудида яшаётган собиқ россияликларга совет фуқаролигини бериш ҳақидаги қарори чиққан эди.)

Бунин Телешовга “уйга қайтгим келяпти” деганида Россияни назарда тутган, асло СССРни эмас. Асл рус фарзанди сифатида ватан тақдири уни ҳеч вақт бефарқ қолдирмаган. Рус халқи Иккинчи жаҳон урушидан ғалаба билан чиққанида унинг боши кўкларга етган. Аммо совет тузумини қабул қилмаган, қилолмаган... Адибнинг 1941 йилги қайдларида бундай гап бор: “Қачон қараманг, Зуров рус радиосини эшитиб ётади. Бошида мен ҳам қизиқдим. Аллақайси “халқ қўшиқчиси” аллақандай “ажойиб маскан”да яшармиш, у “Сталиннинг тилла каломи халқ дилида сувдек оқади” деб куйлаяпти. Шундай ёлғончи, разил мамлакатга қайтаманми?!”

Нобель мукофотида сазовор бўлган биринчи рус ёзувчисини ватанга қайтариш, табиийки, совет ҳукумати учун ўта муҳим эди. Ташқи ишлар вазирлиги ўзига қарашли хориждаги разведка бошқармаси ҳамда Франциядаги совет элчихонасига Иван Буниннинг айна вақтдаги туриш-турмуши, сиёсий қарашлари ҳақида маълумот тўплаш ва унинг кўнглига қўл солиб кўриш (ватанга қайтиш нияти бўлса – кўндириш) борасида топшириқ беради. Салкам бир йил мобайнида мазкур ташкилотлар раҳбариятга тегишли мазмунда маълумот етказиб туради. (Рус ёзувчиси Михаил Рошиннинг Бунинга бағиш-



ланган "Князь" асарида мазкур архив ҳужжатлари айнан келтирилган.) 1946 йил ёзида машҳур совет адиби Константин Симонов шу топшириқ билан Парижга юборилади. У хийла қашшоқ аҳволга тушиб қолган 76 яшар Иван Бунинни дабдабали бир ресторанда меҳмон қилади. Адиб ўзини гўлликка солиб суҳбатдоши мутлақо кутмаган саволларни бера бошлайди: "Бадбахт кунлар"ни ўқиганмисиз?" "Йўқ, ўқимаганман", дейди Симонов каловланиб-роқ, бу китобни ўқиган эса-да, Буниннинг кейинги саволи қандай бўлишини тусмоллаб. Кекса ёзувчи ниш санчишни қўймайди: "Константин Михайлович, айтинг-чи, Бебель деган ёзувчи бўларди, бир-икки нарсасини ўқиганман, тили буррогина эди, ҳозир қаерда у? Анчадан бери сас-садоси чиқмайди?" "Хабарим йўқ экан", дейди Симонов унинг ўтқир нигоҳидан кўзини олиб қочиб. Бунин худди уни мазах қилаётгандек, ҳаёти фожиа билан якун топган яна бир қанча ижодкорни суриштиради. "Хабарим йўқ экан", деб қутулади ранги оқариб кетган Симонов деразадан кўз узолмай.

Нобель совриндорини бутунлай қайтишга кўндиришнинг иложи бўлмаган тақдирда, ҳечқурса, совет паспортини олишга ёки Москвага икки ҳафталик сафарга унатиш режаланган эди. Симонов адибни русчасига меҳмон қилишни ўйлаб қолади. "Ўша ёз учувчиларимиз ҳар куни Париждан Москвага учарди. Йигитларга гапнинг индаллосини айтдим, бу ерда кекса бир рус ёзувчиси бор, Бунин деган, унга ватанини, русча меҳмоннавозликни бир эслатиб қўйиш керак. Йигитлар Москвадан бир дунё нарса олиб келишди: қора нон, колбаса, селёдка, арақ, тешик кулча". Симонов қўйни-қўнжини совға-саломга тўлдириб кекса ватандошининг уйига кириб боради. Аммо ўжар ёзувчини "авраб" бўлмайди. Бунин анойилардан эмасди, у тарихий ватанида қандай сиёсий ўйинлар кетаётганию қандай қатағонлар рўй бергани ва бераётганидан хабардор эди.

У ёт-бегона юртларда эмас, туғилиб ўсган заминида, ўз уйида оёқ узатишни ич-ичидан хоҳласа-да, эътиқодда собитлиги, қолаверса, оқсуякларга хос ғурури унинг Россияга қайтишига йўл бермайди.

### Сўнги манзил

1953 йилнинг 8 ноябри. Париждаги фақирона хонадон. Юмуш билан аллақайга бориб келган Вера Николаевна Иван Алексеевичнинг ётоғига киради. "Ян, чарчадингизми, ётасизми?" дейди ўриндиққа бошини қўйганча кўзини юмиб ўтирган адибга. У бош ирғайди. Охириги йиллар кўпинча қорни тўйиб овқат емаганидан, қўша-қўша касалликлардан озиб-тўзиб кетган адиб ҳали-ҳамон ёзув-чизуви билан овунарни. Унинг гап-сўзлари ҳалиям милтиқдек, хотираси тиниқ эди. У рафиқасидан Чеховнинг хатларини қайта ўқиб беришни сўрайди. (Айни кезде Чехов ҳақидаги хотиралар китобини кенгайтириб, сайқаллаётган эди.) "Бугунча етар, бўлди, ухлайман" дейди у вақт ярим тундан ошганда. Ўша кеча у омонатини топширади.



Аёл марҳумнинг юзига оқ рўмолча ёпиб қўяди – ўзининг талаби: ўлганимдан кейин юзимни ҳеч ким кўрмасин, деган. “Вера Николаевна истисно тариқасида менга майит юзидаги рўмолчанинг бир четини кўтарди, – деб ёзади адибни ўша йиллари даволаган шифокор В.Зернов, – шунда Иван Алексеевичнинг менга азиз-у, аммо бирдан бегона бўлиб қолган, алланечук ҳаловат зуҳр этган кўркем чеҳрасини сўнгги бор кўрдим”.

Россияда эса эртаси кун чошгоҳ маҳали радиодан сўнгги янгиликларни ўқиётиб, диктор “Кеча Парижда ёзувчи Иван Бунин оламдан ўтди...” дейди худди “кеча бориб ёмғир ёғади” дегандек қуруқ оҳангда.

Вера Муромцева адибнинг учинчи хотини эди. Аммо – на Бунин йигирма ёшида ошиқ бўлиб қолган Варвара Пашенко (қизнинг отаси қаршилик қилгани учун улар расмий никоҳдан ўтмай бирга яшаган; Варя кейинроқ ўзига бой қаллиқ топиб, ўшанинг этагидан тутиб кетади), на келиб чиқиши грек бўлган соҳибжамол Анна Цакни (адибнинг ягона фарзанди Николайнинг онаси), на бугун “сўнгги оташин муҳаббати” дея талқин этилаётган Галина Кузнецова буюк адибни Вера Муромцевачалик англамаган, қадрига етмаган!

Москвалик таниқли профессорнинг 25 яшар қизи Вера 36 яшар қалам-кашни бир кўришда севиб қолган. Олий маълумотли (эрининг талаби билан кимё илмини ташлайди), тўртта тилни мукаммал биладиган, адабиёт-санъатга ошуфта қиз ёзувчига хотин бўлиш осон кечмаслигини, нақадар фидо-корликлар талаб этишини аввал-бошданоқ билган эди. У ўн олти йил никоҳсиз яшашга ҳам (1922 йилга келибгина Анна Цакни ажралишга розилик бергач, эр-хотин расман никоҳ ўқитади), эрининг ҳукмфармолигига ҳам, Грасс кўрғонидагидек “хиёнат”ларига ҳам сабр-бардош билан чидайди.

Вера Бунина адиб вафотидан сўнг саккиз йил мобайнида ундан қолган қўлёмалар, хат-хужжатларни тартибга солиш билан машғул бўлади. Марҳум ҳақида “Буниннинг умр йўли” ва “Хотиралар билан суҳбатлашганда” каби асарлар яратади.

Эҳтимол, бугунги грассликлар яқин ўтмишда бу шаҳарчада оламга танилган бир ёзувчи яшагани, дунё адабиётини бойитган кўпгина мумтоз асарларини айнан шу ерда яратганидан беҳабардир. Аммо Францияга йўли тушганда адиб руҳи қолган манзилларни эринмай кезадиган, “абдий дарбадар” Иван Бунин билан унинг фидойижон рафиқаси кўним топган сўнгги макон – Париж яқинидаги Сен-Женевьев-де-Буа қабристонини зиёрат қиладиган чинакам адабиёт муҳиблари ҳам кам эмас.





## FIKR VA XAYOL CHORRAHASIDA

*Yozuvchi Shoyim BO'TAYEV  
mutolaa qiladi*

**“...МОЗИЙҒА РУЖУЪ ДУРУСТ ЭРМАС”**

Аттухфатуз закиятү филлуғатит туркия. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1968.

Абдурауф Фитратнинг қайд этишича, “Эронда арабча ҳоким бўлган бир замонда ёзилган “Шоҳнома”да арабча сўзлар йўқ даражада оздир. Фирдавсий бу икки тилакни (*биринчи тилак – Эрон усулини арабдан совутиб, эронли туйғусини бермак; иккинчи тилак – араб тилини Эрондан суриб чиқармак*) билиб, онглаб ишга киришганини билдирмакчи бўлиб ёзадурким:

*Басе ранж бурдам соли си,  
Ажам зинда кардам ба дини форси, –*

демишдир. Туркчаси: “Бу ўттиз йил ичинда кўп эмкандим. Эронни форсийча ёздигим шу китоб ила тиргиздим”, демакдир. Форсий тили, шундай қилиб, ёқасини қутқармиш. Лекин бизнинг бахтсиз туркчамиз бир Фирдавсийни етиштира олмамиш”.

Бир маъно неча рангда англанишию (ййгламоқ, инграмоқ, синграмоқ, инчқирмоқ, ййгламсинмоқ, ўқирмоқ, сиқтамоқ – **Алишер Навоий**) бир ўзақдан неча сўз чиқишини (бил, билар, билажак, билғуси, билгай, билса, билсачи, билай... – “99 сўз тамури буйруқ “бил” сўзи” – **Абдурауф Фитрат**) исботлаган мутафаккирлар туркий қавм ва туркий лафзнинг аввалги юксак нуфузини тикламоқни орзу қилган эди.

Шукрки, халқ ўз тилининг оҳори ва қадрини, барибир, асрлар оша сақлаб қолди. Бу, айниқса, оғзаки ижод намуналари – достону эртак, термаю лапар, топишмоғу мақолларда яққол кўзга ташланади. Фольклордан теран баҳра олган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит-турк” асари асрдан-асрга қадри баланд бўлиб ўтаётгани шундандир балки. Унинг мўъжазроқ бир бўлагидек таассурот уйғотувчи “Аттухфатуз закияти филлуғатит



туркия" қипчоқ тилига асослангани, илло "туркий халқлар ҳаётининг барча босқичларида кучли мавқега эга бўлган қипчоқлар" (**Н.Баскаков**) мустақил хонликка асос солгани боис талай қабилалар уларга бўйсуниб, тил бобида ҳам мослашганини қайд этган ва қипчоқ тилининг ўзбек тилига ҳар жиҳатдан яқинлигига қатор далиллар келтириб, "Аттуҳфа"ни "Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа" номи билан ўзбекчалаштирган Солиҳ Муталлибов (Кошғарий "Девон"ини ҳам шу фидойи тилшунос нашрга тайёрлаган) китоб сўзбошисида бундай ёзди: "Туркий халқлар, жумладан, туркий тиллар бениҳоят мураккаб ҳаёт йўлларини кечирдилар. Араб истилочилари даврида айрим асарларгина эмас, туркий тилдаги бошқа ҳужжатлар ҳам ўтга ёқилди. Мўғуллар истилоси даври туркий тилларни сиқиб чиқариш, мўғуллаштириш каби ўта ҳужум даври бўлди".

Бизгача етиб келган ягона нусхаси Истанбулдаги Валидуддин кутубхонасида сақланаётган "Аттуҳфа"да ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзудаги асарларимизда маъносини билиб, ўрнини топиб қўлласа, адабий тилимизни чандон бойитадиган сўзлар кўп. Шу жиҳатдан, "Аттуҳфа" сўз деҳқони бўлган шоиру ёзувчилар жонига ора кирадиган манбадир. Унинг ҳар саҳифасида, қадим нақлларда лутф этилганидек, дуру гавҳарлар, забаржаду ёқутлар сочилиб ётибди. Нигоҳи тушган ҳар кимса топтаб, бекадр этмаслиги учун улар ўзини сирли қобиқ билан ўраб, ҳифзу ҳимоялаб олган гўё. Қобиқ ичидан мағзни очмоқ учун эса туркий халқлар тарихи, инонч-эътиқоди, маданияти, турмуш тарзидан бохабар бўлмоқ лозим.

Шунга кўра, "Аттуҳфа"даги аждодларимиз қўллаган сўзлар тарихий-сиёсий, ижтимоий-руҳий жиҳатдан юксак аҳамият касб этади. Масалан, 15-саҳифадан жой олган "Ер ва унга боғлиқ нарсалар" фаслидаги ўн етти сўздан икkitасига эътибор қаратамиз. Биринчиси "мурт" сўзи бўлиб, нашрга тайёрловчи унга "асос", "фундамент" деб изоҳ берган. Дарҳақиқат, "асос", "пойдевор", "фундамент" сўzlари ёзма нутқда кенг қўлланиб, "мурт" сўзи деярли истифода этилмай қўйган. Аммо халқ ўз нутқида бу сўз тамомила йўқолиб кетишига йўл қўймаган. Ўсмирликдан йигитликка ўтаётганлар ҳақида бугунги адиб "мўйлови сабза уриб, кўзга ташланиб қолди", деган оҳанжомеа жумлани қоралаб ўтирганида халқ соддагина қилиб "мурти ниш урипти, бошини икки қил", дейди-қўяди. Демак, ниш урган муртнинг, кўзга ташланиб қолган сабзанинг келажақда оқариб боражак тук – мўйловга асос бўлишида болалик-ўсмирликнинг йигитлик-эрликка – улғайиш, балоғат, баркамолликка асос бўлиши маъноси ҳам ётади.

Туркийғўй қабилаларни ягона туғ остида бирлаштириш аждодларимизга буюк фатҳ қудратини бахш этган. Шу сабаб Александр Македонский, Юлий Цезарь номлари қаторида бизнинг қавмга мансуб уч буюк зот – Атилла, Чингизхон, Амир Темур номлари ҳам тарих саҳнидан тушмай келаётир. "Аттуҳфа"даги баъзи сўзлар ана шу улуғ саркардаларнинг зафарли юришлари, букилмас иродасини ҳаёлингизда жонлантириб юборса ажаб эмас. Нашрга тайёрловчи шундай сўзлардан бири – "қақач"га "қоқ гўшт" деб изоҳ беради. Балиқчи балиқни дудлаб қоқлагани каби чорвадор ҳам мол сўйиб, гўштини қоқлаб – қуритиб олиши кўпчиликка аён (бундай эт "сургўшт" ҳам дейилади). Собиқ шўро армиясида хизмат қилганлар ойлаб қозон осмай, "сухой паёк" деган озуқа билан таомланиб юрганини хотирлайди. "Сушой паёк" ўшанда "тушонка" деб аталувчи консерваланган гўшту қотган нондан иборат бўлган. "Қақач" эса "сухой паёк" қадимданоқ бўлганию уни қоқгўшт, курут, талқон ташкил этгани ва уни от устидан ҳафталаб, ойлаб тушмайдиган турклар ўйлаб топганидан далолат беради. Атилланинг Рим устига иккинчи юришида Шарққа юзланган бўри тасвирли байроқ остида турли туркий қабилаларнинг олти юз мингдан ортиқ қўшини бирлашгани тарих китобларида битилган. Шунча қўшиннинг бир кунлик озиқ-овқати қанча бўлишини тасаввур этган заҳоти кўз олдимизда по-





да-пода қорамолу сурув-сурув қўиларнинг чанг-тўзон кўтариб, уфққа сингиб бораётгани гавдаланади. Яшиндек тезкор Атилла лашкари оёғини “тушов”дан айнан қақач халос этган. Чингизхон, Амир Темури қўшинлари ҳам бу усулдан фойдаланган.

“Аттухфа”нинг 16-саҳифасида “қурут” сўзига “пишлоқ”, “қурилган қатиқ” деб изоҳ берилган. Ўлкамизнинг чўл ва тоғли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли орасида ҳозирга қадар қурут (туз ҳам шунинг ичида), қотган нон, озгина сарёғ ва қайнаган сувдан тўйимли овқат – куртова тайёрланади. Турклар қўчманчи турмуш тарзи асосида, чорвачилик ривожига боғлиқ тарзда яратган “кашфиёт” ҳамон унут бўлмагани ҳайратланарли.

“Аттухфа”даги чорвачиликка оид сўзлардан намуналар келтирамиз: қисрак – туя оғилхонаси, боша – қўш туёқпилар, боктар – туя устида ўтириладиган жой, шоршак – қари туя, бурундук – туяга солинадиган нўхта, қутуз – қутурган ит, қашқалдоқ – пешонасида қашқаси бор от, барс – ов ити, булан – ёввойи эшак, қиртиш – ит сағриси... “Тайлак” (ёки “кэшак”), “куна” (ёки “дуна”), “қужун”, “шишак” сўзларига туя, қорамол, қўй-эчкининг “икки ёшли боласи” деб изоҳ берилган. Аммо бундай изоҳ мантиққа зид. “Бола” сўзини фақат инсон фарзандига нисбатан ишлатиш жоиз. “Кўчўк”, “анук”, “ўрўк” сўзлари кучук, ит болаларининг номи экани ҳақида изоҳ берилган. Аммо қайси ёшдаю қайси тусдагиси шундай ном билан аталгани ҳақида лом-мим дейилмаган. Шу маънода, “Аттухфа” ҳозирги кунда янгитдан тадқиқ этилиб, изоҳлар янгиланишига ва жамоатчилиikka тақдим этилишига муштоқ манбадир.

“Аттухфа”га доир фикр-мулоҳазалар ҳар бир халқ лисони бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш эвазига бойиб боришини инкор этмайди. Айниқса, глобаллашув замонида бусиз асло мумкин эмас. Таниқли физик олим бир даврада “Менга ёзиш учун ҳам, маъруза ўқиш учун ҳам рус тили кўпроқ қулайлигини ҳис этаман” деди-ю, таъна-дашномга қолди. Шунда у лабида табассум билан “Эҳтимол бунинг сабаби Россияда табиий фанлар, жумладан, физика юксак тараққий топгани, янги-янги атама, постулат ва қоидалар дастлаб шу тилда баён этилгани учун бўлса керак”, деган эди, бу гапи кўпчиликке маъқул тушди. Демак, теранлашаётган фикр қашшоқ тилни бойитиб гўзаллаштиргани каби, саёзлашаётган онг ҳам бой тилни қашшоқлаштириб хунуклаштириши ҳеч гап эмас экан.

Ҳар қандай халқ барча жабҳада, чунончи, тил бобида ҳам мудом тараққиётга интилади – бусиз у эртанги кунини таъмин этиши душвор. Шу жиҳатдан, нуқул ўтмишга маҳлиё бўлмай, келажакка кўз тутмоқ жоиз. Буюк жадид бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг машҳур нақлини бир оз ислоҳ қилиб айтсак, “...мозийга ружуъ дуруст эрмас”.



## ТАРИХГА ХОЛИС НАЗАР – ИБРАТДИР

Михаил И в а н и н. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темури. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1994.

Бирор халқнинг заволи бошқа халқнинг камолига сабаб бўлишини тарих исботлаган. Атилла қўшинининг Европага юриши шунчаки босқинчилик бўлмай, Рим империяси таназзули билан чамбарчас боғлиқ эди. Худди шу каби Туркистонда ҳам кейинги асрларда Амир Темури давридаги каби тартиб, адолат ҳукм сурганида эди, XIX асрда Рус империяси бу ўлкани босиб олиши у ёқда турсин, бундай кучли давлат сарҳадининг нарги ёғида империячилик гоёси куртак отмаёқ паторат топарди. Зеро, “халқлар тарихи бизга шуни кўрсатадики, ҳокимиятнинг бузилиши ва истибоднинг ҳаддан ортиши инқилобга сабаб бўлади. Аммо истибод ва ҳукумат зулми асрлар бўйи давом этса, бу ҳол бутун халқлар феълининг бузилишига олиб келиб, халқнинг ор-гурурини ва она ватанга муҳаббатини ўлдиради, давлатнинг ички кучини барбод қилади” (М. Иванин).

1839-40 йилларда Рус империясининг Хивани босиб олиш учун уюштирган экспедицияси катта талафот кўриб ортга қайтади. Ана шу юришда қатнашган подполковник



Михаил Иванин кейинчалик зобит ва ҳарбий тарихчи сифатида Ўрта Осиё халқлари ўтмиши билан қизиқади, соҳибқирон Амур Темурдек зотни етиштирган бу заминга эгалик қилишда кучнинг ўзигина етарли эмаслигини фаҳмлайди. Туб аҳолининг этнографияси, тарихи, четдан келган ва ўзидан етишган эзувчилардан кўрган жабр-зулми унинг назаридан четда қолмайди. Узоқ йиллик изланишлари маҳсули ўлароқ “Мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон билан Амир Темур даврларидаги ҳарбий санъати ва истилолари” деган асари вужудга келади. Асарнинг Акмалжон Маҳкамов таржима-сидаги ўзбекча нашрига сўзбоши ёзган Юсуф Музаффар бундай дейди: “Аммо бу асар яна шу жиҳати билан диққатга сазоворки, унда Осиё ва Европанинг катта бир қисми халқларининг Чингизхон ва унинг авлодлари давридаги тарихи ҳамда тарихимизнинг яқин кунларгача атайлаб қора чаплаб келинган ёрқин бир қисми – Амир Темур даври бир қадар холисанлиллор ёритилган; бу икки буюк саркарданинг ҳарбий санъати, истилолари тарихи ҳамда улкан салтанат тузиш ва уни бошқариш учун юргизган сиёсатлари ҳарбий мутахассис ва сиёсатчи нигоҳи билан чуқур таҳлил қилиб чиқилган (Мана шу туфайли ҳамда қисқалик ва асарнинг муаллиф қўйган номига мазмунан яқинлик нуқтаи назаридан қўлингиздаги мазкур китобга “Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур” деб ном берилди).”

Европа олимларининг, ҳатто Фридрих Энгельснинг Амир Темур буюк салтанат бунёд этгани ҳақидаги эътирофи ҳам ўзимиздан чиққан “донишманд”ларни жазавадан қутқара олмади. Чингизхон ва Амир Темурга ҳам чор Русияси, ҳам собиқ Иттифок даврида салласини ол деса, калласини олиш қабiliда муносабатда бўлигани сир эмас. Рус ҳарбийси эса бир ярим аср муқаддам шу тарихий шахслар ҳақида адолатли гапларни дангал айтишга журъат этгани эътирофга лойиқ, албатта. Иванин шундай йўл тутар экан, Осиё тарихига, буюк зотлар шахсига объектив ёндашувгина ўз халқининг келгусидаги зафарларига омил бўлишига ишонади: “Чингизхон ва Амир Темур истилолари даврини инсоният учун энг фалокатли ва қонга беланган давр деб ҳисоблайдилар. Лекин гап ҳокимият ва инсон учун энг қимматли нарсаларни эгаллаб олиш ҳақида борганда, ҳамма босқинчилар ҳам шафқатсизликда деярли бир хилдир. Спарталиклар ўзини боққан илотларни бир неча маротаба қиличдан ўтказган; Арастунинг шогирди бўлмиш Александр Македонский Фивани талон-тарож этган, Тир аҳолисини шафқатсиз қатлиом қилган...; Цезар Галлияда шафқатсизликда ундан қолишмаган.” (Атилла Рим шаҳрини ишғол этишига бир баҳя қолганда Император унинг ҳузурига катта пешкашлар билан Папани йўллайди ва туркий ҳукмдор ғанимга шафқат кўрсатиб, шаҳарни оёқости қилмайди.)

Муаллиф илмий мантиққа таяниб фикр юритади ҳамда Чингизхон ва Амир Темурга бундай холис баҳо беради: “Бу икки лашкарбоши қўшин ташкил қилиш, уларни бошқариш, ҳал қилувчи пайтда жанг майдонига аскар юбориш, тўсиқлардан ўтиш учун табдирлар ўйлаб топиш, узоқни кўра билиш маҳорати, баҳодирона ташаббус ва характер кучи билан қадимги ва янги даврдаги буюк ҳарбий даҳолар билан бир қаторда туради”.

1875 йили Санкт-Петербургдаги Бош штабнинг ҳарбий-илмий кўмитаси генерал-лейтенант Н.Голицин масъул муҳаррирлигида нашр этган мазкур асарнинг мақсад-муддаоси Чингизхон ва Амир Темурни улуғлаш бўлмаган, албатта. Шу маънода, ўтмишга баҳо беришда ёлғиз ҳақиқатгина нафли бўлишини чуқур англаган империячилар рақибнинг заиф томонларини қандай билишу бундан қандай фойдаланишни душманнинг ўзидан ўрганишга ор қилмаган. Зеро, шундай хусусиятлар Чингизхон ва Амир Темурга ҳам ёт эмас эди.

Муаллиф Чингизхоннинг диний ва сиёсий ишларга оид қарорларидан айримларини зикр этар экан, ўқувчи бугун ҳам улар ўз аҳамиятини сақлаб қолганига ишонч ҳосил қилади. Мана улар:

– осмон ва ерни яратувчи, ҳаёт ва ўлим, бойлик ва қашшоқлик берувчи, ибодатларимизни қабул қилувчи ёки рад этувчи ягона Худони тан олиш;



- диний эркинлик бериш, зеро, Худонинг ягоналигига имон келтирилса бас;
- ислом уламолари, қозилар, сўфийлар, қорилар, табиблар, ғассоллар, гадоилар солиқ тўлаш, оғир ишлар, жамоат юмушларидан озоддирлар;
- қурултойда ҳокимлар, лашкарбошилар ва бошқалар тарафидан сайланмай, ўзини хон деб эълон қилган киши ўлим жазосига мустаҳқидир.

Дарҳақиқат, туркий қавмларда азал-азалдан ўз бошлиқларини бирор муддатга сайлаш удуми бўлган. Улар бу удумни адо этар экан, номзодга турли шартлар қўйган. Жумладан, у амалга ўтиргач, кибрга кетиб тубанлашса – қавмдошларини назар-писанд қилмаса, ёлғон баҳоналар билан қилмишини хаспўшласа, ўзгалар молига кўз олайтирса, қавм мулки ҳисобидан бойлик тўплаб, ўзи ва оиласига қулайлик яратиш пайида бўлса, ҳамқавмлар олдида жавоб бериб, жазога тортилиши муқаррар бўлган. Бундай урф-одатлар “шахснинг емирилиши” (Максим Горький) иллати олдини олган. Туркийларнинг бу урф-одатларига чингизийлар ҳам амал қилган, янги сайланган хонни сарой ёки чодир ўртасида қора кигизга ўтқазиб, унга бундай сўзлар айтилган: “...Сен сояси бўлган азалий ва абадий Яратувчини таниб ол, ўз ҳукмдорлигинг даврида... Унинг илоҳий иродасига амал қил. Агар бу иродага қарши борсанг, бу дунёда қаттиқ жазога дучор бўласан, сенда ўтирган шу кигизинг қолади, холос”.

Шарқ муаррихларининг қўлёзмалари, чунончи, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асари орқали биз Чингизхон ҳақида айрим тасаввурга эгамиз. Унинг шахси ҳақида баъзан шу қадар қарама-қарши фикрлар айтиладики, улар Чингизхон қиёфасини мавҳумот пардасига ўрайди. Унинг шахсида ўзаро зиддек кўринган хусусиятлар, аслида, бир-бирини тўлдириб, яхлитлик касб этади. Масалан, Чингизхон ўз қаламравига олган мамлакатларда адолатли жамият тузишга интилади. Турли динларга мансуб раият орасида бағрикенглик муҳитини яратади. Ўғрилиқ, талончилик, ёлғончилик, хиёнат каби иллатларга қарши курашади. Қалбаки гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, порахўрларни ўлим жазосига ҳукм қилади.

Босиб олмоқни мўлжаллаган ўлкаларига нисбатан эса у аксича сиёсат олиб боради. Бу мамлакатлар аҳолиси орасида ёлғонни урчилади. Одамлар феълини бўшаши-рувчи турли нағма-муסיқаларни ёяди. Ахлоқий айнишга эришиш учун бузук аёлларни ишга солади. Пуч ваъдалар билан одамлар бошини айлантиради. Ҳар тарафга айғоқчиларни сочиб, миш-миш тарқатади. Нуфузли кишиларни беобрў қилиб, хорзорликка маҳкум этади. Ўз мақсади йўлида энг пасткаш кимсалар билан махфий алоқа боғлайди. Ҳийлагарлигу мунофиқликни қилич ва найза билан баб-баравар ишлатишдан ҳазар қилмайди.

Сарой ялтоқиларининг ўз манфаати йўлида “Худонинг ердаги сояси”, “амир ал-муслимин”, “шоҳи жаҳон” деган баландпарвоз сифатлар билан улуғлаши Мухаммад Хоразмшоҳга мойдек ёққан бўлса, Чингизхон, аксинча, “хоқон” унвонидан бошқасини ўзига тиркамоқчи бўлганларни қаттиқ жазолайди. Мухаммад Хоразмшоҳ мамлакатда ўз кўнглига сиққанича ва онаси Туркон Хотун иродасича сиёсат юргизган бўлса, Чингизхон қурултой рухсатисиз уруш ҳаракатлари бошлаши мумкин эмас эди. Ўтрорда Иналчук қиличдан ўтказган савдо қарвонида ўз қариндошлари борлиги эса уруш бошлаши учун қурултой олдида унинг тилини узун қилади. Одамларга баҳо бериш, уларни сарак-пучакка ажратишда ҳам Мухаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон орасида еру осмонча фарқ бор эди. Туркон Хотун қароли Носириддинни вазир лавозимига кўтарганида, Мухаммад Хоразмшоҳ порахўрлиги учун уни амалдан четлаштирса ҳам, бу кимса шоҳ волидаси паноҳида яна ишини давом эттираверади. Чингизхоннинг лашкарбоши Исатой ҳақида айтган гапларидан эса унинг ўқоридагидек калтабинликка ҳеч қачон йўл қўймаслиги аён кўринади. “Мен Исатойдан мардроқ одамни билмайман, – дея эътироф этади Чингизхон. – У эга бўлган фазилатлар бошқаларда йўқ. Энг қийин кўчишлар ҳам уни чарчата олмайди. У очликка ҳам, ташналикка ҳам парво қилмайди – ўз жангчиларини ҳам шунга қодир деб ўйлайди. Мана шундай ўйлаши сабабли у бош қўмондон бўла олмайди”. Чин-



гизхоннинг эътирофича, хоқоннинг бош фазилати — мулозимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишидадир. Бундай фазилатдан Муҳаммад Хоразмшоҳнинг маҳрумлиги унинг сиёсий таназзули, ҳарбий мағлубиятига сабаб бўлди. Оқибатда босқинчига қаршилиқ кўрсатиш ўрнига Самарқанд қозиси ва муфтиши шариат пешволари билан бирга Чингизхон ҳузурига шафқат сўраб боради. Ички низолар, ижтимоий адолатсизлик, бир-биридан қасд олиш ниятида душманга орқа қилишлар қилич яланғочлаб келган ёғийдан ҳам хавфли ғанимлар эди. Буни англаган Чингизхон мўғул лашкарини жангга йўллаётиб, унга бундай далда беради: “Сиз ўйлаганингиздан кўра камроқ тўсиққа дуч келасиз”.

Китобни ўқиш асносида ҳаёлингиздан шундай фикр ўтади: босқинчининг бутун айбини унинг “босқинчи”лигидан излашга мойил “алломалар” илмда ҳиссиётни жиловлаш даркорлигини М. Иваниндан ўргансалар кўп яхши бўлар эди. Муаррих Русия империяси ўшанда Ўрта Осиёни босиб олмаган бўлса-да, Туркистон ўтмишини чуқур ўрганиб чиққан, тез орада зафар қўлга киражагини башорат этиб, қуйидаги таклифларни билдиради:

— ҳарбий юришларда асосий улов бўлган отларни шу муҳитга мослаштириб, чидамли қилиш;

— чўл юришлари учун ўргатилган туяларда жанг қила оладиган аскарларни тарбиялаш;

— Осиёни ҳарбий жиҳатдан ўрганиш учун асосан шу мавзуда маълумотлар босиладиган, давлат маблағи ҳисобидан чиқадиغان “Осиё” журнаlinesи нашр этиш ва муаллифларни рағбатлантириш мақсадида Осиё билан таништирувчи мақолалар учун мукофотлар белгилаш;

— Бош штаб қошидаги Николаев академиясида Чингизхон, Амир Темур, Нодиршоҳ ва Осиёнинг бошқа буюк лашкарбошилари юришлари ҳақида дарслар ташкил этиш ва зобитларга Осиё тилларини ўргатиш;

— Англия Осиё жанубида ўз мавқеи ва таъсирини мустаҳкамлаб бормоқда. У ёлғон сиёсатга ружу қўйиб, Русия манфаатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этиши мумкин, бунинг олдини олиш учун Ўрта Осиё билан туташ жануби-шарқий чегара худудларида туячилик ва йилқичиликни ривожлантириш;

— Чингизхон ёки Амир Темурга ўхшаш дохий чиқишидек умумий хавф олдида барча бирлигини (Англия каби муҳолиф ҳам) эътиборга олиб, Ўрта Осиёни сиёсий жиҳатдан ҳозирги аҳволида тутиб туриш учун Англия билан дўстона, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга интилиш;

— Ўрта Осиё халқлари ичида битта йирик жамият юзага келишига йўл қўймаслик, бошқа барча жамиятлар унинг атрофида жипслашиши ва оқибатда яна қудратли халқ юзага келишига жон-жаҳд билан қарши туриш.

Орадан кўп ўтмай, режа амалга ошади. Чингизхон истилоси даврида отаси Муҳаммад Хоразмшоҳнинг чекиниш режасидан хабар топиб, ундан мўғуллар билан жанг қилишга рухсат сўраган Жалолиддин Мангубердининг жиллакурса халқ лаънатида дучор бўлмаслик учун ҳам курашайлик деган оташин даъвати замиридаги ор-номус орадан асрлар ўтиб ҳам бир-бирига ҳануз адоватда бўлган Ўрта Осиё ҳукмдорларининг кўзини очмаган эди...

## МУҚАДДАС ФИКР

**Явдат Илёсов. Суғдиёна. Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти, 1994.**

Қадим замонда (эҳтимол қадим ҳам эмасдир!) бир мамлакат подшоши тарихда қолиш илинжида суратини чиздирмоқчи бўлибди. Шоҳ амри — вожиб: энг донгдор рассом ҳукмдор сиймосини матога муҳрлабди. Шоҳ мамнун бўлиб, расмини саройга илиб қўйибди. Орадан йиллар ўтиб, иккиси ҳам дорилбақога риҳлат этибди. Одамлар шоҳни эсдан чиқарибди. Лекин мусаввир унут бўлмабди. — расмдаги буюқлар кўчиб тушиб, унинг ортида рассом қиёфаси (автопортрети) намоён бўлибди.





Бу ривоят замирида санъатнинг умрбоқийлигига далолат этувчи ҳикмат ётибди. Бу умрбоқийликка на зўравонлик, на мол-мулк, на чексиз салтанат – ҳеч нарса дахл қила олмайди.

Ҳар бир ҳақиқий асар, у қайси замонда яратилганидан қатъи назар, муаллиф автопортрети ўлароқ, вақт ўтган сайин сиртидаги чанг-чунгни тўкиб, асл дурдона эканини намоён этади. Шу маънода, санъат моҳиятини, аввало, дид белгилаши мангу ҳақиқат бўлиб қолаверади – айтийлик, мис чақани олтин фаҳмлаб хато қилганини англаш одамга қанча алам қилса, олтинни мис чақалар орасига итқитиб юборганини фаҳмлаш ҳам уни шунча изтиробга солади (Сомерсет Моэмнинг “Ой ва сариқ чақа” романини эсланг). Бугун, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласи жиддий кўндаланг қўйилаётганда, бу – янаям муҳим.

Шу маънода, XX асрда рус тилида ижод қилган Явдат Илёсов отли миллий адаби-миз мероси бугун ҳам қалбимизни ҳаяжонга солаётгани билан қадрли. Унинг жисман орамызда йўқлиги шу боис ҳам сезилмайди – биз унга китоблари мутолааси орқали руҳан ёвуқлашиб бораверамиз. Явдат Илёсов асарларининг бирорта саҳифасидан лоқайд ўтолмаймиз, худди бекатда тўхтаган йўловчи каби, бир лаҳза тек қотамиз, энти-киб нафас оламиз, мижжаларимиз намланади, тозаргандек бўламиз. Ва биз қачондир яшаб ўтган бу ҳақиқий ижодкорга ўтмишдан туриб ҳам кўнглимизни англагани учун ташаккур билдирамиз, сиз барҳаётсиз деб айтамиз – “Агар ман ўлсам асло қаро тупроқ-дин ахтарманг, / Яшарман аҳли ориф кўнглин мангу макон айлаб” (Жалолиддин Румий).

Явдат Илёсовнинг бир-биридан гўзал, бир-биридан теран “Ғазаб сўқмоғи”, “Чипор ажал”, “Қора бева”, “Олтин санам”, “Анахита қасоси”, “Қисмат сеҳргари”, “Сукут минораси” каби асарлари орасида “Сугдиёна” романи бағоят жозибали. Бу – адиб истеъдодининг бутун саховатидан баҳра олган, унинг қалбидан нур эмган, бадий тафаккурдан жилоланган дурдона асардир. Шу боис не-не илмий манбаларни ўзига сингдириб олганига қарамай асло қуруқлашиб кетмаган. Чунончи, ёзувчи юнон мифологиясини ҳар қанча чуқур ўрганиб, эгаллагани билан унга маҳлиё бўлиб қолмайди.

Айтинг, қайси зўравон ўзини илоҳий сифатлар-ла улуғлашга уринмаган? Хўш, бунинг замирида қандай чиркин мақсад ётади? Ёзувчи асарда босқинчию зўравонлар ўзини улуғвор кўрсатиш учун ўйлаб топган ҳийлаларни шу қадар нозик киноя билан тас-вирлайдики, ҳар қандай китобхоннинг юраги ҳам туйқус зирқираб, ўзига четдан назар ташлашга чоғланади. Мустабид – Худонинг ердаги сояси экани ҳақидаги гап қанчалик сафсата бўлса, Александр ва Тангри Аммон алоқаси ҳам шунақадир. Орадан минг йил-лар ўтиб, Александрдан турфа афсоналардан ўзга ҳеч вақо қолмай, унинг Македонияси дунёнинг бир пучмоғида нўхатдек кичрайиб ётган чоғда ҳам бундай васвасалар абас топмагани ажабланарли. Тарих баҳонасида адиб ўз замонасида кўраётганларини бадий тафаккур кўзгусига солади. Шу асно у ўтмиш билан бугунни боғлаб турган йўлак очқичини топишга эришади. Ҳамма гап – ана шунда!

Романни батафсил тадқиқ этишни сўз санъатидаги ушоқ ҳодисаларни ҳам назардан қочирмай баҳолашга қодир адабиётшуносу тадқиқотчиларга қолдирган ҳолда, асар сюжетига Александр Македонскийнинг форслар билан жангию ундан кейинги тарихий воқеалар асос бўлганини эслатиш кифоя. Эрон шоҳи Доро мағлубиятини унинг халққа ўтказган чексиз зулми билан ўзига ортиқча бино қўйгани оқибати деб баҳолаган бош қахрамон Спитаменнинг босқинчи форсларни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ – “чунки сизлар ҳамманглр фақат оласизлар-у, лекин ҳеч нарса бермайсизлар. Биздан ҳам, бошқа халқлардан ҳам олтинларни оласизлар. Мол-ҳолни оласизлар. Одамларни оласизлар. Лекин ўрнига ҳеч нарса бермайсизлар. Қаерда, қачон, ким бундай аҳволга узоқ чидаган, а? Мана, нима учун бошинга оғир кун тушганда, ҳамма сени ташлаб кетди, Эй Дориёвуш Кодомон, жон бераётганинда ҳеч ким томоғинга бир қултум сув томиз-майди. Ҳамма жиноятлари учун Худо аҳмоний авлодига шундай жазони раво кўрган”.



Асли форслардан бўлган Бахтрия ҳокими Бессга халқ қалбида тариқча меҳр йўқ, чунки у ҳокимлик даврида раиятдан беҳад нафратланган, унга заррача шафқат кўрсатмаган. Адиб тарихий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда воқеликни холис тасвирлар экан, мустабидга ўз нафратини ҳам очиқ ифода этади – “У ...бирон бир кентга бормоқчи бўлса, тантана билан кутиб олмоқ учун икки ой тайёргарлик кўришарди-ю, бироқ ҳеч ким унинг кимлигини суриштирмасди. Бесс бу – Бесс, ахир, падарига лаънат”. Тасвирланаётган воқеалик қанчалик олис замонларда кечган бўлмасин, ёзувчи ривоясида замонавий ҳақиқат барқ уради, негаки, шоҳми-гадоми, адабий аҳоли уники: у идора этади, у баҳо беради.

Гарчи қилмишларини тан олмаса-да, Бесс ички ҳиссиёт ила ўзининг кимлигини англаб туради, шу боис ҳам Суғдиёна ҳокими Спитамендан ҳайиқади. Негаки, Спитамен қиёфасида халқ виждони гавдаланади. Спитамен қасоси халқ қасосига айланади.

Оддий юнон Феагеннинг Александрга нафрати осийлик авомнинг Доро ёхуд Бессга нафратидан кам эмас. Феаген – ташландиқ. Унинг билагида куч бор, аммо муҳит очликка маҳкум этган, жамият чиқиндисига айлантирган. Феагендек минг-минг бекорчи аскарликка ёлланишга мажбур. Улар урушни хоҳламайди, аммо очдан ўлмоққа ҳам рози эмас. Қизиғи шундаки, орадан минг йиллар ўтган эса-да, ровий Феагенга худди қадрдон кишисидек қарайди: инсоний ҳамдardлик пайдо бўлганда эса миллий тафовут йўқолади. Феаген “ўзининг ҳамма қилмиш-қидирмишларини бирма-бир хотирлар, лекин ҳеч бир номуносиб нарса тополмас эди. Ҳалол яшади. Ҳалол меҳнат қилиб, ўзи ва отасини боқди. Нега у азоб чекади” – бу моҳиятан фақат ўтмишгагина дахлдор гап эмас. Бунда замонлар абас топган. Дунё ўзгарган, инсон қиёфаси ва яшаш тарзи ўзгарган – моҳият эса ўша-ўшалигича қолган. Шу боис ёзувчи ўтмиш воқелигини худди ўзи кўргандек тасвирлайди ва унга бизни чиппа-чин ишонтиради.

Явдат Илёсовнинг серқирра истеъдоди, эҳтиросли қалби маҳсули бўлган бу асар “ватанпарварлик”, “донишмандлик” ва “жаҳонгирлик” (Спитамен, Арасту ва Александр қиёфаларида) тушунчаларини бирлаштиради. У сюжетни мароқли ҳикоя қилиб бериш, бир тарихий шахсни улуғлаб, бошқасини қоралаш каби жайдари ёндашувни чиппака чиқариб, Инсон феноменининг мураккаб қирраларидан баҳс очади.

Асар матнида дам-бадам шундай тағмаёноли иборалар учрайдики, улардан зукко китобхон ўзи хулосалар чиқариб олар:

*“Шохлашиб уришаётган ҳўкизлар подаси бўрини эсига келтирмайди, ...бўри эса дафналар орасидан ўлжасига ваҳшиёна тикилиб туради”.*

*“Қонун мол-мулкни эгасига абадий беркитиб қўйганидан камбағалга нима фойда? Ахир камбағалнинг ҳеч нарсаси бўлмаса, унга ҳеч нарса биркитиб қўйилмаган бўлса.”*

*“Одам тирик чоғида унинг чеккан озорлари ҳеч кимга таъсир қилмайди, томоқ қирилиб кетгунча ҳамдardлик сўраб қичқирса ҳам, барибир, унинг нолапарига ҳеч ким жавоб бермайди; гарчи энди унга ҳеч нарса керак бўлмаса ҳам, ўлган киши атрофида негадир мудом иши ва сўзи билан холисона ёрдам беришга хайрихоҳ одамлар уймалашиб қолади”.*

*“Одам ўзига ўхшаганларни ейишдан олдин қанча дабдабали гапларни тўқиб чиқармайди? Ўзи ҳақида “яхшилик”, “ҳақиқат”, “адолат”, “бахт-саодат”, қурбони ҳақида “дандан қайтган”, “тинчликни бузувчи”, “халқ бахт-саодатининг душмани” – бу гапларнинг ҳаммаси ўз қурбонини осонлик билан ютиб юбориш учун тўқиб чиқарилган”.*

*“Энг разил одам – дунёдаги ҳамма нарсадан ўзини яхши кўрадиган одамдир. Мулоҳим табассумига ишониш керак эмас – муғомбирлик қилаётгани бу. У ўз моҳияти билан разил, шунинг учун ҳам хавфли”.*

Спитамен юнонлар бизни форслар зулмидан озод этиб қайтиб кетади, деб ўйлар, илло, шунча вақт форслар зулмига чидаб келган одам энди яна бошқа бир зулмга дош



беролмас эди – мазкур образнинг асл моҳияти ана шу. Халқ Спитамен ортидан эрга-шади. Ҳоким Ороба ва унинг қизи – Спитаменнинг хотини Заро босқинчиларга сотилиб, Спитаменнинг боши эвазига ўз жонини қутқариб қолади.

Ёзувчи асар бобларига очқич сифатида Низомий, Жомий, Фирдавсий, Эсхил, Гесиод, Страбон, Фукидидлардан олган қошсўзлар қатори Умар Хайёмнинг ушбу рубоийсига ҳам мурожаат этади:

*Кетсам мартабаси ошарми? Қайда?  
Мен келдиму дунё кўрдими фойда?  
Ҳеч ким тушунтириб бера олмади:  
Келишим-кетишим сабаби қайда.*

**P.S.** Истеъдоли шоир Маъруф Жалил ёши бир жойга етганда маълум муддат Ўзбекистон радиосининг “Табассум” журналида фаолият кўрсатган эди. Ижодидан тортиб қиёфасию ўй-фикрларигача ниҳоятда жиддий бу шоир қайдаю, ҳазил-мutoйиба устига қурилган “Табассум” қайда деб, кўпчилик шунинг ўзини ҳам ҳажв қилар эди. Аммо Маъруф ака бошида урингангина мошранг дўппи, лабида сигарет – теварак-атрофдаги гап-сўзларга парвосиз, вақтида ишга келиб, табиатига ётдек кўринувчи радиожурнални ҳам қойилмақом тайёрларди. Тингловчини кулдиргани ҳолда ўзи қовоғини очмасди, тагдор юмори замирида аччиқ ҳақиқатлар ётарди. Кунлардан бир куни у менга “Суғдиёна” китобини келтириб бериб, қимтинибгина:

– Ўқиганмисиз? – деб сўради.

Иш дегани бошдан ошиб ётган, гоҳ у долзарб мавзу, гоҳ бу муҳим тадбирни тезкор ёритиш кўндаланг турган бир шароитда китоб ўқишга вақт қайда?!

– Бир ўқиб чиқсангиз, эҳтимол... радиопостановка қилармиз. – Маъруф ака кўзини олиб қочди. – Зўр ёзган, ярамас.

Китобни ўқиб ҳайратда қолдим. Маъруф ака уни рус тилидан шу қадар маҳорат билан ўгирган эдики, худди ўзбек тилида ёзилгандек таассурот қолдирарди. “Табассум”да ишлатадиган ўткир пичинглари, теша тегмаган ташбехлари бежиз эмаслигига, “Суғдиёна”нинг бепоён матн воҳасида бундай дурдоналарнинг қанча-қанчаси сочилиб ётганига гувоҳ бўлдим ўшанда. Роман асосида, адашмасам, тўрт соатлик радиопостановка тайёрлаб, тингловчиларга етказдик.

– Ёзувчининг руҳи шод бўлди, – деб ёш боладек қувонган эдилар Маъруф ака ўшанда.

Маъруф аканинг айтишича, Явдат Илёсов ҳаётлик чоғи ахён-ахёнда “Сквер”даги хилват бир жойда ёлғиз ўзи, бир шиша винони майдалаб, хаёл суриб ўтирар экан. Уйида жуда катта кутубхонаси бўлган, аммо унинг тақдири шоиримизга номаълум экан. Кейин суҳбат йўсини яна “Суғдиёна”га бурилиб, мен нима учун Спитамен таржимада Спантамаъно деб қўллангани ҳақида сўрайман.

– Спантамаъно номи “муқаддас фикр, маъно”ни билдиради, – дея важ топади Маъруф ака.

– Спитамен-чи?

– Менимча, юнонларнинг тили келишмай, Спитамен деб айтишган. Юнончада Спитаменнинг маъноси ҳам бошқача бўлиб кетар экан.

– Нима бўлар экан?

– Спитамен дегани “шу ерлик киши” дегани экан, уларнинг назарида шунақа-да. Аммо биз учун у – Муқаддас фикр.

Маъруф аканинг мулоҳазалари қанчалик тўғрилигини билмадим-у, аммо унинг сўзидан ҳаяжонланиб кетдим. Ҳа, биз учун шуниси муҳим, шуниси билан бизга қадрли у: Муҳаммад Хоразмшоҳдек қудратли кучга эга бўлатуриб ҳам ёвуз истилочидан оёғи қалтираб ортга қочмаган, Бесс каби ҳокимлик қилиб турган маҳалида халқ нафратига дучор бўлмаган, аксинча, ёвга тик боққан мард жангчи, ор-номус тимсоли, бизни руҳ бедорлигига мангу чорлаб турган ўчмас маёқ – Муқаддас фикр!



## “ҚАЕРДА ТАБИЙЛИК БЎЛСА...”

Андре Моруа. Семейный круг. Москва, “Правда”, 1989.


Йигирманчи асрда, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ўзбек халқи орасида маданий қатлам шаклланишида оммавий китобхонликнинг роли бекиёс бўлгани аини ҳақиқат. Ўшанда чекка-чеккалардаги энг фаромуш қишлоқларда ҳам ишлаб турган кутубхоналарнинг китоблари орасида қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган асарлар рўйхати бошидан Дюма, Вольтер, Стендаль, Бальзак, Флобер, Мопассан каби фаранг адиблари ўрин олгани, уларнинг бир неча ўн, ҳатто юз минглаб нусхаларда чоп этилган китобларининг титилиб кетган жилдларини (айниқса, Дюма асарларини) одамлар қанчалик меҳр билан ямаб-ясқаб олишганини ҳозирги катта авлод яхши эслайди.

Ана шу буюк сўз санъаткорларини ўзига салаф деб билган Андре Моруанинг мазкур китобидан битта роман, талай новелла қатори “Нотаниш хонимга мактуб”, “Ёш дўстимга ҳаёт илми ҳақида очиқ хат”, “Афоризм ва максималар” деган эпистоляр ва паремик жанрларга мансуб асарлар ҳам ўрин олган. Ёзувчининг ҳаёт, адабиёт, санъатга доир қарашлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолгани сабаби – уларда инсон руҳий олами замзамалари ижтимоий муҳит билан вобаста, қолаверса, башарият келажаги ҳақида қайғуриш руҳида ифода топган.

Йигирма яшар йигитга саксонни қоралаган мўйсафид Тангри ато этган умрни қай тариқа оқилона яшаб ўтиш ҳақида йўл-йўриқлар бериши ижтимоий муносабатлар шиддат-ла ўзгараётган XXI асрда ҳам асқатиши, бир қарашда, даргумондек кўринса-да, бироқ даврлар ҳар қанча эврилмасин, инсон табиати, моҳияти бедахл қолиши эътиборга олинса, ҳаётий тажрибанинг авлоддан авлодга ўтиши нақадар қонунийлиги аёнлашади. Марк Аверелийнинг “Ҳар тонгда одам ўзига ўзи бундай демоғи лозим: бугун мени қанча-қанча калтафаҳм, сурбет, кўрс ва муттаҳам кимсалар билан тўқнашув кутаётир” деган сўзларини ўзига шиор этган адиб ҳаёт чиркинликлари бағрида унажак, изтироблар қуршовида тобланажак гўзал, олийжаноб фазилатларга эътибор қаратади.

Сизга омад кулиб бокдим, албатта, ғанимлар ҳам пайдо бўлади. Бу – табиат (ёхуд жамият) қонуни. Нега? Негаки, бу дунёда борлигингиздан ҳам ғашланадиганлар топилади. Барчага бирдек ёқиш қийин. Эгаллаб турган лавозимингиз, элдан олаётган олқишларингиз сизни кўролмасларни оёққа қалқитади. Устига-устак, қулган иқбалингиз тилингизни узун қилиб, тугунларини ечиб юборадики, беихтиёр ножиоз гапларни ҳам вайсаб юборасиз: самимиятни заррача хуш кўрмайдиганлар ҳақида оққўнгиллилик билан айтган гапингиз оғиздан-оғизга кўчади. Бир оғиз киноя ё аччиқ сўз бир умр сизга қарши пайт пойлаб, тиш қайровчи ғаним орттиришингизга кифоя қилади. Аксар одамлар жиндек танқидни ҳам кўтаролмай, қалбда адоват сақлайди. Уларга ўта хушёр ҳолда, минилмаган отлардек гарданини силаб-сийпаб яқинлашиш даркор. Ҳатто сиздан инстинктив тарзда чексиз нафратланувчи каслар ҳам топилади. “Нафрат, – деб ёзади Спиноза, – биз билган ёинки тахмин қилган, ўз табиатига кўра зарарли ва хатарли бирор нарсага қалб кўзғолонидир”. Нафрат – кўролмаслик эмас. Унинг аниқ сабаблари йўқ.

Жамият ҳаёти инсоний муносабатларга чамбарчас боғлиқ. Сўз билан амал бир-бирига терслаганса, на инсон турмуши, на жамият ҳаётида файзу барака қолади. Ахир, иккиюзламачилик, ёлғончилик – барча жирканч иллатларнинг “она”си. “Ёш дўстимга ҳаёт илми ҳақида очиқ хат” асари муқаддимасида инсон ёшлигиданоқ ўз ҳаётини қандай тасаввур этиб, қандай қуриши зарурлигини таъкидлаган Андре Моруа бизга бир неча қоидаларни тақлиф этади. Шулардан бири *инсоннинг фақат ўзи учун яшаши мумкин эмаслиги* қоида-сидир. Ўзи учун яшаш одамзод ўзини бахтсиз ҳис этишининг минглаб сабабларини келтириб чиқаради, дейди ёзувчи. Чунончи, унга ўзи қилган ишлар бошқалар томонидан муносиб баҳоланмаётгандек туюлади, бу эса боёқишни қаттиқ ранжитади ва бахтсиз-





лиқдан нолишга мажбур қилади. Аксинча, ўзгалар учун яшаётган инсонлар бировларга қилган кичкина яхшилигидан ҳам олам-жаҳон қувонч олиб, ўзини бахтли ҳис этади. Шу маънода, ташқи олам ҳақиқатлари инсон ички дунёсида акс этиши муқаррардир.

*Ҳаракат зарурлиги* қондасида Андре Моруа дунёдан ҳасрат чекиш ўрнига уни ўзгартириш учун курашишга чақириб, фаолият афзаллигига ургу беради. Ҳар бир инсон ўзи танлаган касб-хунарда комилликка интилиб, уни ҳадди аълосига етказиши лозим. Бунда фаолият катта-кичикка ажратилмайди, барчасига тенг деб қаралади: ёзувчи китоб ёзади, уста жавон ясайди, йўлсоз кўчани таъмирлайди, ҳоким шаҳарни бошқаради. Ҳатто бўш вақтида ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, бир қарашда бесамар кўринувчи ўйин-ермаклар билан машғул одамга бу нечоғли қониқиш бахш этишини тушунмоқ керак.

*Ирода кучига ишониш* қондасида, буюк зотларга тарихни ўзгартириш салоҳияти ато этилганидек, ҳар кимга ҳам ўз келажагини яратиш имконияти берилгани баён қилинади. Зеро, Одам фарзанди имконият ва истак оралиғида яшар экан, масалан, бу биргина унинг ихтиёрида бўлмаса ҳам, ўзига ўхшаш миллионлаб инсонлар хоҳиш-иродаси билан қирғинбарот урушнинг олдини олишга қодир бўла олади. Бўшанглик – ялқовлик ва қўрқоқликка, иродага таяниб виждонан саъй-ҳаракат қилиш эса қаҳрамонликка элтади. Дарҳақиқат, ирода барча эзгу ишларнинг ҳамиртуруши бўлса не ажаб.

*Лафзда туриш, субулли бўлиш* қондаси барча замонлар учун дастуриламал бўлмоққа арзирли. Андре Моруа ҳар қандай алдовга чек қўйиш талабини илгари сурар экан, инсон нафақат бошқаларни, балки ўз-ўзини ҳам алдамаслиги керак деб ҳисоблайди. Инсон шундай бўлмоғи жоизки, у ҳеч қачон алдамасин.

Андре Моруа фикрича, фуқароси зўравонлигу ҳақсизлик қошида жим турадиган, ҳақиқат ва адолат учун кураш шижоатидан маҳрум бўлган, иззат-икром ва айш-ишратда яшаш учун нопокликдан ҳазар қилмайдиган, ҳар бир қалбга ёлғон, риё уя қурган жамият сўзсиз ҳалокатга маҳкумдир. Римнинг гуллаб-яшнаши қаҳрамонлар даврига тўғри келганини эсга олинг, азалий қадриятларини унута бошлагач эса, у ҳалокатга юз тутди. Техник тараққиёт фаолиятлар турини ўзгартиргани билан инсон моҳиятига заррача дахл эта олмайди.

Фаровон жамият, фуқароларни бошқариш, аёллар, никоҳ, пул, сиёсат, ёзувчи захи-мати каби мавзуларда баҳс этган “Ёш дўстимга ҳаёт илми бобида очиқ хат”да бугунги жамиятимиздаги муаммолару уларнинг ечимига сирли ишоралар ҳам бордек гўё. Ҳар қандай жамиятда ҳам ҳар қачон яшовчан саналган ўғри-муттаҳам, фирибгар-каззоб ва ҳоказо кимсалардан кўра мослашув асосида ғайрияхлоқийлики, санъат ниқобида қабихлики тарғиб этувчи қаламкашлар кўпроқ зарар келтиришини таъкидлаган адибнинг “Омма санъат асарини қабул қилиш туйғусини йўқотиши билан улкан хавфга айланади”, деган огоҳи бугун наҳот долзарблигини йўқотган бўлса?! Шунга кўра, хом-хатала теледастурлар, кинофильмлар, клиплар, концертларни ютоққан нигоҳи билан сипқораётган бугунги кун одами қаршисида қандай улкан хавф кўндаланг бўлмоқда экан? У ҳатто ўз бошига ёпирилиб келаётган хавфни идрок этмоқдан ҳам мосуво бўлиб қолмадимикан? Унинг чиндан сохтани ажратиш салоҳиятидан маҳрум бўлиб бораётганини олқишлаётганлар бундан қандай наф кўзлаётир?

Китобхон олдига шундай оғрикли саволларни қўйган Андре Моруа бир кўзбойлогичнинг рояль тор-симларини узиб ташлаб, қандай концерт бергани ҳақидаги хикояни эсга олади. Элбурутдан бошланган шов-шувли рекламалар ўз самарасини бериб, “сукунат концерти” бўлиб ўтажак зал томошабинга лиқ тўлади. Кўзбойлогич тор-симлари узук рояль олдига ўтириб, ҳеч қандай садо чиқмасаям, уни астойдил чала бошлайди. Залдаги томошабинлар ёнидаги қўшниси ўзини қандай тутаетганини зимдан кузатади ва нафасини ичига ютганча “куйни тинглаш”га тутинади. Ниҳоят, икки соатлик сукунатдан сўнг концерт тугайди. Пианиночи ўрнидан туриб, таъзим бажо келтиради. Уни гулдурос қарсақлар билан олқишлашади. “Мен одамлар нечоғли гумроҳ эканини билмоқчи эдим, – дейди эртаси куни ойнаи жаҳонда интервью берган кўзбойлагич ва ўз хулосасини ҳам яшириб ўтирмайди. – Энди билсам, унинг чек-чегараси йўқ экан”.



Андре Моруа бу манзарани “сукунат мусиқачиси”га ўхшаб нодонлик эмас, ожизлик аломати деб баҳолайди. Одамлар бошқаларга ўзининг замонавий, маданиятли киши эканини намоёйиш этиш учун шу бемаъниликка тоқат қилган.

Ушбу тамсил воситасида ёзувчи табиийликни ёқлаб, ўтмиш даҳоларига шубҳа билан қарамасликка чақиради, зеро, уларнинг шуҳрати бугунги кунга омон етиб келгани бежиз эмас. Андре Моруа, мухлислар таҳсинига сазовор бўлган адибларга ҳурмат кўрсатган ҳолда, ички овоз, шахсий дидга-да қулоқ тутмоқни тарғиб этади.

Адиб бу борада рус адабиётига қучли ихлос қўйгани унинг қуйидаги сўзларида ўз аксини топган: “Алалоқибат, ҳаётни сирли идрок этиш туйғусини ҳеч ким сизга рус ёзувчилари каби инъом эта олмайди. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Иван Ильичнинг қазоси” сингари энг яхши асарларидан кўра мўъжизакорроқ нарсанинг ўзи йўқ. Таълимоти менга ҳамиша ақлга номувофиқ туюлса-да, романчи сифатида у жуда ажойиб. Мен уни Достоевскийдан юқори қўяман. Чеховнинг пьеса ва ҳикояларигина Толстой асарлари билан тенглаша олади. Бирорта ёзувчи юрагимга у каби яқин бўлган эмас. У сизни ҳам мафтун этишини истайман. Ундан сўнг Гоголнинг “Ўлик жонлар”и, Пушкин қиссалари, Тургеневнинг “Рудин”, “Оталар ва болалар”, “Тутун” асарлари. Жойс? Кафка? Сизнинг муаммоларингизга улар нечоғли жавоб бера олиш-олмаслигини мутолаа жараёнида ўзингиз ҳал қилинг”.

Илм-фан ва адабиёт-санъат ўз ўзани, ўз сарҳадида ривожланса, миллатни юксакликка кўтаради. Илм-фан – ташқи дунёни идрок этиш, инсонга яшаш учун қулай шарт-шароит яратиш воситаси. Миттигина илмий кашфиёт қилишнинг ҳам бир сурув чорва ортидан судралишдан афзаллиги бор гап. Аммо илм-фан туҳфа этган техник имкониятлар инсонни ҳис-туйғудан Мосуво қилиб қўймаслиги керак – адабиёт, санъат шунинг учун инсонга кўмакка шошади. Чин маънодаги адабиёт, санъатгина инсоннинг ички олами ми мувозанатга солишда елкадошдир.

Сўзни шу ўринда мухтасар қилиб, Андре Моруа китобидан ўрин олган айрим ҳикматларни тақдим этсак:

\*Менга Стивенсоннинг мана бу гапи жуда маъқул: “Ҳар қандай суҳбатда учта мавзу бўлади: мен бу – мен, сен бу – сен, қолгани – бизга тааллуқли эмас”.

\*Севишганлар муҳаббат ибтидосида келажак ҳақидаги орзуга берилсалар, интиҳосида ўтмиш ҳақида хотираларга бериладилар.

\*Одамлар ўзи ҳақида ўзгаларнинг фикри нотўғри эканига қанчалик ишонса, ўзининг ўзгалар ҳақидаги фикри тўғри эканига ҳам шунчалик ишонади.

\*Ҳенри Жеймс, етук руҳшунос ва ҳақгўй киши ўларок, ғийбатни бундай таърифлаган эди: “Унинг шарофати билангина инсон ҳақида холис ҳақиқатни билиб олмоқ мумкин”.

\*Аёллар ишқий саргузаштларини ўзгалардан сир тутишни хоҳлайди-ю, аммо суюкли эканини ҳаммага ошкор этишни ўлгудек ёқтиради.

\*Даниель Алеви Марсель Прустнинг ёшлик тазарруси ҳақида бундай деган эди: “Жуда жўшқинлиги боис... ҳақиқат бўлолмайди”.

\*Ёлгон мунофиқлигу муғомбирликдан кўра лоқайдлик сабаб кўпроқ юзага келади.

\*Тарбия кўрган одам ҳар қандай даврада ҳам диний маслагини орага суқавермайди.

\*Инглизлар Оскар Уайльд туфайли сийқаси чиққан нарсалардан ҳам мўъжиза яратиш сирини ўрганиб олди.

\*Одам сукутдан ҳам ёлғизликдан кўрққандек кўрқади: ҳар икковидан ҳам ўлим нафаси уфуради.

\*Шуман таклиф этган аёли билан қайиқда саёҳат қиларкан, икки соат давомида улар бир-бирига миқ этиб оғиз очмайди ва хайрлашиш чоғида у аёлга бундай дейди: “Қандай соз, биз бугун бир-биримизни тушуниб олдик”.

\*Ўйиндаги каби зукколикда ҳам одам ўзини вақтида тўхтата олиши зарур. Ўйинга ҳаддан зиёд берилиб кетиш – хатарли. Талейран бир кунда бир мартадан ортиқ... закийлик қилмаган.

\*Дўстлик ва муҳаббат илк лаҳзаданоқ юксак пардада бўлиши – яхшилик аломати эмас. Қаерда табиийлик бўлса, бахт ҳам ўша жойда.







## Inson va makon: sharqona yondashuv

Борлиқни идрок этишнинг Шарққа хос ноёб жиҳатларидан бири инсон ва макон масаласига ёндашувда кўринади. Аслида, инсон курраи заминнинг қайси пучмоғида истиқомат қилмасин, ўз маконимга қандай муносабатда бўлмоғим керак, деган саволга жавоб излашга маҳкум. Бу хусусда инсон қандай тўхтамга келишидан қатъи назар, фалсафий тафаккур уни борлиқ мавжудлигининг туб қонуниятларидан бири деб тан олади. Қолаверса, инсон – макон муносабати борлиқнинг абадийлиги руқнларидан бири сифатида ўз долзарблигини ҳар сония тасдиқ этиб келаётир.

Шарқда тарихан кенг ёйилган ҳиндуизм, буддизм, кунфуцийлик, зардуштийлик, монийлик, ислом динларида инсон ва макон ўзаро тенг мақом ва маънога эга, улар бир бутун – яхлитдир, деган пурмаъно қараш устувор. Инсон жамият, табиат ва коинот яхлитлигига наинки эҳтиром ила қараш, балки уни ҳатто илоҳийлаштириш Шарқ халқларига хоски, бу ёндашувни Машриқ заминнинг жаҳон фалсафий тафаккурига қўшган беқиёс ҳиссаси, десак асло муболағасиз. Айни ёндашувни Гибралтардан то Ҳавайи ороллариғача бўлган бепеён ҳудудда яшовчи Шарқ халқларининг ўзлиги, шуури десак ҳам хато қилмаган бўламиз (*Избери жизнь. Диалог Арнольда Тойнби и Дайсаку Икеды. Москва, 2008. Стр. 360-363*).

Борлиқни идрок этишнинг Ғарбга хос ёндашуви нира камситмаган ҳолда, барибир, шуни тан олмоқ жоизки, XXI аср аввалида руҳий-маънавий парокандаликка юз тутган башариятга Шарқ парадигмаси кўпроқ асқотадигандек, назаримизда. Зеро, Шарқда барча замонларда ҳам яхлитлик унсурга, кулл жузга нисбатан устувор ҳисобланган. Унсурлар, жузлар ўз салоҳиятини фақат яхлитлик, кулл доирасида унга тобе ҳолда намоён этиши Машриқ фалсафасида бот-бот зикр этилган.

Ғарбда кенг ёйилган, табиат бу – инсон умргузаронлиги учун атиги бир восита, демак, ўзи учун зарур неъматларни ундан тортиб олмоққа ҳақли, деган тамойилга зидма-зид ўлароқ, Шарқда инсон – табиат мулоқоти геософия (замин ҳақида донолик) мавқеига кўтарилган. Шарқ фалсафаси нуқтаи назарича, ҳар қандай жараён (тарихий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-маданий), шак-шубҳа-

сиз, маконнинг "инсон фаолиятига яширин таъсири инъикосидир" (*Осипов И., Соколов А., Сиребков А. Интеллектуальные интуиции евразийской философии права. // Вопросы философии, 2015, №10. Стр.54*). Айнан шу ўринда борлиқни англашнинг шарқона ва ғарбона парадигмалари ўртасидаги жиддий фарқ, дихотомия юзга чиқади.

Хуллас, Ғарб социомаданий оламида унсурлар устуворлик қилса, Шарқ халқлари дунёқарашда яхлитлик етакчи мавқега эга. Агарки, Ғарбда инсон, жамият, табиат ва коинот кўпроқ алоҳида-алоҳида идрок этилса, Шарқда уларнинг яхлитлиги, бир бутунлигига асосий аҳамият қаратилади. Хуллас, Шарқда инсон ва макон уйғунлиқда идрок қилинади.

Фикримизга далил тариқасида бир неча мисол келтирайлик. Ғарб тафаккурида "инсон бу – инсон, макон бу – макон" дея, уларни қатъий ажратиш руҳи устувор. Шарқда эса, дейлик, ҳиндуизм таълимотида, "инсон бу – макон, макон бу – инсон", деган истиорадан фойдаланилади. Ёхуд кунфуцийликда "инсоннинг маконга, маконнинг эса инсонга йўғрилиши" ғояси машхур. Булар Шарқ кишиси онгида борлиқнинг барча жабҳаси вобаста, деган қаноат ҳукмронлигидан дарак беради.

Бизнингча, уйғунлик инсон ва макон муносабатининг индивид ва социум деган муҳим қиррасида алоҳида маъно касб этади. "Шарқ кишиси учун социум билан иноқ яшаш, ҳар қандай бойлиқдан, унвон ва шарафдан улуғ, у ўзини, ўзлигини ҳам социум орқали намоён этади. Социум манфаатлари, қадриятларига мос келмаган нарсани, қарашни рад қилади... Сиртдан қараганда, бундай ҳаёт тарзи консерватизм, аънанга ўчлик бўлиб кўринади, унинг демократия тараққиётига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ўйлаш мумкин" (*Алимасов В. Ижтимоий-маънавий мерос ва шарқона демократия. Тошкент, 2013. 20-бет*). Ваҳоланки, бу қаноат шахс ва жамият манфаатини уйғунлаштириш негизида ҳам инсоний, ҳам ижтимоий ўсиш-юксалишга бемисл тўртки бериши мумкин.

Бугун Шарқ ёндашуви Ғарб эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда. Ғарб тафаккурида бундай "бурилиш" юзга келаётганининг талай сабаб ва омиллари бор. Бу ўринда улардан фақат биригагина диққатни



қаратиш кифоя. Бу сабаб ёки омилни Ғарб аҳлининг Шарқ аҳлига қараганда сиёсатдан кўпроқ норозилиги билан боғлаш жоиз.

Юқорида қайд этилганидек, инсон Шарқ ёки Ғарбда яшашидан қатъи назар, унинг табиат, жамият ва коинот билан уйғунлики ҳис этиши имманент хусусиятдир. Бироқ Ғарб дунёсида таълим-тарбия ва мафкура таъсирида инсоннинг маконга муносабати тубдан ўзгариб, ўзи билан макон ўртасида "айириш чизиги" вужудга келмоқда. Зеро, инсон – макон муносабати ҳам ташқи таъсир (таълим-тарбия йўналиши, сиёсатнинг маърифийлик даражаси, ижтимоий фикр хусусиятлари ва ҳоказолар) остида шаклланади. Ғарбона ёндашув, яъни макон атиги бир бўшлиқ, уни ўз хоҳишингча тўлдиравер, деган ҳавойи тамо-йил илдизини айнан таълим ва мафкурадан излаган маъқул (қаранг: Исаев И. *Граница и государство в пространстве*. // *История государства и права*, №2, 2016. Стр. 58-64; Исаев И. *Государство и нация в пространстве*. // *История государства и права*, №3, 2016, Стр. 39-43).

Бугун дунё аҳли онг ва тафаккурида жиддий бурилиш юз бериб, борлиққа муносабатда етакчилик мавқеи Ғарб ёндашувидан Шарқ парадигмасига ўтмоқда. Бир талай олимлар дастлаб Ғарбда вужудга келиб, сўнг Ер юзи бўйлаб ёйилган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий андазалар XXI асрга келиб яроқсиз бўлиб қолаётганини эътироф этаётир. Улар фикри-

ча, бир вақтлар Шарқда яратилиб, турли сабабларга кўра ҳаётга татбиқ этилмай қолган инсонпарвар ғоя ва ижтимоий тақлифлар бугунги шиддаткор, аммо нотинч замонда дунё аҳлининг жонига ора кириши мумкин. Булар, чунончи, сиёсий жабҳада – инсон фаровонлигига йўналтирилган давлат сиёсатини юритиш, иқтисодий соҳада – моддий неъматларни қатъиян адолат принципи асосида тақсимлаш, ижтимоий жабҳада – одамлар ўртасида табақаланишнинг кескин тус олишига йўл қўймаслик, маънавий соҳада – Ҳазрати Инсонни олий қадрият сифатида асраб қолиш, халқаро жабҳада – барча давлатларнинг манфаатлари ва интилишларини ҳурмат қилиш, гегемонизмга барҳам бериш учун курашишдан иборатдир.

Бугунги жаҳон тартиботида биз санаб ўтган ғоя ва ташаббусларга чуқур эҳтиёж сезилмоқда. Дунё ҳозир тараққиётнинг шундай палласига етдики, макон бу ёғига инсон таъзиқини кўтаролмайди. Улар ўртасидаги мувозанат ва мулоқотга дарз кетмаслиги лозим. Шарқ кишиси азалдан дунёни шундай идрок этган. Унга энди ўзини намоён этиш мавриди келди, чоғи. Шу маънода, XXI аср Шарқ асри бўладиган кўринади.

**Жамшид ЖўРАЕВ,**  
Тошкент давлат Шарқшунослик  
институтини тадқиқотчиси

## Sahnada yangragan so'z

Саҳна нутқи ҳамиша актёрнинг ижро услуби ва маҳоратини белгилашда муҳим мезон бўлиб келган. Профессional актёр асарнинг гоёвий мазмуни, воқеалар ривожини, персонажларро курашини томошабин кўз ўнгига ишонарли намоён қилади. Нутқни мукаммаллаштириш йўлида муттасил изланиш, унинг таъсирчанлигини ошириб бориш эса актёрга қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

Саҳна асари томошабинда эстетик завқ уйғотиб, бадиият олами бўйлаб сайрга чорлайди. Саҳнадан янграётган сўз қанчалик таъсирли бўлса, асарда олға сурилган гоёлар томошабин қалбига шунчалик тез кириб боради. Шу маънода, театр аввало пьеса муаллифи – драматургдан, қолаверса, актёрлар жамоасидан сўзга масъулия билан ёндашишни талаб қилади.

Режиссёрнинг ижодий услуби, актёрнинг образ устида ишлаши саҳна нутқи мукаммаллигини таъминловчи омиллар сирасига киради. Саҳна нутқида қўйиладиган биринчи талаб – фикр томошабинга тушунарли тилда, айна чокда, санъаткорона етказиш керак.

Бугунги ўзбек саҳна нутқи таҳлил этилганда, тил, услуб ва талаффузга оид талай камчиликлар кўзга

ташланади. Хусусан, спектаклларда актёрларнинг ўзбилармонлик билан сўз қўшиб юбориши, жумларни ўринсиз такрорлаши (тавтология) кўп учрайди. Аксар ҳолларда "ҳ" ва "х", шунингдек, "с", "з", "ш", "ч" товушлари талаффузидан ноқислик сезилади. Театрда шу тахлит ишлашга одатланган айрим тилбузар актёрларнинг радио, телевидение ва дубляжда ҳам "жавлон ураётгани" таассуфли ҳолдир.

Сир эмас, асарда қаҳрамонларнинг ижтимоий аҳволи ва феъл-хўйини очиб бериш мақсадида адабий тилга хос бўлмаган нутқ унсурлари, жумладан, шевага хос сўзлар ҳам қўлланади. Аслида, шевалар адабий тилнинг асосий манбаларидан ҳисобланади ва унда миллий тилнинг табиати, рангу жилоси яққол намоён бўлади. Аммо асалнинг ҳам ози ширин деганларидек, шева унсурларидан фойдаланишда меъёрни унутмаган маъқул.

Ўзбек театрининг атоқли режиссёри, саҳна нутқи устаси Маннон Уйғур шўро даврида мафкуравий чекловларга қарамай она тилимиз софлиги учун курашган. Санъатнинг, жумладан, сўз санъатининг "атомдан кучли" эканини теран англаган режиссёр сўз ва саҳна имкониятларини уйғунлаштиришга интилан. Театр санъатини "воситаи жоҳ" деб билган-



ларга мурасасиз бўлган ижодкор сўз масъулияти ҳақида бундай деган эди: "Айрим спектаклларда драматургнинг сўз услубига актёрлар риоя қилмаётди. Актёрлар сўзни томошабинга жонли равишда етказмаётди. Сўзнинг очиқ-ойдин ва равшан бўлиши устида ишланмаётди. Бунинг устига драматурглар ҳам сўзни кам берадилар. Бундан ташқари, таржима асарлар қўйилганда сўз оҳангига риоя қилинмаслиқ ҳоллари бор". Кўп йиллар аввал айтилган бу фикрлар ҳамон аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбек театрининг яна бир атоқли намоёнаси Етим Бобожонов ҳам сахна нутқи мукамаллигига алоҳида эътибор қаратиб, актёрларга сўзга муҳаббат ва масъулият ҳиссини сингдирган. Бу борада шахсий намуна кўрсатган Е.Бобожоновнинг санъаткор ва зиёли сифатидаги нутқи жуда бой бўлиб, бутун ҳаёти давомида ўзбек тилини фасоҳатю балоғати билан эгаллаганини намоён этган.

Театр санъати учун барча даврларга хос яна бир муаммо – сахнада актёрларнинг новербал воситалардан самарали фойдалана олмамлигидир. Ҳозирга қадар сахна нутқи қоидаларида негадир новербал воситаларга жиддий аҳамият берилмаган. Шу боис бўлса керак, айрим театр актёрлари ижросида овозни бўлар-бўлмасга кўтариш, имо-ишора, мимикаларда меъёрни бузиш кузатилади.

Театршуносликда актёрлик маҳорати кўришга мўлжалланган сахна ҳаракати ва эшитишга мўлжалланган сахна нутқи деб иккига бўлиб ўрганилади. Мавзуга доир тадқиқотлар, илмий ишларнинг ўндан тўққиз қисми вербал нутқ ва ўндан бир қисми новербал нутққа оиддир. Новербал нутққа бағишланган тадқиқотларнинг асосий қисми интонация, ургу, темп, овознинг паст-баландлиги каби масалаларга бағишланган.

Албатта, сахна санъатини актёрнинг ўктам овосиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо ўринсиз бақришдан кўра ўринли сукут таъсирлироқ бўлади. Ёки узоқ нутқ ирод қилишдан кўра қахрамоннинг нигоҳи кўпроқ маъно ташийд. 1996 йили Миллий театрда қўйилган "Соҳибқирон" спектаклидаги (драматург – Абдулла Орипов, режиссёр – Олимжон Салимов, расом – Бахтиёр Тўраев) Амир Темур ва Йилдирим Боязид учрашуви сахнасини эслайлик. Жангда Султон Боязид (актёр Эркин Комилов) асир олингани ҳақида хабар келгач, Амир Темур (актёр Теша Мўминов) уни ҳузурига келтиришни буюради. Султон Боязид банди ҳолида Амир Темур қошига келтирилади. Икки мусулмон давлати ҳукмдорларининг учрашуви: бири мағлуб, бири ғолиб. Сахнада – жимлик. Боязид Соҳибқиронга жавдираб боқади. Усмонли турк ҳукмдорининг бир кўзи қора мато парчаси билан, қўллари эса узун арқон билан боғланган. Мағлубиятдан боши ҳам, қадди дол. Султон бу кўйга тушганидан Соҳибқирон ларзага келади ва "Эвоҳ! Бу не ҳол? Унинг қўлин ечинг дарҳол. Ахир, Шоҳ-ку!" дея хитоб қилади. Режиссёр бу эпизодда қахрамонлар нигоҳи ва сукути орқали томошабинга бир олам фикрни етказган.

Театр санъатига ихтисослашган таълим муассасалари олдида мустақил фикри, нуқтаи назари ва позициясига эга интеллектуал ижодкорлар авлодини тарбиялаш вазифаси турибди. Аслида, интеллектуал актёрни тарбиялаш фақат таълим муассасасининг вазифаси эмас, бу жараёнда Ўзбекистоннинг бутун зиёли қатлами, фикр аҳли ҳам фаол қатнашиши лозим. Қолаверса, илгор давлатларнинг тажрибасини ўрганиш, мутараққий дунё билан фикр алмашиш муҳим аҳамият касб этади.

2015 йил ноябрь ойида Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти, Лондондаги Роуз Бруфорд театр актёрлиги маҳорати коллежи ҳамкорлигида Шекспир асарлари фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасида Лондоннинг машҳур "Глобус" театри юртимизда меҳмон бўлиб, Ўзбек Миллий академик драма театрида икки кун "Ҳамлет" спектаклини намойиш қилди. Сўнгра юртимиз театрлари раҳбарлари, режиссёрлар ва санъатшунос олимлар иштирокида хорижлик санъаткорлар билан давра суҳбати ўтказилди. Мулоқотда одамзод қалби дағаллашиб, туйғулари мўртлашаётган XXI асрда театрнинг инсон ҳаётидаги роли янада ошгани қайд этилди. Шу фикр алмашувдан кейинги яна бир хулоса: бугунги куннинг театр жамоалари эски қоллиларни дадил бузиб, мумтоз асарларнинг янги талқинини топиши керак.

"Театр тили миллий тил тараққиёти кўрсаткичларидан саналади. Масалан, ирланд тилидаги спектакль орқали томошабин шу тилнинг ўзига хослиги, бойлиги ва улугворлигини ҳис этади. Мен ҳам ўзбек халқининг руҳий оламини теранроқ англаш мақсадида буюк Навоий тилидаги спектаклларни томоша қилдим. Дарҳақиқат, профессионал сахнавий нутқ воситасида она тилининг фазилатларини кўрсатиб бериш актёр зиммасига катта масъулият юклайди", дейди "Royal Stratford East" театри бадий раҳбари Майкл Керри.

Хўш, сахна нутқини бойитиш, унинг софлигини асраш учун нималар қилиш керак? Биринчи навбатда, санъатга ихтисослашган таълим муассасаларида мавзуга оид фан ва предметларни ўқитиш сифатини янада ошириш лозим. Қолаверса, миллий театрими тарихидаги сахна нутқи мактаблари ҳамда замондош актёрларимизнинг ижро услубини илмий тадқиқ қилиш зарур. Зеро, улар тажрибаси санъатга кириб келаётган ёш авлод учун катта мактаб бўлиши шубҳасиз.

Мутафаккир шоир Абдулла Орипов суҳбатларидан бирида "Театр актёри тоза нутқи билан томошабинга тоза ҳаво улашади", деган эди. Бизнингча, бугунги томошабин тоза ҳавога ҳар қачонгидан муҳтожроқ.

**Гўзал ХОЛИҚУЛОВА,**  
санъатшунослик фанлари  
номзоди, доцент



# Parlamentarizm taraqqiyotida yangi bosqich

Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг қонунларда тўлиқ ифодаланиши фуқаролик жамияти барқарорлигининг муҳим шартларидан саналади. Ҳуқуқий давлатга хос бўлган белгиларнинг шаклланиши ҳам кўп жиҳатдан қонунчилик тизимининг нечоғли халқчил эканига боғлиқдир. Шу маънода, Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтиши фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир стратегик мақсадни амалга ошириш йўлида дадил қадам бўлди.

Парламентнинг бошқарувдаги ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлаш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, миллий анъаналар мутараққий давлатлар тажрибаси билан уйғунлаштирилиб, Олий Мажлис Сенатида ижро ҳокимиятининг айрим ваколатлари берилди. Шунингдек, парламент юқори палатаси ижро ва суд ҳокимиятларини шакллантиришга доир ваколатларга эга бўлди (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 2016. 30-32-бетлар).

Ҳукумат ва унинг органлари устидан қонунчилик органи назоратини ўрнатиш мақсадида парламент сўрови жорий этилди. Ушбу тартиб қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги ўзаро мувозанатни ҳамда фуқаролик жамияти институтлари мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббус гуруҳлари кўрсатган номзодлардан таркиб топиши унинг фуқаролик жамияти билан мустаҳкам алоқада бўлишини таъминлайди. Негаки, жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар қонун ижодкорлиги жараёнида айнан сиёсий партиялар ва ташаббус гуруҳлари воситасида иштирок этади. Сирасини айтганда, фуқаролик жамияти институтлари таъсирини янада кенгайтирмасдан "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини тўлиқ рўёбга чиқариб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши миллий парламент фаолиятида янги саҳифа очди. Зеро, сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган ушбу ҳужжат қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиёти, шунингдек, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари тизимли равишда кечаётганини кўрсатади.

Мазкур қонун миллий ва халқаро амалиётнинг илгор ютуқларини ўзида муҳассам этган бўлиб, уни тайёрлашда Германия, Буюк Британия, Франция каби ривожланган мамлакатлар тажрибаси атрофли-

ча ўрганиб чиқилган. Қолаверса, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили бюроси тавсиялари инобатга олинган.

Умуман, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар самарали ҳуқуқий механизмини яратиш, замонавий ахборот маконини бунёд этиш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва, асосийси, халқ ҳокимияти ғоясининг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Миллий парламентаризмни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари борасида қуйидаги хулосаларни баён этиш мумкин.

Биринчидан, чинакам адолатли сайлов демократиянинг энг таъсирчан механизми сифатида сиёсий партиялар ва ҳаракатлар дастурини амалга ошириш имконини беради. Бу жиҳатдан, парламент, сайлов ва демократия ўзаро чамбарчас боғлиқ туннчалардир.

Иккинчидан, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, мансабдор шахсларга, фуқаролик жамияти институтлари вакилларига мурожаати тараққиёт йўлидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам беради. Мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш олий қадрият дея эълон қилингани бежиз эмас. Шу боис, ҳозирда парламент халқ билан мулоқот ва фуқароларнинг мурожаатига жиддий эътибор қаратмоқда.

Учинчидан, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида нафақат парламент, балки жамоатчилик назоратининг ҳам аҳамияти ошиб бормоқда. Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатлари ижроси устидан ижтимоий назоратни амалга ошириш, шу орқали қонун ижодкорлигини такомиллаштириш имконини беради.

Тўртинчидан, ҳозирга қадар мамлакат парламенти қабул қилган 400 га яқин яхлит қонун ҳаётимизнинг турли соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда. Аммо Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, "афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмапти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли наслигича қолмоқда". Демак, қонунларнинг ҳаётлиги ва уларни амалга татбиқ этиш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўп эканини унутмаслик лозим.

**Олия МУҲАММАДИЕВА,**

Термиз давлат университети

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси



# Qatrasi ham zar

Сув ҳаётий аҳамиятга эга табиат инъоми, барқарор тараққиётни таъминловчи муҳим ресурс. Шу боис, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тежаш масаласи давлатларнинг асосий бошқориларидан бирига айланган.

Боз устига, фойдаланишга яроқли чучук сув захиралари чекланганки, буни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин:

– ҳозир дунё аҳолисининг тўртдан бири сув тақчиллигидан азият чекомда;

– бир миллиарддан ортиқ одам тоза ичимлик сувига муҳтож. Прогнозларга қаралса, 2025 йили яна шунча аҳоли сувсизликда яшайди.

– Дунё сув кенгаши маълумотига кўра, 2050 йилга бориб жаҳон аҳолисининг учдан икки қисми чучук сув ресурслари тақчиллиги муаммосига рўбарў келади.

Ушбу вазият сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўришни тақозо қилади. Бир неча давлат аҳолиси фойдаланадиган дарё, кўл ва бошқа сув манбаларидан самарали фойдаланиш эса, айниқса, долзарбдир.

Айни шу маънода халқаро дарёларни ҳамда трансгегаравий сув ресурсларини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини пухта тадқиқ этиш муҳим вазифа саналади.

**Халқаро дарёлар.** Халқаро сув захирасини баҳолашда муҳим маълумотнома “Халқаро дарёлар регистри” (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармаси, 1978) бўлиб, унга қуруқликнинг 47 фоиз қисмини қоплаган 214 очик сув ҳавзаси киритилган.

Халқаро дарёлар регистрини яратиш гоёси 1958 йили БМТнинг бир гуруҳ экспертлари томонидан илгари сурилган бўлиб, уларнинг “Халқаро дарёларни яхлит ривожлантириш” номли маърузасида 166 халқаро дарё кўрсатилган дунё харитаси ҳам берилган (*TWINBASIN (xn): Содействие образованию речных бассейнов-близнецов для развития практики ИУВР*, <http://www.cawater-info.net/twinbasinxn/summary.htm>).

Регистрда барча китъалардаги халқаро дарёлар, уларнинг сув захираси, улардан сув олувчи давлатлар ва дарёларнинг ҳар бир давлат ҳудудидаги ҳажми кўрсатилган. Халқаро дарёлар масаласига дахлдор аксар илмий ишларда ушбу регистрга мурожаат этилади. Бироқ регистр охириги марта 1978 йили янгиланган, маълумотларнинг бир қисми геосиёсий ўзгаришлар сабаб эскирган.

Ушбу регистрга ўзгартиш киритиш TWINBASIN (xn) лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Лойиҳанинг асосий мақсади Халқаро сувларни яхлит бошқариш бўйича илмий тадқиқотларга қўмаклашидир. Тузатилган ушбу регистрга 261 халқаро сув ҳавзаси киритилган. Бошқача айтганда, 1978 йилги регистрга яна 47 сув ҳавзаси қўшилган. Уларнинг қўшилиши сабаблари: Болқон ва Совет Иттифоқининг парча-

ланиши; хаританинг босма ва рақамли вариантдан бирдек фойдаланиш натижасида бир қанча янги халқаро сув ҳавзаларининг топилиши; 1978 йилги регистрга орол давлатларнинг киритилмагани.

Ю. Рисбеков халқаро трансгегаравий сувларни назорат қилиш тажрибаси, уларни Марказий Осиёга татбиқ этиш масаласини тадқиқ этган. Бу борада у, айниқса, Амударё ва Сирдарё масаласига алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, дунёда 260 халқаро дарё ва 270дан ортиқ ерости сув ҳавзалари мавжуд. Бу дарёлар дунёнинг 145 давлати ҳудуди орқали оқади. Халқаро дарёларнинг аксар қисми Европа (69та) ва Африкада (59та) жойлашган. Дунёда ҳудудининг 90-100 фозини халқаро сув ҳавзалари қоплаган 39 давлат бор (Мироненков А., Сарсембеков Т. *Евразийский банк развития. Международные финансовые институты как инструмент обеспечения правового режима использования трансграничных рек. Журнал “Недвижимость и инвестиции. Правовое регулирование”*, № 1 (46), Мая 2011).

Халқаро сувларни бошқариш бўйича ўрганса арзиғулик ва муваффақиятли тажрибалар оз эмас. Жумладан, Канада-АҚШ Бирлашган Комиссияси бир асрлик тажрибага эга. Ёки Рейн Комиссиясини олайлик, у Рейн дарёсини бошқариш, сув ҳавзасининг сифати, экологик ҳолатини яхшилаш бўйича самарали ишлаб келмоқда. Ҳинд дарёсидан фойдаланиш бўйича Ҳиндистон ва Покистон тажрибаси, Мбуту ва Инкомати дарёларидан фойдаланиш бўйича Мозамбик, ЖАР ва Свазиленд ўртасида тузилган шартнома ҳам шу жумладандир.

Муваффақиятли амалга оширилган чора-тадбирлардан бири сифатида Рейн дарёсининг суви ни тақсимлаш, тошқинларнинг олдини олиш, ушбу дарёда йўлга қўйилган сув транспорти ҳаракатини тартибга солиш бўйича келишувларни кўрсатишимиз мумкин. Рейн дарёсига қурилган ГЭСларнинг аксарияти паст босимли, дамбалари ҳам баланд эмас. Сув тўплаш ва бўшатишни назорат қилиш Германия-Франция, Германия-Швейцария вакилларидан иборат икки директор томонидан “қўш калит” усули асосида амалга оширилади (*Рисбеков Ю. Трансграничное сотрудничество на международных реках: проблемы, опыты, уроки, прогнозы экспертов*, 2009). Ушбу масала борасидаги келишувларнинг муҳим қисми 1950 йили ГФР, Франция, Люксембург, Нидерландия ва Швейцария давлатлари ўртасида дипломатик ноталар алмашинуви асосида тузилган Рейн дарёси ифлосланишининг олдини олиш бўйича халқаро комиссиядир (ICPR, 1994 йилдан унинг номи “Рейн дарёсини ҳимоя қилиш комиссияси”га ўзгарган). Мазкур комиссия 1963 йили Берн конвенцияси имзоланган, юридик мақомга эга бўлган.

Конвенцияда Рейн дарёсини ҳимоя қилиш комиссиясининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:



– Рейн дарёси ифлосланишини келтириб чиқарувчи сабаблар, уларнинг тарқалиши ва турларини тадқиқ қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

– Рейнни ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича тақтифлар бериш;

– конвенция қатнашчиларининг Рейнни ҳимоя қилишга йўналтирилган келишувларига асос яратиш.

Барча амалий ишлар Комиссия таркибига кирувчи халқаро экспертлардан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан бажарилади. Комиссия одатда бир йилда бир марта йиғилади. Комиссия президенти эса уч йилда бир марта алмашади. Комиссиянинг Европа комиссиясидаги вакили Комиссар ва "Рейн бўйича вазирлар" 3-4 йилда бир марта учрашади ва бажарилган ишлар, йўл қўйилган хатоларни муҳокама қилади, келгуси режаларни келишиб олади.

ICPRга аъзо давлатларнинг тегишли вазирлари дарё ифлосланишига қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида 1987 йили Рейн бўйича ҳаракат режасини ишлаб чиқди. Ушбу режада 2000 йилгача бажарилиши лозим бўлган ишлар белгиланган эди:

– йўқолиб кетган балиқ турларини Рейнга қайтариш;

– Рейндан ичимлик суви манбаи сифатида келгусида ҳам фойдаланишни кафолатлаш;

– сув туби ифлосланишини янада камайтириш ҳамда Шимолий денгизнинг экологик аҳволини яхшилаш.

Ҳаракат режаси муваффақиятли амалга оширилди. Дарёнинг барча қисмида ифлосланишни камайтириш чоралари кўрилди. Дарёга хўжалик ва саноат чиқиндилари ташланиши кескин қисқарди. Сув сифати яхшилангач, 1990 йилдан бошлаб Рейнга Атлантикадан лосос ва денгиз гулмоҳиси қайтарила бошлади. Эндиликдаги асосий муаммо экин майдон-

ларидан келиб қўшиладиган оқава сув таркибидаги пестицидлар, биоген унсурлар ва ҳаво оқими орқали юзага келадиган ифлосланиш эди. Таъкидлаш жоизки, ICPR миқёси кенгайиб, сув сифатини яхшилашдан тортиб, Рейн дарёсини бошқаришга бўлган қатор масалаларни қамраб ола бошлади.

1999 йил 12 апрелда Бернда Рейн бўйича янги конвенция имзоланди. Ушбу конвенция давлатларнинг мазкур дарёдан келгусида биргаликда оқилана фойдаланиши учун имкон яратди.

Келтирилган мисоллар дунёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича етарли тажриба жамланганини кўрсатади. Марказий Осиёда ҳам бу борада муайян тажриба тўпланган. Аммо, шунга қарамай, дунё тажрибасидан фойдалансак, зарар қилмайди. Муҳими бунга истак, муросага, муаммоларни биргаликда ҳал этишга мойиллик бўлса бас.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил март ойида Астанага қилган сафарида "Марказий Осиё – умумий жуғрофий, иқтисодий ва маданий маконга эга, асрлар мобайнида шаклланган яхлит организмдир. Минтақа халқларини ташвишга солаётган муаммоларни ҳеч бир давлат якка ўзи ҳал эта олмайди", дея таъкидлагани бежиз эмас.

Тан олиш лозим, ўтган 25 йил ичида минтақавий ҳамкорлик даражаси бирмунча пасайди, сувдан фойдаланиш борасида давомий таранглик, зиддиятлар буй кўрсатди. Ўзбекистонга Ш. Мирзиёев президент этиб сайлангач, сув масаласида йиғилиб келаётган муаммоларни муроса билан ҳал этишга уриниш кузатилмоқда. Бу эса халқаро дарёларни бошқариш бўйича дунё тажрибасини ўрганиш ва зарурларини минтақамизга жорий этишни долзарб вазифа қилиб қўяётир.

Нозим ҲАСАНОВ,  
мустақил тадқиқотчи

## Tomoshabin muzeyga qachon qaytadi?

Ўз ўтмишига қизиқиш инсониятга хос хусусиятдир. Музейларнинг пайдо бўлишига инсондаги айни шу иштиёқ сабаб бўлгандир эҳтимол. Инсоният қадим замонлардан ўз ижтимоий тажрибасини келгуси авлодларга қолдириш йўлларини ахтарган. Музей эса бу йўлдаги муҳим восита – маданий бисотни тўплаш, тавсифлаш ва сақлашнинг энг мақбул шакли бўлиб қичди.

Бугунги кунда музейларнинг долзарб муаммоларидан бири томошабинларни жалб қилиш масаласидир. Ўтмишдаги илк музейлар тарихига назар ташласак, ўша даврларда, гарчи бугунги кундагидек профессионал музейшунослар бўлмаган эса-да, музейларга ташриф буюрувчиларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда экспозициялар яратишга ҳаракат қилинганини кўрамиз. Масалан, америкалик рассом

Чарльз ўзи чизган портретларни уйи хоналарига илиб, кенг оммага намойиш қилган. У портретларга қўшимча илмий аҳамиятга эга буюмларни ҳам кўргазмага қўйганида, томошабинлар сони кескин кўпайганига гувоҳ бўлади. Шундан сўнг унда музей ташкил этиш фикри туғилади. Рассом флора ва фаунага оид экспонатларни худди табиатдагидек кўринишда намойиш этишга интилади. Масалан, ёввойи ўрдақлар галаси сунъий кўлда (рассом ойнанинг орқа томонини мовий рангга бўяб, кўлни имитация қилган), баъзи қушларни дарахтларда ёки учиб кетаётган ҳолатда кўрсатишга ҳаракат қилган. У намойишга қўйилган қушлар яшовчи худудлардан тупроқ, ўсимлик, қуш уялари келтириб, ўша паррандалар турмуш тарзига хос муҳит яратади ва томошабинлар сони янада ортади (Юреньева Т. Музееведение. Москва, "Академпроект", 2003. Стр. 241).



Ўзбекистонда 1920 йили Наманганда ташкил этилган илк музей эътиборга моликдир. Бу ишни амалга оширишда Наманган шаҳридаги 1-рус ўрта мактабининг физика ўқитувчиси Владимир Иванов ташаббус кўрсатган. У 1919 йилда Халқ таълими нозирлигига ёзган хатида ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида Наманган шаҳри мактабларидаги барча физика ўқув асбобларини бир жойга тўплаш ва ягона физика кабинети ташкил қилишни таклиф этади. 1920 йил 20 август куни музейга асос солинади ва 1-сон 7 йиллик мактабининг иккита хонасида экспозиция жойлаштирилади (*ЎзР МДА. Р – 94-фонд, 5-рўйхат, 1499-иш*). Аввал-бошда мазкур музей Наманган шаҳри ўлкашунослик музейи деб номланган.

Музей – нодир тарихий ҳужжатларни сақлагани ва намойиш этгани боис катта таълим-тарбиявий имкониятга эга. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавияти юксак фуқароларни етиштириш – мактаб музейларининг асосий вазифаларидандир. Болаларнинг қидирув-йиғув ишларида, музей буюмларини ўрганиш ва ҳужжатлаштиришда, экспозиция яратишда, экскурсиялар, бадиий кечалар ташкил этишда қатнашиши уларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга ёрдам беради. Тадқиқотчилик ишларида ўқувчилар ўлкашунослик ва музейшуносликнинг профессионал фаолият кўникмалари ҳамда услубларини ўзлаштириш, ўлкашунослик изланишлари жараёнида эса мактаб дастурларида киритилмаган кўплаб соҳалардан хабар топади. Чунончи, мактаб музейининг ихтисослик тематикаси билан боғлиқ равишда ўқувчилар генеалогия, археология, манба шунослик, этнография, музейшунослик ва бошқа фанларнинг методикаси ҳамда асосий тушунчалари билан танишади. Уларда кўплаб ҳаётий муаммоларни ечишда аналитик ёндашув шаклланади.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида болалар бурчаги ташкил этилган. У ерда боча ва мактаб ёшидаги болалар ўз қўли билан тасвирий ва амалий санъат асарларини яратиши, кичик кўғирчоқ театрида иштирок этиши, имитация қилинган археологик объектда қазилма ишлари олиб бориб, танга ёки сопол буюмларнинг бўлақларини “топиши” мумкин. Бу иш қандай натижа беришини текшириш учун музейга икки кун мобайнида тенгдош икки бола олиб борилди. Биринчи бола болалар бурчагида барча нарсаларни ўз қўли билан қилиб кўрганидан сўнг, музей экспозициясидаги буюмлар кўрсатилганда, у жуда катта қизиқиш билан уларни томоша қила бошлади. Кейинги куни иккинчи бола тўғридан-тўғри музей экспозицияларини томоша қилишга олиб борилди. Унда биринчи боладаги сингари қизиқиш сезилмади. Демак, авваламбор болаларда қизиқиш уйғотиб, сўнг музейларга олиб бориш лозим.

Томошабинларни жалб қилиш бобидagi изланишларда бўлажак музейшунос талабалар фикри ҳам муҳим аҳамиятга эга. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти биринчи курс музейшунослик бўлими талабалари билан тажриба тариқасида суҳбат ўтказилди. Уларнинг баъзилари менда фақат музей биносининг экстерьер ва интерьер

ери катта таассурот қолдирди деса, бошқалари экскурсовод йўқни ҳам бордек қилиб жуда қизиқарли экскурсия ўтказгани, экспонатлар нисбатан озлиги ҳам билинмай қолганини айтишди. Айримлари мемориал уй музейлари катта қизиқиш уйғотганини таъкидлади. Зеро, бу музейларда давр руҳи мавжуд, яъни барча экспонатлар аслича сақланган. Тошкентдаги Алоқа тарихи музейи талабаларга анча маъқул тушди. Чунки у ердаги экспонатларни қўлга олиб кўриш мумкин. Экскурсоводлар ҳам ҳар бир экспонат ҳақида тўлиқ маълумотга эга. Бу билан томошабин буюмларни қўлга олиб кўрсатгани унда қизиқиш уйғонди демоқчи эмасмиз. Зеро, музейларнинг муҳим вазифаларидан бири экспонатларни кўнгилдагидек сақлаш ҳамдир.

Музейларга қизиқишни орттириш учун экспонатлардан айримларини турли фирмаларга реклама учун ижарага бериш ҳам мумкин (*Соболева Н. Музейный сервис: пути развития. / Сборник, Москва, 2004. Стр.25*). Чўқур маълумот олишни истовчиларга эса музей захираларини намойиш қилиш, уларни реставрация ва консервациялашга оид экскурсияларга таклиф этиш ҳам дуруст натижа беради. Музейга келган томошабинларнинг турли тоифалари орасида сўров ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу музей фаолиятидаги камчилиги ва ютуқларни таҳлил қилиш имконини беради. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, музейларда аънанавий ҳунармандлик ярмаркаларини ташкил этиш, музей қошидаги савдо шохобчаларида буклетлар, таквим-календарлар, дисклар, китоблар, сувенирлар сотилиши ҳам қутилган натижани бермоқда.

Музей фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган бош омил унинг ходимларидир. Музей жамоасининг ҳар бир аъзоси ўз вазифа ва мажбуриятини адо этишдан ташқари ташаббус кўрсатиши лозим.

Томошабинларни музейга қандай жалб қилишга доир тадқиқотимиз якунида шундай хулосалар чиқарилди:

- бугунги кунда музейларимиз олдида икки муҳим вазифа турибди. Бир томондан, музей ҳақида одамлар онгига ўрнашиб қолган эскича, нотўғри тасаввурларни ўзгартириш, иккинчи томондан, музей ходимлари малакасини ошириш лозим;

- томошабин музейда ўзини эркин тутиши учун у олдиндан ўз хато тасаввурини ўзгартирувчи ахборот олиши керак;

- музей ўз аудиториясига нафақат экспозиция заллари, балки реклама орқали ҳам таъсир этиши мумкин. Шу боис, рекламага катта эътибор бериш, уни профессионал даражага кўтариш зарур;

- томошабинларни жалб қилиш учун бу борадаги ўтмиш тажрибалари ва замондошларимиз фикрларидан фойдаланиш лозим;

- ҳар бир музей бозор иқтисодиёти шароитига мослашининг ўзига мос механизмини ишлаб чиқиши даркор.

**Дармон ҚУРЁЗОВА,**

*Камолиддин Бехзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн институти  
доценти, тарих фанлари номзоди*





## SUMMARY

**Interview with Ulughbek Hamdam, philologist and writer. pp. 4-17.**

“New Man” was as a concept at first used by renaissance thinkers. But it has been crucial issue for all philosophers who lived in periods of great revolutions, social and political transformations. They dreamed of ideal human being and ideal citizen, who could lead humanity to create ideal society. Every generation has had a notion about ideal human, superman. What can we say about today’s “new man”? Ulughbek Hamdam discusses “new man” of the societies of twenty first century. He argues that modern “new man” unlike “new man” of older generation consumes, obeys, and follows. He does not create, lead or command. He is waster. He thinks about his own generation, his own time. Our interviewee discusses complexities of contemporary societies, changes in the minds of youth, and the future of art and literature.

**Khurshid Dustmuhammad. Culture of Dialogue. pp. 18-26.**

Culture of dialogue and communication not only between citizens and government, but all citizens with each other plays a vital role in the development of strong healthy society. Like a blood vessels, communication channels – language, gesture, TV, internet etc. – provides crucial mechanism for the existence of social and political life. Without shaping highly effective communication culture, we cannot attain working democracy, stability, and mutual understanding. Stating the importance of the measures taken by Uzbek government to open wider doors to our




938. 10 4040

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нархда

# ТАФАККУР

ТАФАККУР 3/2017



ISSN 2010-6491

